



Шухрат ЖАЛИЛОВ

**КУЧЛИ**  
**ДАВЛАТДАН – КУЧЛИ**  
**ЖАМИЯТ САРИ**

“ЎЗБЕКИСТОН”

№ 21

ШУҲРАТ ЖАЛИЛОВ

# КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ

тажриба, таҳлил,  
амалиёт

74342

Тошкент — "Ўзбекистон" — 2001

БИБЛИОТЕКА  
Бух. ТИП и ЛП  
№ 74342

67.401.(5Ў)

Ж.21

Ушбу китоб фукароларнинг узини узи бошқариш органлари фаолиятига бағишланган бўлиб, унда муаллиф ўзбек миллатининг ижтимоий ҳаётида ноёб ҳодиса — маҳалланинг ўтмиши, ҳозирги куни ва келажаги ҳақида сўз юритади. Китобдан маҳалланинг жамиятимиздаги ўрни, унинг аҳоли, айниқса ёшлар орасида олиб бораётган тарбиявий-маърифий ишлари, ижтимоий ҳимояга муҳтож oilаларга курсатётган ёрдами, бу ишларга бош-қош бўлаётган жонкуяр маҳалла оқсоқолларининг ибратли сазй-ҳаракатлари ҳақидаги, ХХI аср маҳалласи қандай бўлиши кераклиги туғрисидаги фикр-мулоҳазалар ўрин олган.

Китоб маҳалла оқсоқоллари ва фаолларига, кенг китобхонлар омасига мўлжалланган.

## **Жалилов Шуҳрат**

Кучли давлатдан — кучли жамият сари: тажриба, таҳлил, амалиёт.— Ўзбекистон, 2001.— 160 б.

67.401(5Ў)

№ 545-2001

Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Республикасининг  
Давлат кутубхонаси

Ж  $\frac{0605010404 - 107}{351 (04) 2001}$  2001

ISBN 5-640-02960-9

© “ЎЗБЕКИСТОН” нашриёти, 2001 й.

## СУЗ ВОШИ УРНИДА

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритганидан кейинги ун йил тарихан чархпалакнинг бир мартта айланишига кетган вақтдек қисқа бўлса ҳам, самараси жиҳатидан асрларга татигулик улкан ишларга бой ислоҳотлар, янгиланиш даври бўлди. Утган йилларни сарҳисоб қилар эканмиз — миллатнинг узлигини англаши, қадр-қимматини, ориятини, анъаналарини тиклаши борасида амалга оширилган кўплаб тадбирлар кўз олдимизда намоён бўлади. Айниқса, утган ҳар бир кунимизнинг мазмуни нақадар бой, беназир эканини яққол намоён этади. Шакшубҳасиз, бундай улкан кўтарилиш, тараққиёт жараёни Ўзбекистон Президенти муҳтарам Ислон Каримов олиб бораётган доно сиёсатнинг амалий натижасидир.

Шу йиллар мобайнида мамлакатимизда бошқарув тизимини ислоҳ қилиш, давлат вазифаларини жамоат ташкилотларига босқичма-босқич ўтказиш, яъни кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш борасида ҳам талай ишлар қилинди. Айниқса, маҳаллалар фаолияти бутунлай янгича мазмун кашф этди. Айтиш мумкинки, жаҳон тажрибасида маҳалла деб аталувчи ягона, бетакрор бошқарув институти илк бор бизнинг юртимизда пайдо бўлди. Мазкур янгилликнинг чуқур миллий илдизи, бугунги жўшқин шаклланиш жараёни ва ёруғ истиқболи бор. “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да маҳаллага “шаҳарнинг бир неча кўчани ўз ичига олган бир бўлаги ва унинг аҳолиси” деб таъриф берилган. Шўролар даврида маҳалла мана шундай чалажон қилиб қўйилган эди. Маҳалла, деганда қариндошчилик ёки қўшничилик

муносабатлари билан ўзаро боғланган, бир урамда яшайдиган оилалар гуруҳи тушуниларди. Шу маҳаллада тўй ёки бошқа бирор маросим бўлса, вакиллар жам бўлиб боришар, жанжал ёки ажралишлар рўй берса, обрўли қариялар ўртага тушиб, тинчитиб қўйишарди, холос. Маҳалла бор эди-ю, аммо бошқарув тизимида унинг ўрни, кучи йўқ эди, яъни фуқаролар ҳаётига дахлдор кичкинагина юмушни ҳал қилишга ваколати етишмасди. Тўғри, қишлоқ ва шаҳарларда ўзбекона турмуш тарзи қарор топган, ўзига хос меъёрлар халқ ҳаётини бошқариб турарди. Дейлик, зарурат тугилганда қўшнидан қарз сўраш ёки узоққа кетаётганда ҳовлининг калитини девор-дармиён ҳамсояга қолдириш одатдаги ҳол ҳисобланган. Бироқ, шундай ҳолатларга қонуний тус берилиб, расман бошқарувнинг бирламчи занжири сифатида бу тизим эътироф этилмаганди.

Истиқлолнинг илк йилларидан бошлабоқ, юртбошимиз ўз нутқларида, жамоатчилик билан учрашувларида жамоа бўлиб яшаш ўзбек халқининг табиатига хос эканини, бу қадрият аجدодлардан ўтиб келаётган ноёб мерос эканлигини таъкидлаб келмоқда. Бундай тўхтамга келинганининг ҳам чуқур тарихий илдизлари бор. Агар халқимиз ўтмишига назар солсак, олис-олислардан даҳшатли босқинларнинг “урхо”си қулоққа баралла чалинади. Ростдан ҳам ер юзида бизнинг тупроғимиздек талаш бўлган, душман отлари туёғи остида аёвсиз топталган бошқа маконни топиб бўлмаса керак. Эҳтимол, ана шу омилнинг ўзиёқ, юртдошларимизнинг жамоа бўлиб, бирлашиб яшашини тақозо қилгандир. Ёки қуёш саховати одамлар қалбига кучиб, борини бошқалардан аямасликка ўргатгандир. Нима бўлганда ҳам, бизда маҳалладошлар, қўшнилар бир-биридан беҳабар яшай олмайдилар. Маҳалладошнинг иссиқ-совуғидан, аҳволи руҳиятидан хабардор

булиш, шодлигини баҳам кўриш, қийналиб қолганларга қарашиб юбориш сингари одатлар ҳеч бир тазйиқларсиз авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадриятларимиз жумласидандир.

Мана шу одатларга амал қилиш тўфайли маҳаллада ўзига хос маънавий муҳит пайдо бўлади. Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам маҳалланинг кўз ўнгида, эътиборида бўлади. Энг зўровон, манаман деган одам ҳам маҳалла аҳли олдида ювош бўлиб қолади. Олдин ҳам судланган, яна ўгирлик билан қўлга тушган жиноятчини ўзи туғилиб ўсган маҳалласида суд қилмоқчи бўлишса, у “отиб ташласанглар ҳам розиман, бироқ, маҳалла олдида шарманда қилманглар”, деб ўтинади. Чунки жонли хотиралар орқали эсланадиган ёмон таассуротларни кейинги наслларга мерос қилиб қолдиришни ким ҳам хоҳлайди дейсиз.

Маълумки, юртимиз ҳеч кимга тақлид қилмай, ўз ўтмишига таянган, умуминсоний маънавият дурдоналарига айланган тарихий қадриятларини тиклаган ҳолда мустақил қадам ташлай бошлади. Заминимизда қарор топган урф-одатлар, анъаналар, маросимлар замирида минг йиллар давомида сайқалланган нодир фазилатлар яширинган ва бу ҳолат маҳалла ҳаётида, маҳалладошлар фаолиятида моддийлашади. Очиғини айтсак, биздаги жамоавий удумлар ҳамма халқларда ҳам бор деёлмаймиз. Шундай қадриятларни ўзида мужассам этган маҳалланинг салмоқли ижтимоий вазифани бажаришга қодирлиги аниқ. Зотан маҳалланинг қўлидан келмайдиган иш йўқ.

Янги давлат қуриш билан боглиқ долзарб масалаларни ҳал қилиш баробарида маҳаллани қўллаб-қувватлаш кун тартибига қўйилди. “Зеро, барчамиз маҳаллада ўсганмиз. Унинг нуфузини кўтариш нафақат иқтисодий, нафақат ижтимоий, балки — сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масаладир”, деб таъкидлади Президентимиз.

Маҳалланинг мавқеини кўтариш билан, биринчидан, халқимизнинг азалий анъаналарини, қадриятларини қайтадан тиклаш ва ривожлантириш мумкин бўлади. Иккинчидан, давлат (вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари) вазифаларини аста-секин қуйи бошқарув идоралари (маҳаллалар)га ўтказиш билан жамиятни демократиялашда янги ва жуда катта имкониятлар яратади. Буни Президентимиз асослаб берди. Кетма-кет қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар маҳаллани моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, унинг идора усулини шакллантириш, ҳуқуқларини кенгайтириш ва мамлакат бошқарув тизимидаги иштирокини кучайтиришга қаратилди.

Маҳаллага эътибор мустақиллик билан баробар ўсиб борди. 1992 йил 12 сентябрда “Республика “Маҳалла” хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” Фармон қабул қилинди. Фармондан кўзда тутилган мақсад тарихан таркиб топган миллий ва анъанавий қадриятларни эъзозлаш, изчил тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини оммалаштириш, маҳаллалар ўртасида маданий ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш, шунингдек, уларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш чораларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш эди. Шундай қилиб, “Маҳалла” хайрия жамғармаси мустақил юртимиз маънавиятини тарихий асосларга суянган ҳолда юксалтириш, шунингдек, аҳолининг эҳтиёжманд қатламини ижтимоий муҳофаза қилиш, бозор иқтисодиёти шароитида маҳаллаларга ҳар томонлама кўмаклашиш борасидаги фаолиятини бошлаб юборди. Орадан кўп ўтмай, бевосита Президентимиз Фармонлари билан хайрия жамғармаси ҳисоб варағига Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармасидан 25 миллион сўм маблағ ўтказилди ва кўзланган тадбирларни турмушда рўёбга чиқариш, ижтимоий ҳимояни аниқ мақсадни кўзлаб амалга ошириш тавсия этилди.

Фармондан ропна-роса бир ой ўтгач, Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳалла” хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Қарорда жамғарманинг юқори органи конференция, унда сайланадиган бошқарув аппарати (кўпи билан 20 кишидан иборат) ва тафтиш комиссияси бўлиши белгилаб қўйилди. Бунгача маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг ягона тизими мавжуд эмас эди, қишлоқларда кенгаш (“селсовет”лар), шаҳарларда уй-жойлардан фойдаланиш комиссиясининг шахобчаси фуқаролик ҳолатларини қайд қилиш, фоқароларнинг маиший ташвишлари билан шугулланар эди. Уларнинг юмуши кўп, аммо ҳуқуқи ва кафолати йўқ даражада эди. Бисотида унниқиб кетган уй-рўзгор жиҳозлари-ю, таъмир органлар талаб 1-2 хонадан иборат “идора”дан бўлак ҳеч вақо бўлмасди. Фармон ва ҳукумат қарори чиққач, иш бутунлай янгидан бошланди. Маҳалланинг дим, қаровсиз маҳкамаларига мусаффо ҳаво кириб кела бошлади. Одамлар бу ўзгаришлардан сўнг ўз миллий истиқлолини юракдан ҳис қила бошладилар, десак хато бўлмайди.

Президентимиз “Маҳалланинг ҳар қандай масалани ечишга қурби етади. Нега деганда, энг адолатли муҳит, энг адолатли ижтимоий шароит, вазият фақат маҳаллада бўлиши мумкин. Ҳеч бир корхона, ҳеч бир идора ёки жамоат ташкилоти бу борада маҳалла билан тенглаша олмайди. У ерда ҳаёт тажрибаси катта, заминга яқин, кўпни кўрган, барча ишни жой-жойига қўя оладиган фидойи одамлар яшайди ва ишлайди”, деб қайд этганлар. Маҳалланинг ҳаётимиздаги юксак нуфузи асослаб берилганлиги унинг мавқеини янада ошириб юборди.

Эндиликда халқаро ҳамжамият томонидан “ўзбек модели” деб эътироф этилаётган беш тамойилнинг бири — кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш аввало фуқаролар, яъни маҳалла аҳолиси манфаатларини кўзда тутди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашга оид муайян тадбирларни рўёбга чиқаришда кам таъминланган оилаларга давлат томонидан ёрдам беришни, фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органларининг кенг ва фаол иштирокчини кучайтириш мақсадида 1999 йил 23 августда қабул қилинган Фармон “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида” деб аталади. Фармонда “Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам қўргон, қишлоқ, овул, шаҳарлардаги маҳаллалар фуқароларининг йиғини... қарорига кўра тайинланади” деб кўрсатилган. Демак, ижтимоий ҳимоя мақсадларига ажратилган маблағларни адолатли тақсимлаш маҳалланинг ўзига топширилди. Бу — катта ишонч, қолаверса, маҳаллаларнинг ҳуқуқи ва обрўсини оширадиган масъул вазифа эди. Фармондан бир кун кейин Вазирлар Маҳкамаси “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида” Қарор қабул қилди. Бу тадбирни бекаму кўст, мақсадли ўтказиш йўллари алоҳида низомда белгилаб қўйилди. Низомда моддий ёрдам кўрсатиш чоғида ижтимоий адолатга қатъий риоя қилиш, ҳақиқатан муҳтож оилаларга ёрдам берилишини таъминлаш асосий қоида сифатида уқтириб кўрсатилди.

Давлатимиз ва ҳукуматимиз бу борадаги тадбирларни изчил давом эттириб ва кучайтириб, болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш хайрия дастурини 1996 йил декабрдан ҳаётга жорий этди ва бу муҳим вазифа ҳам маҳаллалар зиммасига юкланди. Кам таъминланган ва ёш болали оналарни ижтимоий муҳофаза қилиш учун ўтган йил 28 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарфланган бўлса, бу йил қарийб 40 миллиард сўм шу мақсадга йўналтирилади.

Буларнинг ҳаммасини истиқлолимизнинг шарофати, унинг ижодкори — юртбошимизнинг маҳал-

лий ўзини ўзи бошқаришни миллий омиллар асосида ташкил этиш борасидаги кашфиёти, деса бўлади. Айни чоғда, замон билан ҳамнафас янгиланиб бораётганининг маҳалла миллий тафаккурни шакллантириш, анъаналаримизни замон руҳига мос равишда қайта тиклаш, ўзлигимизни дунё ҳамжамияти кўз олдида намойиш қилиш борасида бажараётган ишлари ҳам беқиёсдир.

Халқаро доираларда ўз нуфузини мустаҳкамлашга эришган юртимиз маҳаллалар мисолида одил фуқаролик жамияти тўғрисидаги тасаввурларни ҳам бойитиб бормоқда. Айни пайтда кўплаб хорижий ташкилотлар маҳалла фаолиятини ўрганишга қизиқиш билдирмоқда. Жумладан БМТнинг баъзи дастурлари, кўплаб халқаро жамғармалар, марказлар, Германия, Япония сингари ривожланган мамлакатлар Ўзбекистондаги бундай ўзига хос бошқарув тизимининг тажрибаларини ўрганиш, фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида амалий ишга киришганлар. Маҳаллалар вакиллари нуфузли ташкилотлар таклифи билан чет элларда бўлиб, маҳалла ҳаётидан сўзлаб бермоқдалар. Юртимизда ҳам шу масала юзасидан халқаро тадбирлар ўтказилмоқда. Булар келажакда халқимизнинг кўплаб ютуқлари қатори маҳалла ҳам дунё ҳамжамиятидан мустаҳкам ўрин олишини кўрсатиб турибди.

Президентимиз Ислам Қаримов Олий Мажлиснинг 2001 йил май ойида бўлиб ўтган бешинчи сессиясида ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада кенгайтириш ва уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга эътиборни қаратиб, “ўзини ўзи бошқариш органлари — бизнинг келажакимиз” деб таъкидладилар. Бу органларнинг асосини қуришга киришган эканмиз, улар барпо этилаётган адолатли фуқаролик жамиятининг пойдевори экан, демак бу пойдевори ҳар томонлама мукамаллаштириб бориш ҳар биримизнинг масъулиятли ва муқаддас бурчимиздир.

Истиқлол йилларида ушбу бурчга садоқат билан қараб, унинг ижобати учун давлат даражасида ҳамда минг-минглаб фахрли ном эгалари — жамоатчилар иштирокида амалга оширилган улкан ишлар, “XXI аср маҳалласи” концепцияси асосида бошлаб юборилган қатор тадбирлар, нурли келажакка мўлжалланган режалар беададдир.

Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги солномаси зарварақларида учмас из қолдираётган, жаҳон бошқарув тизимида янги саҳифалар очётган ана шу ишлар ҳақида уларнинг бевосита иштирокчиси сифатида билганларимни сиз азиз китобхонлар билан ўртоқлашишни ният қилдим. Ўйлайманки, ушбу рисола келажакда ёзиладиган кўп жилдли китобларнинг дебочаси бўлади. Уларнинг рўёбга чиқишида сизнинг фикр-мулоҳаза, таклиф, иншоларингиз албатта асқотади.

## ХАЛҚ ДАҲОСИНИНГ МАҲСУЛИ

Миллий истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатлари, оқилона сиёсатлари билан жамиятдаги бошқарув тизимини ислоҳ қилиш, давлат вазифаларини ўзини ўзи бошқариш органларига, жамоат ташкилотларига аста-секин, босқичма-босқич ўтказиш, кучли ҳуқуқий, демократик давлатдан, адолатли, фуқаролик жамиятига ўтиш борасида ҳам қатор ишлар қилинди.

Энг қадимий миллий қадриятларимиздан ҳисобланган, халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган, ўзбек халқининг яшаш тарзини ўзида тўла-тўқис мужассам этган маҳалла жамиятдаги ўзининг муносиб ўрнига тиклаб қўйилди. Ўзбек маҳалласи халқимизга хос донишмандлик тимсоли. У тарихда ҳам ҳамиша ўз жозибаси, ҳаётийлиги, халқчиллиги, бетакрорлиги билан дунё аҳли тафаккурини ўзига жалб

қилиб келган. Мозийдан тортиб, ҳозиргача давлатлар ўзининг кўпгина эзгу амалларини, хосиятли, баракатли тадбирларини, ҳаётий муҳим масалаларини маҳаллада оқсоқоллар, фаоллар ақл-заковати, адолатли назари билан амалга ошириб, ҳал қилиб келадилар. Бу анъана ҳозир ҳам давом этмоқда. ХХI аср ўзбекларининг янги замон талаблари даражасида шаклланишида, авлодларимиз комил инсон бўлиб вояга етишларида ҳам маҳалланинг самарали хизмат қилиши шубҳасиздир. Маҳаллаларда турли бунёдкорлик ишлари ўз ечимини топади, ҳашарлар, ранг-баранг маданий-маънавий, тарбиявий, оммавий тадбирлар ўтказилади. Айни шу маҳаллаларда амалга оширилаётган сиёсат асосида жамоатчилик фикри шаклланади. Шунинг учун ҳам юртбошимиз жамиятдаги ислохотларни чуқурлаштиришда, демократик ўзгаришларни амалга оширишда маҳалланинг мустақам таянч бўлишини назарий ҳамда амалий асослаб бердилар. “Ўзбекистонда маҳалла бўлиб, жамоа бўлиб яшашнинг, — деб ёзади Ислом Каримов, — неча минг йиллик тарихи бор. Биз бу анъаналарни янги мазмун билан бойитмоқдамиз. Бугунги даврда маҳалла жойлардаги ўзини ўзи бошқариш тизимининг таянчи сифатида фаолият кўрсата бошлади. Бу жамиятимиз бугунги ҳаётининг энг самарали, айни пайтда миллий ва халқчил кўринишидир”.

Чиндан ҳам, Ўрта Осиёда, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ўзини ўзи бошқарувчи ижтимоий ташкилотнинг ноёб шакли — маҳалла азалдан мавжуддир. Маҳалла бевосита жамоатчилик тарихи, одамларнинг жамоа бўлиб, ҳамжиҳат бўлиб, уюшиб яшаш тарихи билан боғланган ҳолда узоқ ўтмишга эга. Бу миллатимизга хос воқелиқдир. Манбаларни ўрганиш, таҳлил этиш жараёнида тугилган мантиқий хулосага кўра, ибтидоий жамоа тузуми емирилиб илк шаҳарлар пайдо бўла бошлагач, ҳозир биз

маҳалла деб атайдиган тузилманинг ибтидоий унсурлари шакллана борган, яъни одамлар касб-ҳунарларига қараб жойлашган, гузарлар, бозорлар пайдо бўла бошлаган. Бинобарин, тўп-тўп бўлиб, ўзгача атамага эга бўлган бўлса ҳам, маҳалла-маҳалла бўлиб яшаш, одамларга турли қулайликларни берган, аста-секин ўзаро муносабатлар, муомала йўналишлари қарор топган. Маҳаллаларнинг ўзига хос ҳаёт тарзи ҳам қадим-қадимдан уларда яшайдиган кишиларнинг манфаатини ҳимоя қилиб, эҳтиёжларини имкон қадар қондириб шакллана борган. Табиийки, вақт ўтиши билан одамлар ўртасида ижтимоий муносабатлар вужудга келган. Турли удумлар, одатлар, миллий анъаналар юзага чиққан.

“Маҳалла” атамасининг кўп асрлик тарихга эга эканлигига келсак, улуг тарихчи олим Наршахийнинг IX асрда ёзган “Бухоро тарихи” асарида қайд этилишича, Бухорода бундан бир минг бир юз йил илгари ҳам бир нечта маҳалла бўлган.

Бобомиз Амир Темур барпо этган марказлашган давлатда ҳам темирчилар, қуролсозлар, тикувчилар, чармдўзлар, гиламдўзлар, кулоллар, қурувчилар ва бошқа ҳунармандлар бир жойда меҳнат қилиб, ҳаёт кечирганлар. Бу ҳақда “Темир тузуклари” да ёзилишича, буюк бобомиз Амир Темур ўзи барпо этган бепоён ва қудратли салтанатни бошқаришда маҳалла мутасадди шахсларига таянган, улар билан яқин мулоқотда, доимий машваратда, маслаҳатда бўлган, кези келгана уларнинг фаолиятини бевосита қўллаб-қувватлаган. Асарда, жумладан шундай дейилади: “Ҳар эл ва ҳар мамлакатнинг улугларини, бошлиқ оқсоқолларини қадрладим, уларга совга-саломлар бериб, хизматларидан фойдаландим”.

Ўша вақтда ҳам маҳалла оқсоқоли сайланган ва унга эътибор, ишонч катта бўлган ҳамда зиммасига жавобгарлик, масъулият юкланган. Бу борада “Те-

мур тузуклари”да уқиймизки, уша даврда жамоа оқсоқолларига яъни кадхудоларга бошқарув масалаларида катта ваколатлар берилган. Жумладан, “Кадхудолар деҳқонлар ва экин майдонларига ишлов берувчилар кўнглини хушнуд этиб, ўзларига қаратсинлар. Фақир мискин, бирон касб қилишга ожиз — кўрларга нафақа белгиласинлар”, деб таъкидланган.

Буюк аллома Алишер Навоий ҳам маҳаллалар ҳақида илиқ сўзлар, аниқ-равшан тасавурлар қолдирган.

Навоий яшаган маҳалла мисолида кишилар ўртасида биродарлик, меҳр-оқибат, устоз ва шогирдлик каби инсоний фазилатлар нақадар юксак бўлганлигини кўрамыз. Алишер Навоий ўзининг “Мажолисун — нафоис” тазкирасида маҳаллалар хусусида қуйидаги маълумотларни ёзади:

“Дўстмуҳаммад — Марғани маҳалласидиндур. Ҳам шеърга, ҳам муаммога таъби яхшидур”. Алишер Навоий маҳалладошлар ўртасида ҳурмат, тенглик мавжуд бўлганлигини, шоҳу гадонинг бир-бирига муносабатида гамхўрлик қадрланганлигини ёзади. Тарихдан маълумки, Алишер Навоий ҳам шу маҳаллада яшаган. Бу ҳақда, яъни Навоий ўзи турган ҳовлининг шу маҳалладаги ўрни ҳақида бундай дейди: “Бу Марғани кўшки мана шу ўралган ҳовлининг жанубий чегараси билан ғарбий чегарасининг ўртасида эди”. Мухтасар қилиб айтиш керакки, улуг зотлар ҳам ўзлари яшаган маҳаллага, одамларига меҳр билан қараганлар. Навоий Ҳиротнинг Марғани маҳалласида яшар экан, у ерни шаҳарнинг энг гўзал мавзеига айлантирган. Кўпгина улуг асарлари ҳам шу маҳаллада дунёга келган.

Буюк аллома ўз мулки ҳисобидан мадраса, масжид қурдирган. Мурувватли Алишер Навоий мадраса, хонақоҳларда истиқомат қилувчиларнинг за-

рур моддий эҳтиёжларини таъминлаб, уларнинг олижаноб, иймон-эътиқодли, комил инсон даражасига кўтарилишлари учун имкон борича моддий ва маънавий жиҳатдан шарт-шароит яратиб берган. Қиш фаслининг тўрт ойида (қавс, жадий, далв, ҳут) ҳар куни 20 ботмон (400 кг) нон, гўштли овқат, агар гўшт топилмаса, гўжа оши пишириб одамларга тарқатилган. Қолган 8 ой давомида ҳар куни 20 ботмон (400 кг) дан нон улашилган.

Йўловчиларнинг юриши қийин бўлмаслиги учун тош кўчалар ҳар йили тузатиб турилган. Ёритиш зарур бўлган жойларда хизматчи ва фаррошлар ҳар кечаси шаъм ёндириб туришган. Лозим кишиларга пўстин, чакмон, кўйлак, чалвор, ковуш тортиқ этилган.

Навоийнинг бу каби саховатли ишлари беҳисобдир. Энг муҳими, юқорида санаб ўтилган айрим эҳсон турлари кўрсатиб турибдики, унинг ҳиммати ҳаётнинг барча тармоқларини қамраб олган. Навоий маҳаллани обод, озода тутишда ҳашарлар уюштиришни йўлга қўйган. Одатда қиш фаслида қор кураш учун қори, ходим, фаррош, ошхона хизматчилари жалб этилган. Ариқлар тозаланганда қум ва балчиқлар ариқ бўйига йигиб қўйилган. Мутавалли (бошқарувчи) эса одамларни уюштириб, тўпланган ахлатларни чиқариб ташлатган.

Буларнинг ҳаммаси Алишер Навоийнинг “Вақфийя” асарида таҳлил этилган.

Туркистон Россия империясининг мустамлакасига айлантирилган даврда ўлка бошқаруви зўравонликка асосланганлигини ва у доимий усул сифатида сақланиб келганлигини кўрамиз. Россия ҳукумати Туркистон халқларининг “хоҳиш-иродаси ва розилигига қараб қолмаслиги”ни ҳамда “бу ўлкада тўла эркин бўлиши зарурлиги”ни ҳамisha алоҳида уқтириб келган. Шу асосда Туркистон ге-

нерал-губернаторлик бошқарув тизимини тузган. Шаҳар, қишлоқ бошқаруви тизимида туман бошлиги тасарруфида участка (бўлим) пристави бўлиб, унга маҳалла оқсоқоллари, элликбоши, ўнбошилар бўйсундирилган. Шундай қилиб, Туркистон генерал-губернатори ўз қўлида ҳарбий ва фуқаро ҳокимиятини бирлаштириб, жilовини маҳкам ушлаб турган. Маҳаллий бошқарув тизими рус маъмурияти қўлида бўлган. “Рус маъмуриятининг аҳолига “ўз-ўзини бошқариш” ва “сайлов ҳуқуқини бериши” гирт лўттибозликдан иборат бўлиб, аслида ишнинг тизгини унинг қўлида қолган” (“Ўзбекистоннинг янги тарихи”. 1-китоб, 204-бет).

Мустамлакачилар маҳаллий бошқарув идораларига масъул шахслар танланишида ниҳоят ҳушёр иш тутиб, башарти илгор, тараққийпарвар ва миллатнарвар кишилар волост, ҳатто маҳалла бошқарувчиси, оқсоқол, юзбоши, элликбоши ёки қози сифатида сайланиб қолса, уларни лавозимга тасдиқламаслик учун турли ҳийла-найранглар ишлатганлар. “Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги низом” деб аталган ҳужжат эса уларга бу борада кенг фаолият майдонини яратиб берган. Чоризмнинг ушбу маъмурий сиёсатидан асосий мақсади, ўлканинг иқтисодий жиҳатдан қонини сўриш, маънавий-руҳий мақсади, пировард натижада, Ўрта Осиё халқларини руслаштириш бўлган.

Тарихий манбалар Россия империяси ўлкамизда ўзбек давлатчилигининг барча кўринишларини тагтуги билан йўқотиш ва русча идора услубини қатъий жорий этиш бўйича изчил иш олиб борганлигини тўла тасдиқлайди. Лекин шундай шароитда ҳам халқимиз ўз иродаси билан танлаган маҳалла бошқаруви синовдан мардонавор ўтган.

Самарқанд, Тошкент, Андижон, Қўқон ва бошқа йирик шаҳарлар даҳаларга, улар эса ўз навбатида

маҳаллаларга бўлиниб, маҳаллаларга оқсоқоллар бошчилик қилган. Ҳар бир маҳаллада масжид бўлиб, одамлар ҳаётидаги барча муҳим воқеалар шу ерда ҳал қилинган. Дафн маросимини масжид имоми билан суфи ташкил этган. Фарзанд тугилганда, никоҳ тўйларида оиланинг моддий аҳволига қараб дастурхон қандай бўлиши, қанча одам чақирилиши белгиланган.

Бир неча хонадонли кичик маҳаллалар қўрғонча деб аталар, уларда одатда эндигина утроқ ҳаётга утган оилалар жойлашган бўларди. Маҳаллаларнинг қадирий маҳаллий бошқарув тизими эканлигини Тошкент шаҳри мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. XVIII асрда Тошкент шаҳрида тўртта — Бешёғоч, Кукча, Себзор, Шайхонтоҳур даҳалари бўлган. Ҳар бир даҳага кўпгина маҳаллалар қараган. Халқ томонидан сайланган юзбоши ва мингбошилар маҳаллалар фаолиятининг бошида туришган, яъни маҳаллий ҳокимият вакиллари сифатида иш юритишган.

Шуни айтиш жоизки, вақт ўтгани сари маҳаллалар сони ўзгариб борган. Масалан, 1865 йилда Тошкентда 140 минг киши яшаган. XIX асрнинг охирига келиб, савдо-сотиқ, ишлаб чиқариш ривожланиши туфайли маҳаллалар сони 200 тага етган. XX аср бошларида 260 та маҳалла бўлган. Ҳозирги вақтда пойтахтда 445 тадан зиёд маҳалла бор. Маҳаллалар катта-кичиклиги, аҳолининг сони жиҳатидан фарқланган. Маҳаллалар асосан юздан то тўрт юзгача ва ҳатто ундан ҳам кўп хонадондан иборат бўлган. Ҳар бир маҳалла ободонлаштирилган ва ўз ичига масжид, мактаб, чойхона, дўконларни, касибчилик устахоналарини олган ҳудудий маркази мавжуд бўлган. Гузарлар катта кўчаларда ёки кўчалар туташган гавжум чорраҳаларда жойлашган. Умуман олганда, маҳалла аҳолиси ўзи яшаётган жойнинг табиати ва хусусиятига қараб, кўпроқ ҳунармандчилик, савдо-со-

тиқ ёки қишлоқ хўжалик ишлари билан машгул бўлган. Бой тарихий анъаналарга эга бўлган йирик маҳаллалар сифатида Оқтепа, Оқмачит, Баландмачит, Девонбеги, Кукча, Олмазор, Исфара гузари, Олтинтепа, Ачаобод, Самарқанд Дарвоза, Камолон, Чуқур кўприк, Ўқчи, Ўзбек ва бошқа маҳаллаларни келтириш мумкин.

Маҳалла — фуқаролар интилиши ва саъй-ҳарақати туфайли муайян миллий, ахлоқий тартиб қоидаларга риоя қилиш, маърака-маврид, яхши-ёмон кунларни бирга ўтказиш, аҳилликни таъминлашга хизмат қиладиган ижтимоий-иқтисодий ва ҳудудий жамоадир. Бу тарихий, анъанавий ва доимо навқирон, ибратли ҳодисани шундай таърифлаш жоиздир.

Мустамлакачилик тузумигача маҳалла бошқаруви халқчил, катта ҳуқуқ ва ваколатга эга бўлган. Унга халқ саралаб сайлаган баобрў инсонлар раҳбарлик қилган. Улар солиқ йигишдан тортиб, моддий, маънавий-маърифий ва бошқа тадбирларни ҳам бошқарган, оилавий низоларни ҳал қилган. Шу тариқа маҳалла ўзини ўзи бошқарган, ўзини ўзи таъминлаган.

Собиқ адолатсиз тузумда чуқур ўйланган, оқибати ҳисобга олиниб қилинган тазйиқларнинг ҳаммаси, атайлаб бошқарувнинг ушбу халқчил, энг таъсирли, энг самарали тизимини — маҳаллани зўрма-зўраки тугатишга қаратилди. Шу йўл билан буюк маданият ўчоғи бўлмиш маҳалланинг оёғига болта урилди. Уни эскилик сарқити, диний урф-одатлар маскани сифатида баҳолаб, одамларни етти пушти у ёқда турсин, ўзлигини, тилини, динини унутган манқуртларга айлантирмоқчи бўлдилар.

Ваҳолонки, маҳаллалар одамларнинг бошини қовуштиришда, турмуш маданиятини шакллантиришда, жуда зарур ижтимоий муаммоларни ҳал

этишда тарихий вазифани бажарган. 1932 йил 17 апрелда Ўзбекистон жумҳуриятида биринчи марта Ўзбекистон шаҳарларидаги маҳалла қўмиталари тўғрисида Низом чиқди. Орадан 32 йил ўтгач, 1961 йил 30 августда Ўзбекистон Олий Совети республика, шаҳар, қишлоқ, посёлкалар ва овуллардаги маҳалла қўмиталари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаган. Лекин, мазкур иккита Низомда ҳам маҳаллаларга юридик шахс ҳуқуқи берилган эмас. Аксинча, 1961 йилдаги Низомнинг 12-моддасида қуйидаги сўзлар қайд этиб қўйилган: “Маҳалла (квартал) комитетлари бирон молиявий-хўжалик фаолияти билан шугулланишлари (ошхоналар, қизил чойхоналар, сартарошхоналар ва шу кабиларни ташкил қилишлари ва улардан фойдаланишлари) мумкин эмас, улар олди-сотди, ижарага бериш ишларини бажаришда, квартираларни ижарага қўйиш ишларини амалга оширишда қатнашишлари мумкин эмас”. Бундан кўриниб турибдики, маҳаллаларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари доимо чеклаб келинган.

Лекин собиқ мустабид тузум маҳаллани жамоатчилик эътиборидан четда қолдиришга қанча уринмасин, халқ ўзи яратган, ўзи қадрлаган бошқарувини ҳар қандай синовлардан асраб-авайлаб, сақлаб қолди. Мустақиллик чалажон бўлиб қолган маҳаллаларга қайта жон ато қилди. Мустақиллик давлат ва жамият бошқарувида янги мазмун, янги шакл, янги талаб манзилени танлар экан, уни маҳалла бошқарувида кўрди. Ўзини ҳазрати инсонга, халқ хизматига, фаровонлигига, юрт озодлиги ва ободлигига тиккан, халқ ҳукми — ҳақ ҳукми эканлигини чуқур ҳис этган йўлбошчимиз адолатли, демократик жамият сари бошлади.

Буюк инсонпарвар шоир, озодлик куйчиси  
Чулпоннинг

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир,  
Халқ исёндир, халқ ўтдир, халқ ўчдир!  
Халқ қўзғалса, куч йўқдирки, тўхтатсин,  
Қўвват йўқки, халқ истагин йўқ этсин, — деган

сўзларида ўз ифодасини топган халқнинг буюк қудратига, қувватига, адолатига астойдил таяниб фаолият кўрсатган Президент бугун нақадар тўғри йўлни танлаганининг, тарихан қисқа вақтда эришилган оламшумул ютуқларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Мустақиллигимизнинг биринчи кунлариданоқ мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органларининг етакчи, халққа энг яқин муҳим бўгини — маҳалла тизимини тиклашга, нуфузини оширишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Маҳалла тизими демократик институт эканлиги, бу тизимда жамиятни бошқариш демократлашиб бориши, унда кенг халқ оммаси давлатни, жамиятни бошқаришда эркин, холис, бегараз, ихтиёрий иштирок этиши таъминланиши, у Ўзбекистоннинг ўзига хос бетакрор, ноёб халқчил бошқарув институти эканлиги эътироф этилди ва ҳозирги кунда жаҳон давлатчилиги тажрибасида тан олинмоқда.

Ҳозирги ўзини ўзи бошқариш органлари, айниқса маҳалла тизими хорижий мутахассислар, экспертлар диққат-эътиборини алоҳида жалб этаётгани сир эмас. Ҳатто юртимизда фаолият кўрсатаётган баъзи нодавлат, нотижорат ташкилотлар ҳам ўз лойиҳаларини айнан маҳаллалар орқали амалга оширишни мақбул топаётгани қувонарли ҳолдир. Европа Иттифоқининг ТАСИС дастури “Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш профилактикаси тизимини ривожлантириш” лойиҳасини ишлаб чиққан бўлиб, унинг Кўмаклашув гуруҳига бевосита республика “Маҳалла” жамғармасини ҳам киритди. Лойиҳанинг асл моҳияти аҳоли орасида соғлиқни сақлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришдан иборат. Инсон

учун энг ноёб неъмат — саломатлик ҳақида гап кетар экан, ушбу муҳим масалани комплекс ҳал этиш учун ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини жонлантириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шу йилнинг апрелида ТАСИС дастури томонидан ўтказилган Кўмаклашув гуруҳининг мажлисида мутахассислар ҳамда гуруҳ аъзолари бир тўхтамга келишди. Аҳоли ўртасида соғлиқни сақлаш профилактикаси бўйича амалга ошириладиган тарғибот-ташвиқот ишлари маҳалла фуқаролар йиғинлари орқали ташкил этилса, самарадорлик юқори даражада таъминланади! Хусусан, бу фикрни ТАСИСнинг доимий маҳаллий эксперти М.Козарес алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ўз навбатида, мазкур масала бўйича маслаҳат кенгашларини тузиш мақсадга мувофиқ. Қолаверса, бу борада маҳаллий тиббиёт муассасалари билан узвий алоқада ишлаш, тарғибот руҳидаги ишларни оилаларда олиб бориш, маҳалла ҳудудларини дезинфекция ва бошқа санитар усулида тозалаш лозим. Бундан ташқари тиббиёт муассасаларида инсонпарварлик ёрдамлари тақсимланишини ҳам кенг жамоатчилик иштирокида назорат қилиш даркор. Ҳар қандай фаолият ёки фаолиятсизликни жамоатчилик — яъни маҳалла аҳличалик ким қаттиқ назорат қила олади? Бу ишни фақатгина маҳалла холисона ва адолатли кўздан кечири олиши мумкин. Ҳозирги кунда муқобил тиббий муассасалар, хусусий поликлиникалар ташкил этилаётир. Уларга моддий-техника базасини шакллантириш ва бошқа жабҳаларда ҳам маҳаллалар энг яхши ҳамкор ва хайрихоҳ бўлиши мумкин.

Мамлакатимиздаги хорижий давлат элчихоналарининг барчаси маҳалла тизими билан алоҳида қизиқишмоқда, десак муболаға бўлмайди. Италия, Япония, Россия дипломатлари бизнинг яшаш тарзимиз,

маҳаллалар билан бот-бот қизиқишади ҳамда унга қойил қолишади. Бундан ташқари жамгармамиз мутахассислари чет давлатларга расмий сафар чоғида ҳам маҳалла институти ҳақида қизиқарли ахборот етказишади. Европа Иттифоқининг “Давлат бошқарув органлари тизимини ислоҳ қилиш” дастури мутахассислари ҳам маҳаллани ўрганмоқдалар.

Тобора кўплаб халқаро ташкилотлар бу тузилма ишини ўрганишга, у билан ҳамкорлик қилишга киришмоқда. Мамлакатимизда бўлган Франция корхоналар ассоциацияси вице президенти Пол Бернор ва “СУЭЗ ЛЕОНИЗ ДЕЗ О” компанияси раҳбари Иван Шери пойтахт маҳаллаларида бўлишди. Меҳмонлар Республика Оқсоқоллар кенгашида бўлиб, янги-янги маълумотларга эга бўлишди ва Ўзбекистондаги бу ўзига хосликдан ҳайратга тушганликларини эътироф этишди. Меҳмонлар хотирасини ўз иш тажрибалари билан бойитган Собир Раҳимов туман “Чигатой Оқтепа” маҳалласи оқсоқоли Хайрулла Муминов номига қуйидагича мактуб келди. “Версаль. 16 апрель, 2000 йил. Тошкент шаҳар “Чигатой Оқтепа” маҳалласи раисига! Ҳурматли жаноб раис, Францияга қайтиб келганимдан сўнг Академияда маъруза ўқишим сабабли маҳаллангизда мен ва менинг дўстларим учун уюштирилган ҳайратомуз қабулингиз учун ўз миннатдорчилигимни билдирмоқдаман.

Мен маҳаллангиздаги қилинаётган ишлардан, хусусан, кам даромадли оилаларга ёрдам, шифохона, дорихона, ёшлар клуби, мўйнали кийим тикиш цехи ва маҳалла фуқароларининг хавфсизлигини таъминлаш кабилардан бениҳоя таъсирландим, фуқаролар маҳаллий бошқарувида бундай ишларни амалга ошириш мен учун бир тушдай бўлиб туюлди.

Шуни айтишим лозимки, маҳаллангизга ташрифимдан сўнг мен бу борада қаерда суҳбат уюштирсам, ўзини ўзи бошқарувда инсонлар қандай нати-

жаларга эришиши мумкинлиги тўғрисида албатта Сизнинг маҳаллангизни мисол қилиб келтираман.

Ҳурмат билан Иван Шери”.

Маҳалланинг жамият ишини бошқаришдаги иштироки тобора кенгайиб, ижтимоий ташаббускорлиги ортиб бормоқда. Тарихий жамоа сифатида маҳалланинг ўз яшаш тарзи мавжуд. Ўзбек маҳаллалари ҳудудида асосан ери ерига, иморати иморатига, дарвозаси дарвозасига туташиб кетган ҳовлиларда бир ва ундан ортиқ оила, ака-укалар, қон-қариндошлар, бегона қўшнилари яшайди. Улар бир-бирлари билан жуда яқин алоқада бўлишади. Ҳар қандай шароитда ҳам қўшниларнинг ҳамжиҳат, яқин бўлиб яшашлари талаб қилинади. Халқимиз ўз мақолларида ҳам, “Ҳовли олма, қўшни ол”, “Узоқдаги қариндошдан, яқиндаги қўшни яхши”, “Бир болага етти қўшни ота-она”, “Гилам сотсанг, қўшнингга сот, бир чеккасида ўзинг ўтирасан” деб даъват қилади.

Ҳозирги меъёрий ҳужжатларга кўра маҳаллада камида 500 оила бўлиши мўлжалланган. Маҳалла — ана шундай оилалар аҳил яшайдиган катта жамоадир.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиб, янги суверен демократик давлат ва жамият барпо этиш йўли танлаб олинган, маҳаллаларга бутунлай янгича мазмун берилгани, янги вазифалар юклатилгани кенг халқ оммаси томонидан қўллаб қувватланди.

Бугунги кунда маҳаллалар Ватан ичра кичик бир Ватан сифатида жамиятимизнинг ривожланиш жараёни билан узвий боғлиқ ҳолда яшаб келмоқда.

Маҳалланинг таърифи беадад. Чунки у ҳаёт учун, икки дунё саодати учун нима зарур бўлса, ҳаммасини ўзида мужассам этган, бутун бир макондир.

Маҳалла тўғрисида фикр юритганда, албатта, ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллаларнинг

ва уларнинг мансабдор шахсларининг жамият ва фуқаролар олдигаги масъуллиги демократик характерга эга эканлигини ҳамisha ёдда тутиш керак. Маҳаллада жамоатнинг ҳукми асосий ҳал этувчи кучга эга бўлади. Маҳаллада — маърифат ҳукми, ахлоқ-одоб ҳукми, қадриятлар ҳукми ҳар қандай ҳукмдан ўз адолати билан юқори туради. Яъни Конституцияда ва бошқа қонунларда таъкидланганидек, маҳаллаларнинг амалий фаолияти инсонпарварлик, ижтимоий адолат ва демократик тамойилларга тўла асосланади. Жамият аъзоларининг манфаатлари мувозанатини таъминлаш ва ҳимоя қилиш асосий мақсадлар ҳисобланади.

Ўз ишини, ҳуқуқларини, масъулият ва бурчини яхши билган маҳалла раиси — оқсоқоли халқ манфаати йўлида собитқадам бўлиш билан барча жамоатчилик фикрини ўрганиш орқали жамиятдаги маънавий-ахлоқий муҳитни барқарорлаштиришга бебаҳо ҳисса қўшиб фаолият кўрсатади. Маҳалла жамоатчилик фикрининг асослари чуқур инсоний мазмун билан бойитилиб боришига ёрдам беради. Халқимиз, айниқса ёшлар маънавий дунёсини бойитиш, улар қалбини эзгулик зиёси, маърифат, адолат, инсофу диёнат нури билан мунавар этиш маҳалла ва унинг оқсоқолининг муқаддас бурчидир. Шундай — маҳалла ижтимоий макон. Унда ҳамisha жамоатчилик ва ҳамкорлик руҳи мавжуд бўлишини таъминлаш вожибдир. Маҳалланинг моҳияти шундаки, унда инсон ва жамият фаолиятига доир энг муҳим масалалар демократик асосда ҳал этилади, жамоат ишларида фуқароларнинг фаоллиги, ўзликни англаши юксалади ва шу асосда соғлом жамият шакллантирилади.

Жамиятимизнинг ҳозирги тараққиёт босқичида атроф-муҳит ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, турли оқимларга мансуб террорчиларга қар-

ши кураш борасида ҳушёр туриш, аҳоли яшаш жойларида огоҳликни йўлга қўйиш ҳаёт тақозосидир.

Шунингдек, жамоатчи фаоллар бозор муносабатларини ривожлантириш ҳамда ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш билан боғлиқ бўлган жуда кўп тадбирларни юзага чиқариш устида ишлаши зарур. Шу йўлдаги режаларни, “XXI аср маҳалласи” концепциясида кўзда тутилган кенг қамровли вазифаларни ҳаётга тадбиқ этиш учун дастурлар ишлаб чиқиладиган, устувор йўналишлар аниқлаб олинаётган ҳозирги пайтда оқсоқолларга кўп нарса боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Маҳаллалар мустақил, ҳуқуқий, демократик давлатнинг асосий таянчи бўлиб қолди. Улар халқчил, узини ўзи бошқарадиган жамоат органи сифатида маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари бажараётган кўпгина вазифаларни адолатли равишда уйдлашга қодир эканлигини амалда исбот этди. Уларнинг, айниқса аҳолининг маълум табақаларига аниқ йўналтирилган зарур ижтимоий ёрдам беришдаги ўрни беқиёсдир.

Маҳаллалар республика “Маҳалла” жамғармаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари билан ҳамкорликда, етим-есирлар, ногиронлар ва ёлғиз қарияларга қўшимча моддий ва тиббий ёрдам кўрсатишга ҳисса қўшмоқдалар. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ўйинчоқлар, эсдалик совгалари, кийим-кечак билан сийлаб турадилар, биноларини таъмирлашга, қулай шароитлар яратишга кўмаклашадилар.

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва “Маҳалла” жамғармаси, унинг жойлардаги бўлинмалари ва бўлимлари ташаббуси билан бундай савоб ишлар республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида, овул ва маҳаллаларида мунтазам уюштирилмоқда.

Маҳалла раислари ва уларнинг маслаҳатчилари вазифасига номзодларни танлаш, сайлаш жараёни ҳам тўла демократик, эркин, холис тарзда ўтиши-

ни таъминлаш шарт. Халқ маҳалла отасини танлашда ҳеч вақт адашмайди. Ҳар жиҳатдан комил, ақлли, руҳияти тетик, айни вақтда одамларга фойдаси тегадиган, иложи борича билимли, жуда бўлмаса уққан, шажараси тоза инсонни танлайди. Ёнида камарбаста бўлиб туради.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мустақиллик, эркинлик даврида жамоатчи кадрлар таркиби ҳам ўзгариб, номзодларни танлаш борасида ҳам замон таъсири сезиляпти. Бу фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг раҳбар кадрлари таркиби аста-секин яхшиланиб, ижобий томонга ўзгариб бораётганида кўринмоқда. Аниқроқ қилиб айтганда, аввало маҳалла фуқаролар йигинлари раислари орасида ёш, гайратли, ташкилотчи, тадбиркор кишилар сони ортиб бормоқда. Маслаҳатчилар орасида ҳам худди шундай ҳолатни кўриш мумкин. Раиснинг бир муовинини ёшлардан сайлаш таклифи қўллаб-қувватланди. Агар рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, Қорақалноғистон Республикаси, Тошкент шаҳрида олий маълумотли йигин раислари 69 фоизни, Навоий вилоятида 87 фоизни ташкил этади. Мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида ҳам шу ҳолатни кўра-миз. Номзодларни танлаш ва уларни маҳалла фуқаролар йигини раиси ва маслаҳатчиси вазифасига тавсия этиш гоят демократик равишда, қатъият ва талабчанлик билан олиб борилади. Агар номзод навбатдаги муддатга тавсия этилаётган бўлса, унинг маҳаллада ишлаган даврида амалга оширган ишлари ҳар томонлама таҳлил этилади. Янги номзод сайланаётган бўлса, унинг маънавий-маданий қиёфаси ташкилотчилик, тадбиркорлик қобилияти, ўз оила-сидаги обрў-эътибори инобатга олинади.

XXI аср, мустақилликни мустаҳкамлаш даври “Маҳалла” жамғармаси, халқнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг раислари олдига ислохотлар, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида халқ-

ни иқтисодий бўҳронлардан ҳимоялаш борасида ян-гидан-янги вазифалар қўймоқда. Улар ҳокимият ти-зимидан холи, эркин фаолият кўрсатиши, энг муҳи-ми адолатли, демократик жамиятнинг асоси сифа-тида шаклланиши лозим. Улар бугунги кунда бево-сита маҳалла аҳолиси ҳаётига, турмуш тарзига, анъ-ана, урф-одат, қадриятларга оид масалаларга бош-қош бўлиш билан бирга, жамият миқёсидаги вазифалар-ни бажаришга ҳам масъулдирлар. “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонунга мувофиқ, улар бу ишларни ҳоки-мият ижроия, вакиллик органларига қараб эмас, балки Конституция, қонун ва мавжуд меъёрий ҳуж-жатлар илгари сурган, халқ иродасини ифода этув-чи талабларга мувофиқ мустақил ҳал этишлари, жамоат олдида жавоб беришлари керак. Улар адо-латли, ҳар томонлама ҳалол бўлишлари, ҳаром луқ-мага сотилмасликлари, ошна-огайничиликка берил-масликлари, давлатда, жамиятда, дунёда рўй бера-ётган жараёнларни, ўзгаришларни, янгиликларни чуқур билишлари, зукко бўлишлари, тажриба, би-лим ва ваколатларни аниқ манбалар асосида ўзлаш-тиришлари, муомала, ширинсуханлик, вазминлик, совуққонлик бобида ўрнатилган бўлишлари, доимо тоқат доирасида ўзларини тутиб туришлари, одамларнинг кундалик эҳтиёжларини ҳал қилишга, ечилмаган саволларига жавоб топишга қодир бўлишлари, бир сўз билан айтганда, маҳалланинг ҳам отаси, ҳам она-си бўлиб кунига ярашлари лозим.

## **АДОЛАТЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ АСОСИ**

Ўзбекистон халқининг дунёда тан олинган демок-ратик тамойиллар асосига қурилган ҳаёт йўналиши-ни акс эттирувчи истиқлол Конституциясидаги мод-

далардан бири илк бор маҳаллага бағишланган бўлиб, бу модда унинг ҳуқуқий мақомини белгилаб берди. Маҳалла тизими ва унинг фаолияти фақат юртимизга хосдир. Бу фақатгина бизнинг мамлакатимиз ҳудудида, халқимиз тажрибасида қўлланиб келаётган ҳаёт тарзидир. Энг қувонарлиси шундаки, минг йиллар давомида биргина бизнинг халқимизга хос бўлган маҳалла бугунги кунга келиб дунё миқёсида ўртага қўйилган демократик тамойиллар талабига ҳам тўла жавоб бермоқда. Бу — дунёнинг ҳеч бир мамлакатидан синаб кўрилмаган янгиликдир. Фақатгина халқ ичидаги урф-одат, анъаналар даражасида баҳоланиб келган маҳалла ҳаётининг асосий қомусимизга киритилиши, нисбатан ёш мамлакатимиз мустақиллигининг ҳақиқий кўринишларидан, катта ютуқларидан бири десак хато қилмаймиз.

Маҳалла ўзини ўзи бошқариш органларининг энг ёрқин кўриниши, айти пайтда фуқаролик жамиятининг асоси ва таянчи деб тан олинганлиги билан ҳам ўзининг юксак мавқеига эга.

Мустақиллик йиллари мобайнида жамиятдаги бошқарув тизимларини ислоҳ қилиш, давлат вазифаларини жамоат ташқилотларига босқичма-босқич ўтказиш, яъни кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш борасидаги ишлар изчил давом эттириб келинмоқда.

Президентнинг маҳалла борасида олиб бораётган сиёсати иккита муҳим вазифани ҳал этишни кўзда тутди.

Биринчиси маънавий вазифа бўлиб, у халқимизнинг минг йиллик тарихидаги ноёб, энг азиз анъаналарни, қадриятларни қайтадан тиклаш ва ривожлантиришдан иборат.

Иккинчиси сиёсий вазифа бўлиб, Президентимизнинг маҳалла институтини бугунги замон талабларига мувофиқ тарзда тиклаш баробарида вилоят, ша-

ҳар, туман ҳокимликлари зиммасига юкланган кўпчилик вазифа ва ҳуқуқларни юқорида айтганимиздек, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига, яъни маҳаллаларга бериб, уларнинг мақомини жой-жойига қўйиб, шу тариқа жамиятимиз ҳаётини демократиялашда янги ва жуда муҳим қадамлар тапширдан иборат.

Таъбир жоиз бўлса, Президентимиз маҳалла тимсолида шарқона демократия шаклини кўрмоқдалар. Бу эса, ўз навбатида янгиланиш, сиёсий тизимни ислоҳ қилиш амалга оширилаётганидан, демократик, дунёвий тузумга ўтиш шароитида ўзини ўзи бошқаришнинг аҳамияти тобора ортиб бораётганлигидан далолат беради. Бу жараён тобора ривожланиб бормоқда. Ҳозирги кунда маҳаллалар жойларда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг мустақил органи сифатида бевосита давлат ва жамият ҳаётига оид бўлган масалаларни мустақил равишда ҳал қилмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият кўрсатаётган ҳудудларнинг кўлами, унда яшовчи аҳолининг миқдори, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, сиёсий-мафкуравий эҳтиёжларини қондириш йўлидаги ишлар уларни жойлардаги халқ ҳокимияти тизимининг ҳаракатдаги субъектига айлантирди. Бу нарса биринчи марта Олий Кенгаш томонидан 1993 йилнинг сентябрь ойида қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ўз ифодасини топган эди.

Ушбу ҳужжат ўша вақтда мазкур соҳани тубдан қайта қуришнинг ҳуқуқий мезонларини белгилаб берган эди. Шундай қилиб, давлат мустақиллиги ва сиёсий суверенитетга эришиш шароитида давлатчиликнинг миллий шаклини қайта тиклашга, республикамиз халқларининг ижтимоий турмушида миллий анъана ва одатлардан тўлароқ фойдаланишга интилиш кучайди.

Даврнинг янгича талабларига мувофиқ юзага келган Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуни ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Унда маълум маънода жамиятимизнинг ҳаёт тарзи белгилаб берилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур Қонун қабул қилинганидан ва амал қила бошлаганидан бери мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб сифат ўзгаришлари рўй берди. Бу аввало, раҳбарлик ва бошқарув тизимида демократик тамойилларнинг кучайганлиги, ижтимоий ҳаётда жамоат ташкилотларининг роли ва мавқеи ошганлиги билан изоҳланади. Ўтган даврда ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти юзасидан тўпланган тажрибалар тез ўзгараётган ҳаёт талабларини ўзида тўла мужассамлаштира оладиган, сифат жиҳатдан янги ва мукаммал юридик ҳужжат бўлишини зарур қилиб қўйди. Лекин шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, аввалги Қонуннинг кўпгина моддалари амалга ошириш механизмига эга эмас эди. Унда йигин раислари (оқсоқоллари) зиммасига кўпгина вазифалар юклангани ҳолда уларнинг ҳуқуқлари шунга яраша кенгайтирилиб, улардан фойдаланиш таъмин этилмаган эди. Бу ҳолатлар ўз навбатида раис ва оқсоқолларнинг ташаббус кўрсатиб ишлашларини чеклаб қўяр эди. Шундай қилиб, ҳаёт тақозосига кўра Қонун янги таҳрирда қабул қилинди.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида қилган маърузасида “Биз олдимизга фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадини қўйганмиз”, деди. Фуқаролик жамиятини қуриш бир қанча ваколатли вазифаларни давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топширишни кўзда тутди. Маҳаллий ҳокимият органла-

ри ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бажарадиган вазифалар доирасини кенгайтириш, уларга давлат ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич топшириш лозим. Энг муҳими, аҳолининг иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини янада тўлароқ ифодалаш ва ҳимоя қилишда нодавлат, жамоат тузилмаларининг ҳуқуқ ва мавқеларини ошириш даркор. “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” деган сиёсий қурилиш дастурининг моҳияти ҳам шунда. У маҳаллаларга ўз ҳаётини ва бутун жамият ҳаётини бошқаришда ва ташкил этишда кенг иштирок этиш имкониятини яратади. Бу эса фуқаролик жамияти тамойилларига тўла мос келади.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов ўз маърузасида маҳаллий ҳокимият идоралари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар кўламини ҳам аниқ белгилаб берди. Бозор ислохотларини амалга ошириш, тадбиркорликни рағбатлантириш, хусусий мулкни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини тўлдириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, одамларнинг моддий фаровонлигини ошириш ва аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш каби масалалар уларнинг зиммасида эканлиги яна бир бор таъкидлаб ўтилди.

Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам ана шундай ваколатларга эга бўлди.

Мазкур Қонунда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари ҳаёт тақозосига ва янги қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунига кўра уйғун равишда кенгайтирилган, айрим ҳолларда эса уларнинг ваколатлари, ҳуқуқлари аниқравшан кўрсатилган.

Қонуннинг амалий аҳамияти шундаки, унда қуйи бошқарув тизими ҳисобланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига кенг ҳуқуқлар берилган, жойлардаги жамоатчилик вакилларининг давлат ва жамиятни бошқариш ишларида тўла иштирок этишлари кафолатланган. Бу органлар давлат маҳаллий бошқарувидан ажратилиб, ҳар қандай тазйиқлар ва қарамликдан халос этилган. Янги таҳрирдаги ушбу Қонуннинг 7-моддасида “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди” дейилган бўлиб, уларнинг ҳуқуқий мақоми аниқ белгилаб қўйилган.

Давлат сиёсатида халққа ишониш ва таяниш, фуқароларга кўпроқ эркинлик бериш йўлига ўтилди. Бу нарса хусусан янги таҳрирдаги мазкур Қонун мазмунида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатлари янада кенгайтирилганлигида ҳам ўзининг ифодасини топгандир. Қонуннинг 4-моддасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий тамойиллари (демократизм, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ечишда мустақиллик, жамоатчилик асосида ўзаро ёрдам) алоҳида кўрсатиб ўтилгани бу тизимга катта эътибор билан қаралаётганидан дарак беради. Бу эса ҳаётга демократия тамойилларини дадил жорий қилиб, давлат ва жамият ишларини бошқаришда фуқароларнинг кенг иштирокини таъминлаш имконини беради.

Қонунга унинг аввалги таҳририда бўлмаган бир қатор янгиликлар киритилган. Бу нарса аввало фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий мақомининг аниқ белгилаб берилишида (7-модда); вақти-вақти билан туман, шаҳар ҳамда вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг, маҳалла ҳудудида жойлашган корхоналар, ташкилотлар, муассасалар

раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни мустақилл ечиш ҳуқуқида; фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг янги институтлари (фуқаролар йигини кенгаши, фуқаролар йигини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар, фуқаролар йигинининг тафтиш ва маъмурий комиссиялари) жорий қилинишида; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига, халқ депутатлари вилоят Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш учун фуқароларнинг номзодлари бўйича ҳокимиятнинг тегишли вакиллик органларига таклифлар киритиш, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилишда (10-модда); икки ёшга тўлмаган болалари бор ишламайдиган оналарга нафақалар тайинлаш ва тўлаш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва болали муҳтож оилаларга нафақалар тайинлаш (10-12-моддалар) ва бошқаларда ўз ифодасини топган.

Янги таҳрирдаги Қонуннинг 1-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши тушунчасига: “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши — фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир” деб таъриф берилган. Мазкур Қонуннинг 9-моддасида эса фуқаролар йигинига берилган таъриф янада конкретлаштирилган. Яъни унда: “Фуқаролар йигини — фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг юқори органи бўлиб, аҳоли манфаатларини ифодалаш ва унинг номидан тегишли ҳудудда амал қилувчи қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга-

дир” деб кўрсатилган. Янги Қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши тушунчаси, фуқаролар йиғинининг ҳуқуқлари ва бу ҳуқуқларни амалга ошириш йўллари аниқ кўрсатилган. Алоҳида қоидаларни қиёслаганда ҳам янги таҳрирдаги Қонунда фуқаролар йиғинларига янада кўпроқ эркинлик ва мустақиллик берилиши кўзда тутилгани аён бўлади. Масалан, аввалги Қонунда “Ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият олиб борадиган ҳудудларни фуқаролар таклифига кўра туман, шаҳар ҳокими белгилайди” (2-модда) дейилган эди. Янги таҳрирдаги Қонунда эса бундай юмушларни “...фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг тегишли органи фикрини ҳисобга олган ҳолда ҳужжатларда назарда тутилган тартибда амалга ошириши” (5-модда) белгилаб қўйилган.

Шунингдек, аввалги Қонуннинг 5-моддасида “Фуқаролар йиғинини раис (оқсоқол) тегишли халқ депутатлари Кенгаши ёки ҳоким билан келишилган ҳолда заруратга қараб чақиради” дейилган бўлса, янги таҳрирдаги Қонунда “Фуқаролар йиғини фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли), йиғин кенгаши томонидан заруратга қараб, лекин йилнинг ҳар чорагида камида бир марта чақирилади” деб белигиланган.

Яна бир мисол. Аввалги Қонунда “Ўзини ўзи бошқариш органларининг қонунларга зид ҳужжатларини халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари ёки тегишли ҳокимликлар бекор қиладилар” (24-модда) дейилган эди. Янги таҳрирдаги Қонунда бу ҳолат кўзда тутилмаган.

Янги таҳрирдаги Қонуннинг 6-моддасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари шаклланиши ва ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратадилар, уларнинг ишларига аралашинишга йўл қўймайдилар, деб алоҳида таъкидланиши ҳам фуқаролар йиғинлари эркинлигини таъминлашни назарда тутди.

Янги таҳрирдаги Қонуннинг мукамаллигини кўрсатувчи яна бир мисол шуки, унда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг, қуйидан юқоригача бўлган тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асоси кафолатланган. Бу янги Қонуннинг 17-моддасида ўз ифодасини топган. Аввалги Қонунда бу нарса кўзда тутилмаган эди.

Таъкидлаш лозимки, янги Қонун қабул қилиниши муносабати билан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳаётида янги давр бошланди. Уларнинг ваколатлари ва ҳуқуқлари кенгайтирилди, масъулияти оширилди. Бундан буён фуқаролар жойларда ўз хоҳиш-иродаларини, конституциявий ҳуқуқларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали намоён этадилар. Жойлардаги маҳаллий раҳбарларнинг ишига ушбу органлар орқали халқнинг ўзи баҳо беради, ўз хизмат мансабини суистеъмол қилувчиларнинг ноўрин хатти-ҳаракатларига ўз вақтида барҳам бериш имконияти туғилади.

Аввалги Қонунда фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг фақат бир органи — фуқаролар йигини (йигилиши) кўзда тутилган эди. Янги таҳрирдаги Қонунда эса фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг бир қанча янги органлари жорий қилиниши кўрсатиб утилган.

Мазкур Қонуннинг 7-моддасига асосан қуйидагилар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари деб белгиланган:

— шаҳарча, қишлоқ, овул фуқароларининг, шунингдек шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқароларининг йигини (вакиллар йигилиши);

— фуқаролар йигинининг кенгаши;

— фуқаролар йигини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар;

- фуқаролар йигинининг тафтиш комиссияси;
- маъмурий комиссия.

Демак, бундан буён, мазкур Қонунда кўзда тутилганидек, фуқаролар йигини Кенгаши, тафтиш комиссияси, маъмурий комиссиялар ва бошқа янги органлар фаолият юрита бошлайдилар. Ушбу янги органлар ҳаёт талаби асосида ташкил этилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Мазкур Қонуннинг 4-моддасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий тамойиллари аниқ белгилаб берилган.

Булар қуйидагилардан иборат:

- демократизм;
- ошкоралик;
- ижтимоий адолат;
- инсонпарварлик;
- маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ечишда мустақиллик;
- жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам.

Қонуннинг ушбу моддасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий йўналишлари нималардан иборат эканлиги кўрсатилган, фуқаролик жамиятини қуришдаги уларнинг иштироки ҳамда уларнинг мустақиллиги кафолатланган.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг аъзолигига номзодларни тегишли округ сайлов комиссияларига тавсия этиш, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига, халқ депутатлари вилоят Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш учун фуқароларнинг номзодлари бўйича ҳокимиятнинг

тегишли вакиллик органларига таклифлар киритиш ҳуқуқларининг берилиши фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятимиз сиёсий ҳаётидаги роли янада ошиб бораётганлигини кўрсатади.

Мазкур Қонуннинг 12-моддасида фуқаролар йиғини кенгашининг ваколатлари белгилаб берилган. Қонунда кўрсатилганидек, фуқаролар йиғини кенгаши фуқаролар йиғини қарорларини бажаради ва фуқаролар йиғинлари орасидаги даврда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг кундалик фаолиятини амалга оширади. Йиғин кенгаши таркиби йиғин раиси (оқсоқоли), унинг маслаҳатчилари, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича тузилган комиссияларнинг раислари, йиғиннинг масъул котибидан иборат бўлади.

Фуқаролар йиғини кенгашининг Қонунда белгиланган фаолияти қуйидагилардан иборат:

— фуқаролар йиғинини чақириш;

— фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ишини мувофиқлаштириш, хайрия ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказиш;

— фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол)нинг тақдимномасига кўра, фуқаролар йиғини кенгашининг ишчи девонини шакллантириш;

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларига уларнинг сайловчилар билан учрашувларини уюштиришда, фуқароларни қабул қилишда, улар ўз сайлов участкаларида бошқа ваколатларни амалга оширишларида кўмаклашади;

— оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий, спорт тадбирларини ва бошқа тадбирларни ўтказишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўмаклашади, Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Куруниб турибдики, Қонунда фуқаролар йигини қарорларини кундалик ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида ижро органи тарзида фуқаролар йигини кенгаши тузилиши кўзда тутилган. Аввалги Қонунда бундай ижро органи тузилиши назарда тутилмаган эди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ишига йигин раҳбарлик қиларди. Йигин эса йилда камида бир марта ўтказилар эди. Ушбу органининг амалий фаолиятига раҳбарлик қиладиган, уни оператив бошқариб турадиган, фаолиятини йўлга қўядиган ижро органи йўқ эди. Янги ташкил этилган фуқаролар йигини кенгаши институти ушбу бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилади.

Ушбу Қонун фуқаролар йигинида (вакиллар йигилишида) қарорлар қабул қилишга имкон берувчи ҳуқуқий шаклларни белгилаб беради: фуқаролар йигини унда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг ярмидан кўпроғи, вакиллар йигилиши эса вакилларнинг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда қонуний кучга эга бўлади. Йигилишни раис (оқсоқол) ёки унинг маслаҳатчиларидан бири олиб боради. Барча масалалар бўйича қарорлар очиқ ёки ёпиқ овоз бериш орқали оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Қонуннинг 19-моддасида фуқаролар йигини кенгашининг иш тартиби ҳам белгилаб берилган. Қонунда кўзда тутилганидек, фуқаролар йигини кенгашининг мажлиси фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) томонидан, заруратга қараб, лекин ойда камида бир марта ўтказилади. Фуқаролар йигини кенгашининг мажлиси, агар унинг ишида кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади. Йигин кенгаши қарорлари йигин кенгашининг ҳозир бўлган аъзолари ярмидан кўпроғи овоз берган тақдирда қабул қилинади. Фуқаролар йигини кенгашининг қарори очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

Қонуннинг ушбу моддаларида фуқаролар йиғинини чақириш тартиби янада чуқурроқ демократиялаштирилганлиги ҳамда фуқаролар вакиллари йиғинига сайлаш тартиби аниқ белгилаб қўйилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Буларнинг ҳаммаси фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг демократик асослари маҳаллий шароитга яқинлаштирилганлигини, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита иштирок этиш имкониятлари янада оширилганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини, фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш тартибига маълум даражада янгилик киритиб, тегишли ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқди.

Қонунда кўзда тутилганидек, фуқаролар йиғини:

икки ёшга тулмаган болалари бор ишламайдиган оналарга нафақаларни шу мақсадда ажратилган давлат бюджети маблагидан белгиланган тартибда тайинлайди;

халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодлар кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига, халқ депутатлари вилоят Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш учун фуқароларнинг номзодлари бўйича ҳокимиятнинг тегишли вакиллик органларига таклифлар киритади;

йилнинг ҳар чорагида туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларни эшитади;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш масалалари юзасидан ўз ваколати доирасида

тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади;

маъмурий-ҳудудий бирликлар ва маҳаллаларнинг чегараларини ўзгартириш, маҳаллалар, кучалар, майдонлар ва бошқа объектларнинг номини ўзгартириш тўғрисида тегишли давлат органларига таклифлар киритади.

Қонунда шу нарса назарда тутилганки, маҳалла ҳудудидида амалга ошириладиган барча масалалар, аввало фуқаролар йигинида, кенгаш мажлисида кўриб чиқилади. Маҳаллага диққат-эътибор берилаётганлигининг боиси ҳам шунда. Фуқаролар йигини, маҳаллаларга берилаётган эътибор уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришга қаратилган. Бугунги кунга келиб фуқаролар йигинлари давлат бошқарувининг биринчи бўғини, жойлардаги асосий таянчига айланиб бормоқда.

Президентимизнинг тўй-ҳашам ва маросимларни ўтказишда шуҳратпарастлик, дабдабабозлик ва исрофгарчиликка йўл қўйилишига барҳам беришга қаратилган Фармонининг ижросида фуқаролар йигинлари, маҳаллаларга катта вазифа ва масъулият юклатилди.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитидаги дастлабки тажрибалар шуни кўрсатадики, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини уларнинг иқтисодий, молиявий базасисиз тўлиқ амалга ошириш мумкин эмас. Ушбу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, уларга нисбатан мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқи берилади. Улар мол-мулкдан, ўз молиявий ресурсларидан мустақил фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ушбу Қонуннинг 23-моддасида белгиланишича, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қурилган, тасарруфига олинган ёки уларга берилган жамоат, ижтимо-

ий-маиший ва бошқа мақсаддаги объектлар, шунингдек, транспорт воситалари, хўжалик анжомлари, кўчар ва кўчмас мулк уларнинг мулки ҳисобланади.

Янги таҳрирдаги ушбу Қонунни таҳлил қилиш фуқаролар йиғинлари ва ваколатлари мумкин қадар кенгайтирилганлигини кўрсатади. Бу органлар иложига бориша аҳолига яқинлаштирилган. Бу, ўз навбатида, кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш жараёнида фуқароларнинг жойларда давлат ва жамият ишларини бошқаришда фаол иштирок этишларини таъминлайди, фуқаролик жамияти сари бизни яқинлаштиради, жойларда адолат қарор топишига имконият яратади.

Қайд этиш лозимки, мустақилликкача бўлган ва мустақилликнинг дастлабки йилларидаги маҳаллалар ҳаёти билан бугунги маҳаллалар мавқеини қийинлаштиради, улар орасида ер билан осмонча фарқ бор. Бу одатдаги муносабатга ёки сўз ўйини эмас. Буни маҳаллага берилган ваколатларнинг қанчалиги-ю, улар қай даражада ўзлаштирилганлиги, маҳалла фаолияти билан боғлиқ шахслар мавқеининг ўсганлиги-ю, буни маҳалла аҳли қай даражада тан олиб, бирлашиб, фаолиятга киришганлиги каби ўнлаб қийин халосалардан сезиш мумкин. Аслида, фуқаролик жамияти қуришнинг пойдевори шу эмасми? Одамлар тегишли ҳудудда маҳалла фуқаролар йиғинини тан олса, унинг қарори ва бошқа ҳужжатларига амал қилса, ўз ҳаёти масалалари ечимини шу идорадан кутса, фуқаролик жамиятининг кўриниши шу эмасми?

Мамлакатимиз ҳудудининг ҳеч бир қаричи ёки ҳеч бир фуқароси йўқки, маҳалла бошқаруви билан қамраб олинмаган бўлса. Бутун республикамиз ҳудудида 10 минг атрофида маҳаллалар мавжуд. Уларнинг асосий қисмида йиғин раислари, котиблари ва маҳалла посбонлари сардори маошлар билан таъминланган. Бу йиғинларнинг ҳар бири қошида ўнга яқин

комиссиялар фаолият кўрсатади. Бу комиссиялар маҳалланинг тарихан шаклланган тажрибалари асо-сида фуқароларни бошқариш ишлари билан бир қатор-да, мустақиллик туфайли очилган кенг имкониятлар-дан фойдаланиб, ўз фаолият доираларини кенгайти-риб бормоқда. Хусусан, ҳокимиятлар томонидан бе-рилаётган ваколатларни қисқа вақтда тез ва мукам-мал амалга ошириш бунга яққол мисолдир. Бугунги кунга келиб, маҳаллалар ўз ҳудудини белгилаш, ўзгар-тириш, ўз раҳбар органларини сайлаш, комиссиялар таркибини белгилаш каби ўз фаолиятини ташкил қилишга оид ва ҳокимликлар раҳбарларининг маҳалла фаолиятига тегишли ҳисоботларини тинглаш, маҳал-ла ҳудудидаги ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, маҳаллада тадбиркорликни йўлга қўйиш, коммунал тўловларни ундириш ва коммунал хизмат кўрсатиш-ни йўлга қўйиш, турли моддий-маънавий ёрдам кўрсат-тиш, фуқароларни қабул қилиш, ишсизлар билан ишлаш каби ўнлаб ваколатларни бажармоқда. Туғри, бу ваколатлар ҳар бир маҳаллада ҳам тўлигича ўзлаш-тирилиб, амалга оширилаяпти, деб бўлмайди. Аммо бу билан фуқаролик жамиятига дастлабки қадам қўйилди. Бугун нафақат маҳалла оқсоқолию унинг фаоллари, балки маҳалла аҳолиси маҳалланинг фу-қаролик жамиятини ташкил қилишдаги асос ва та-янч ролини ҳис қилишмоқда. Буни яна шундан сезиш мумкинки, аҳолининг ҳокимликларга қилади-ган мурожаатлари айнан фуқаролар йигинлари фао-лияти туфайли камаймоқда. Демак аҳоли ва ҳокими-ят ўртасидаги йўлакда маълум даражада маҳалла томон бурилиш ясалди.

Агар республикамизнинг турли жойларидаги маҳаллалар фаолияти таҳлил қилинса, уларда ажой-иб ўзгаришларни сезиш мумкин, яъни маҳаллий ҳокимият ва маҳала фуқаролар йигинларининг сайъ-ҳаракати туфайли мамлакатимиз Президенти то-

монидан маҳаллалар фаолиятига берилган эътибор тўғри тушунилиб, кўплаб маҳаллаларимиз фаолиятида ўзига хос янгиликлар қилинаётганлигини кўра-миз. Масалан, кўплаб маҳаллалар аҳолига турли хил-даги хизматлар кўрсатувчи ширкатлар тузганлар. Тадбиркорликнинг энг самарали усулларини ўзлаштириб, маҳалла аҳолисига хизмат кўрсатмоқдалар. Шу йўл билан топилган даромад (2000 йилда бу даромад 180 млн. сўмдан ортиқроқ бўлди) ҳисобидан ҳатто кам таъминланган, кўп болали оилаларга, қаровчиси бўлмаган ёлғиз шахсларга моддий ёрдам бериш йўлга қўйилмоқда, янги иш жойлари ташкил қилинмоқда. Шаҳарлардаги, ҳатто баъзи қишлоқ туманларидаги маҳаллаларда барпо этилган гузарлар, спорт мажмуалари кўзни қувонтиради. Бу ўринда маҳалла мулки шакллари ҳам кенгайиб бораётганини кўра-миз.

Давлат органларининг айрим ваколатларини маҳаллий давлат органларига, улардан эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш иши фуқаролик жамияти қарор топишининг муҳим шартларидан бири. Бу жараён бирдан амалга оширилмайди. Шунинг учун ҳам давомийдир. Бу ишни амалга ошириш, тўғри ташкил қилишда энг мақбул йўллар зарур. Бунда шошма-шошарликка йўл қўйиб булмайди. Аммо бу масалада сусткашликни ҳам оқлаб бўлмайди. Мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов Президентлик сайлови олдидан Тошкент шаҳар сайловчилари вакиллари билан учрашувда сўзлаган нутқида (2000 йил, 6 январ) бу ҳақда шундай деган эди: “Биз маҳалла фаолларининг ҳуқуқини янада кенгайтириш, уларга тегишли имтиёзлар бериш, шу билан бирга уларнинг масъулиятини ошириш мақсадида махсус Фармон чиқардик, Қонун қабул қилдик. Афсуски, айрим маҳалла фаоллари бу имкониятлардан тўлиқ фойдалана олмаяптилар”. Хўш, бунинг сабаблари нимада? Аввало,

бунга сабаб шундай катта имкониятлар берилганига мос кела оладиган даражада йигинлар фаолиятининг ташкил қилинмаганлиги, йигинлар раисларининг бугунги талаб даражасида фаолият олиб бора олмаслигидир. Иккинчидан эса, юртбошимизнинг ўзлари таъкидлаганларидек, ҳокимликларнинг "...маҳалла вакилларига бошқарув ваколатларини беришга тўсқинлик қилиб..." келаётганлигидир. Албатта, бундай ҳолатларга барҳам бериш чора-тадбирлари кўриб борилмоқда. Ҳозир Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, "Маҳалла" жамгармаси бошқаруви қошида фаолият кўрсатаётган "Маҳалла" ўқув-услубий маркази ҳамда вилоятлар марказидаги шундай ўқув-услубий марказлар орқали, кўплаб бошқа тадбирлар воситасида маҳалла мутасадди ходимларини ўқитиш йўлга қўйилмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига тааллуқли қонунчиликни такомиллаштириш, Қонунларда уларнинг янги жамиятнинг таянчи ва асоси бўлишига, эркинлигига тўсиқ бўлувчи ҳолатларга барҳам бериш, мустақил фаолиятини таъминлаш, айниқса молиявий жиҳатдан ҳукумат вакиллик органларига қарам бўлишини келтириб чиқарувчи ҳолатларга барҳам бериш асосий вазифалардандир.

## **КУЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙЎЛИДА**

Ўзбекистон давлати истиқлолга эришгач, ўз сиёсатининг асосий йўналишини бозор иқтисодига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборат деб белгилади. Бу ҳол тоталитар тузум исканжасидан эндигина қутулиб чиққан халқимиз учун бутунлай янгилик эди.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш асосида ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш учун мам-

лакатда энг аввало, иқтисодий жараённи кенгайтириш, унинг асосларини мустақкамлаш, ижтимоий муносабатларни чуқурлаштириш, фуқаролар маданий ва моддий турмуш даражасини оширишнинг янги тамойиллари ишлаб чиқилди. Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши ва қонун билан ҳимоя этилиши мамлакат Конституциясида белгилаб қўйилди.

Мамлакатда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ва маърифий тизимларни жиддий ислоҳ қилишга киришилди. Бундай шароитда инсон онги ва тафаккурида кескин ўзгариш яшаш лозим. Натижада янги даврнинг янги талаблари асосида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, фуқароларни маҳаллий ҳокимият органлари орқали ўзини ўзи бошқаришга ўргатиш ва шу йўл билан фуқаролик жамиятини барпо этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз Ислом Каримов демократик давлат қуришда давлат бошқаруви масаласига жиддий эътибор қаратар экан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 23-24 феврал кунлари бўлиб ўтган биринчи сессиясида сўзлаган нутқида “Бошқарув вазифаларининг асосий қисми марказдан вилоятларга, вилоятлардан шаҳар, туманлардаги давлат ва бошқарув идораларига ўтишини таъминлаш даркор. Шу тариқа бу босқич аста-секин ўз-ўзини бошқариш жамоатчилик ташкилотларига ҳам етиб боради” — деб таъкидлаган эди. Бу — ўзини ўзи бошқаришнинг бош тамойилига айланиб қолди.

Бинобарин, эндиликда давлат ўз вазифаларини ҳокимиятни кучайтириш ҳисобига эмас, аксинча демократик омилларни кенгайтириш ва кенг халқ оммасини бошқарувга жалб этиш йўли билан амалга ошироқда.

Маълумки, фуқароларнинг тафаккури, сиёсий савияси демократик ўзгаришлар суръатлари билан мос бўлса, бошқарувни демократиялашга замин яратилади. Шунинг учун ҳам демократик ўзгаришлар ҳамда янги демократик жараённи чуқурлаштириш ва уларни ҳаётга тадбиқ этишни энг аввало, жамиятимизнинг ўзи англамоғи ва ҳал қилмоғи даркор. Бу борада жамиятнинг асосий бўғини бўлган маҳаллаларнинг ўрни ва ўзини ўзи бошқариш тартибини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Шарқда демократик жараённинг қадимдан шаклланган тажрибаси, урф-одатлар, қадриятлар ва ҳаётий янгиланишларнинг ўзига хос хусусиятлари, ўзига хос анъаналари мавжуд. Шарқда демократия тушунчаси ҳамжамият гоёси, жамоатчилик фикрининг устуворлиги замирида шаклланади. Бизнинг мамлакатимизда, — демократик жараёнларни халқимизнинг қонунни ҳурмат қилиш, қонунга итоат этиш каби фазилатларига мос равишда ривожлантириш зарур, деб кўрсатган эди И.Каримов. Жамиятнинг бошқарув тизимини шакллантиришда бу тамойилга алоҳида эътибор берилмоқда. Буни маҳаллалар иши мисолида яққол кўриш мумкин. Зотан, мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий ҳаётда демократик жараёнларни чуқурлаштиришда маҳаллалар ролини ошириш учун катта ишлар қилинаёпти.

Тарихий манбалардан маълумки, қадимдан Турон-заминда маҳалла ҳудудий-маъмурий бирлик ҳисобланган. Одамлар уруг-уруг, жамоа-жамоа бўлиб яшаган. Жамоа аъзолари тақдири, уларнинг бир-бирига бўлган муносабати қатъий назоратда турган. Маҳаллаларда кўпдан-кўп ҳаётий муаммолар ҳамма вақт ўз ечимини топиб келган. Шу нуқтаи назардан маҳалла бўлиб яшаш узоқ анъаналарга ва халқимиз тарихига, унинг бой маънавий-ахлоқий удумларига боғлиқ бўлган улкан ҳаёт мактабидир.

Маълумки, маҳаллаларда сиёсий, иқтисодий масалаларда жамоатчилик фикри шаклланади ва тарзи ривожланади. Шу боис давлатимиз томонидан маҳаллаларга, фуқаролар йиғинларига алоҳида эътибор берилганлиги халқимиз ижтимоий-маънавий ҳаётида муҳим воқеадир. Зеро, мамлакатимиз Президенти И.Каримов “Ҳаётнинг ўзи маҳаллаларни ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлашни тақозо этмоқда. Мамлакатимизда кўп қиррали ислохотлар амалга ошаётган бир пайтда маҳалла жамият учун ишончли таянч ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилиши лозим”, — деб таъкидлаган эди Олий Мажлиснинг 1995 йил феврида бўлиб ўтган биринчи сессиясида сўзлаган нутқида.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қарийб 130 йиллик мустамлакачилик тузуми даврида миллий қадриятларимиз, маҳаллалардаги ўзига хос тўю томошалар, байрамлар, сайллар, маросимлар ва анъанавий урф-одатларимиз атайин тақиқлаб қўйилди. Ўша даврдаги маҳалла қўмиталари, қишлоқ кенгашлари эса шўро мафкураси асосида иш олиб борди. Натижада аҳоли ўртасида бир-бирларига меҳроқибатсизлик, юқорида таъкидлаганимиздек, қонунсизлик, ўзбошимчалик, оила бузилишлари, маънавий тарбиясизлик оқибатида ёшлар ўртасида турли нотўғри йўлларга кириб кетиш ҳоллари кўпайиб кетди.

Бундай ҳолларни бартараф этиш, аҳоли ўртасида тартиб ўрнатиш, унинг онгини, соғлом тафаккурини шакллантириш мақсадида маҳаллаларга, фуқаролар йиғинларига алоҳида эътибор қаратилиши бизнинг шунчаки демократик жамият эмас, балки ҳуқуқий демократик, фуқаролар жамияти қураётганимиздан далолатдир.

Мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органларига кенг имкониятлар яратилган ва уларга алоҳи-

да эътибор берила бошлаганига ҳали кўп вақт бўлмаган бўлса-да, бугунги кунда жамият тараққиётида уларнинг роли тобора ортиб бормоқда. Улар аҳолини ижтимоий-сиёсий ҳаётга кенг жалб этишни таъминламоқдалар. Омма ўртасида маданий-маърифий ишларни олиб бормоқдалар. Оилаларнинг осойишталигини сақлаш, иқтисодий ночор ва ногиронларга моддий ёрдам бериш, уларнинг аҳволидан хабардор бўлиш, маҳалла ҳудудларининг озодалигини таъминлаш каби бир қанча инсонпарварлик ишларини, маданий вазифаларни амалга оширмоқдалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, давлатимиз ва жамиятимиз ривожланишининг илк босқичида аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш борасида кучли чоралар, тадбирлар ўтказилганлиги фаол ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг муҳим йўналишларидан бири бўлди. Бунда аҳолининг ижтимоий ночор табақалари — пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали ва кам даромадли оилалар, ишсизлар, ўқувчи ёшлар, шунингдек қайд этилган миқдорда даромад олувчи кишиларни ялписига ҳимоя қилишни давлат ўз зиммасига олди.

Аста-секин бозор муносабатларига ўта бориш билан ўзгаларнинг қаровига муҳтож ёлғиз пенсионерлар дуч келган қийинчиликларни ҳисобга олиб, улар коммунал тўловлардан озод қилинди, белгиланган зарур нарсаларни бепул олиш, транспортда текин юриш имкониятлари берилди. Шунингдек, ўқувчи ёшлар, биринчи бор янги оила тузган ёшлар учун маълум имтиёзлар берилди.

Қурилган изчил чора-тадбирлар натижасида юртимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичида аҳолининг энг муҳтож, ижтимоий жиҳатдан ночор табақалари манфаатларини ҳимоя қилишга эришилди.

“Шу билан бирга, — деб ёзади И.Каримов узининг “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотлар йулида” номли асарида — ижтимоий ҳимоялашнинг мавжуд тизими чуқур таҳлил этилганда унинг камчиликлари, исрофгарчиликка йул қўйилаётганлиги ва ижтимоий самараси етарли эмаслиги аён бўлиб қолди”.

Дастлабки йилларда дотациялар, нафақалар ва имтиёзларнинг мавжуд тизимидан кам даромадли оилалар ҳам, ўзига тўқ фуқаролар ҳам баб-баровар фойдалана олар эди. Бунинг устига кундалик зарур молларнинг асосий турларига белгиланган дотациялар миқдори ҳамда аҳоли турли тоифаларининг шу моллар ва хизматлардан фойдаланишдаги ҳуқуқий ҳолатини ҳисобга олганда, ижтимоий ёрдамга камроқ муҳтож бўлган фуқаролар ундан анча кўп фойдаланаётганлиги маълум бўлиб қолди. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бутун аҳолини қамраб олишга уринадиган, ҳақиқий ижтимоий самараси паст, текисчилик усулидаги тақсимлаш воқитасига эга бўлган тизим вужудга келган эди. Ижтимоий ёрдамнинг бу шакли аниқ ижтимоий таянчга эга эмас ва аҳолининг муайян қатламларини назарда тутмас эди. Аксинча, у аҳолининг кўпчилик қисми онгига сингиб кетган боқимлик кайфияти янада зўрайишига олиб кела бошлаши мумкин эди.

Ижтимоий сиёсатни амалга оширишда, ижтимоий ҳимоя воситасини кучайтиришда сифат жиҳатдан янги босқичга ўтиш объектив эҳтиёж бўлиб қолди. Шу муносабат билан ялпи ижтимоий ҳимоялаш тизимидан ишончли ижтимоий кафолатлар ва аҳолини аниқ мақсадли ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимига изчиллик билан ўтиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Адолат тамойилларига қатъий риоя этиш қоидаси янгиланган ижтимоий сиёсат қурилишига асос қилиб

олинди. Бу қоиданинг моҳияти шундан иборатки, давлат томонидан қўллаб-қувватлашга ҳақиқатан муҳтожлик мезонлари ҳам, бу мададни етказиш воситалари ҳам аҳоли наздида равшан, жуда содда ва адолатли бўлиши лозим. Ижтимоий кафолатларга ва қўллаб-қувватланишга муҳтож бўлган шахсларни аниқлашда, уларга бериладиган ёрдамнинг аниқ тури ва миқдорини белгилашда субъектив нуқтаи назардан иш қилиш имкониятини истисно этган ҳолда бутун тизим текисчилик ва боқимлик кайфиятини тугатишга қаратилган бўлиши лозимлиги давр талабига айланди. Натижада ижтимоий ёрдамнинг мавжуд усуллари тубдан ўзгартириш кун тартибига қўйилди.

Ижтимоий ҳимоя тизимининг энг муҳим хусусияти аҳолининг турли қатламларига қатъий табақалаштирилган тарзда ёндашувдан иборат бўлмоғи, бу иш ҳақиқатдан ҳам давлатнинг моддий ёрдамига муҳтож бўлган жамият аъзоларига йўналтирилган бўлиши ва аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилиши керак деб топилди.

Аҳолининг аниқ талабларини қамраб олган ёрдам тизимини фақат кам таъминланган ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нисбатангина қўлланиш зарурлиги аён бўлди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, кишиларнинг моддий аҳволини яхшилаш вазифаларини ҳал этиш учун давлат манбалари билан бир қаторда меҳнат жамоалари, жамоат ва хайрия ташкилотлари ҳамда жамгармаларнинг маблағларидан ҳам фаоллик билан фойдаланиш лозим деган фикрга келинди.

Аҳолига ижтимоий ёрдамни амалга оширишда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳуқуқлари анча кенгайтирилиши ҳамда масъулияти оширилиши лозим деб топилди. Ҳокимлар, ўзини ўзи бошқариш органлари аҳолининг ночор қат-

ламларига давлат томонидан ёрдам кўрсатилишини таъмин этиш билан бирга қўшимча чора-тадбирларни жорий этдилар.

Давлат томонидан берилаётган ижтимоий ёрдамни унга чиндан ҳам муҳтож бўлган инсонга етказиш имконини берадиган манбалар, воситаларни аниқ-равшан белгилаб олиш мураккаб ва масъулиятли вазифа бўлиб қолди. Ўтказилган таҳлил ва изланишлар натижасида ижтимоий ҳимоялашнинг асоссиз тенглаштириш тизимидан қатъиян воз кечиб, Шарқда неча минг йиллар давомида қарор топган маънавий-ахлоқий қадриятларга, турмуш тарзи ва дунёқараш хусусиятларига мувофиқ келадиган ўз йўлимиз танлаб олинди.

Шунга биноан 1994 йилда Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими тубдан ўзгартирилди. Ижтимоий кўмак беришнинг мутлақо янги илгор тизими шакллантирилди. Бу эса ижтимоий ислохотлар соҳасидаги биринчи босқичнинг энг муҳим якуни бўлди.

Янги тизим тайинли истеъморчиларга аниқ равишда йўналтирилган ва анча мувофиқлаштирилган тизим бўлиб қолди. Мазкур тизимнинг моҳияти шундан иборатки, мамлакатимизнинг келажаги ҳисобланмиш болалар ва кам даромадли оилалар бу ёрдамдан баҳра бўлувчи асосий кишилар бўлиб қолди. Ҳамма нафақалар ва моддий ёрдам фақат оила орқали етказиб бериладиган бўлди. Бундай ёндашув умуминсоний қоидаларга, миллий анъаналарга ва руҳиятга мос, фуқаролар жамиятининг ижтимоий тизимида оила эгаллайдиган ўринга мувофиқдир.

Лекин мавжуд шароитда оилаларни кам даромадли оилалар тоифасига ўтказиш мезони ва уни чамалаш воситасини танлаб олиш жуда мураккаб бўлди. Даромадларни эълон қилиш каби маълум усуллар

унчалик мақбул бўлиб чиқмади. Бу ҳолда оилаларга маълумотномалар асосида махсус идоралар томонидан нафақа берилиши холис иш тутишга йўл бермаслиги ва адолат мезонларидан чекиниш ҳоллари муқаррар рўй бериши мумкин эди. Бунинг бир қанча сабаблари бор:

биринчидан, аҳолининг кўпчилиги қишлоқ жойларда яшайди, томорқа хўжалигидан даромад олади, бироқ бу даромадни холисона ҳисобга олиш қийин;

иккинчидан, бу усул одамларни қўшимча даромадларини яширишга ундайди ва тайёрга айёрликни рағбатлантиради.

Бу муаммоларни ҳал этиш калити ўз миллий тарихимиздан, узоқ ўтмишда шу диёрда мавжуд бўлган, гуллаб-яшнаган қудратли давлатнинг жамиятни ижтимоий ташкил этиш манбаларига мурожаат этиб топилди. Бунда Ўзбекистоннинг туб аҳолиси ҳаётида расм бўлиб келган ўзаро муносабатларнинг азалий анъаналари ҳамда муҳтожларга ёрдам бериш одатлари эътиборга олинди.

Ижтимоий ҳимоянинг таъсирчан тизимини ташкил этиш йўлларини излаш натижасида Ўзбекистонда маҳалла орқали муҳтожларга ёрдам бериш ижтимоий кўмаклашишнинг энг содда, аммо самарали ва очиқ воситасидир, деган фикрга келинди.

Маҳалла турмуш тажрибасидан ақли тўлишган, ҳар бир ишни ўрнига қўя оладиган кишилар томонидан бошқарилади. Халқнинг ўзи сайлайдиган, қонун асосида ўзини ўзи бошқариш органи мақомини олган маҳалланинг оқсоқоллари, уларнинг маслаҳатчилари ва фаоллари маҳаллада яшовчи ҳар бир кишининг даромад манбаларини ипидан игнасигача билади.

Ижтимоий ҳимоянинг янги тизими доирасида кам даромадли оилаларга бериладиган моддий ёрдам одамларга энг яқин турувчи маҳалла аҳолиси йигинида тайинланадиган бўлди. Ёрдамга муҳтож

оилаларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва қайд этиш воситасида ёндашув янгилик эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ керак. Бу ёндашувга, бир томондан, халқнинг қўшнига ёрдам бериш, унинг аҳволига астойдил ҳамдард бўлишдек асрий анъаналари асос қилиб олинган бўлса, иккинчи томондан, унда дангасалар ва текинхўрларга нисбатан нафрат ва муросасизлик одати ҳам ўз аксини топган.

Энг муҳими, моддий ёрдам кўрсатишнинг бу усули шундай оила аъзоларининг қадр-қимматини камситишга йўл қўймаслик имконини беради.

Муҳтож оилаларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш учун ўзини ўзи бошқариш органларига тайинли ресурслар ажратиб бериш мақсадида маҳаллаларда республика ва маҳаллий бюджет маблағлари, шунингдек корхона ва ташкилотларнинг, тадбиркорлик тузилмалари ва айрим фуқароларнинг ихтиёрий равишда ўтказган маблағлари ҳисобидан махсус жамғармалар ҳосил қилинди. 1994 йилнинг тўртинчи чорагидагина шу мақсадлар учун давлат бюджетидан 360 миллион сўм ажратилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда халқ анъаналари, ўзимиз ишлаб чиққан тамойилларга таяниб, 1994 йилдан аҳолининг аниқ тоифаларини ижтимоий ҳимоялашнинг адолатли тизими амалга оширила бошлади. Аҳолининг муайян қатламларини ижтимоий ҳимоялаш тадбирларини рўёбга чиқаришда кам таъминланган оилаларга давлат мададини, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг кенг ва фаол иштирокини кучайтириш мақсадида 1994 йил 23 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Республикада кам даромадли оилаларга нафақа жорий этилиши айни муддао бўлди.

Фармонни бажариш ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлашга доир ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида 1994 йил 23 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 434-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

Мазкур Низомга мувофиқ, кам даромадли оилаларга ҳар ойда моддий ёрдам тайинлаш ва унинг миқдорини белгилаш тўғрисидаги қарор фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — қўрғон, қишлоқ, овул ва шаҳар маҳаллалари фуқаролар йиғинлари, йиғинни ўтказиш имкони бўлмаганда кўчалар, турар жойлар, қишлоқ, овул маҳаллалари фуқаролари вакиллариининг йиғилиши томонидан қабул қилинадиган бўлди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кам таъминланган оилаларни аниқлашда ва уларга моддий ёрдам тайинлашда қуйидаги асосий қоидаларга амал қилиб келмоқдалар:

- ижтимоий адолатга сўзсиз қатъий риоя қилиш;
- кўрсатилаётган моддий ёрдамнинг манзили бўлишини, у ҳақиқатдан муҳтож оилаларга берилишини таъминлаш;
- оилалар ва фуқаролар томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чораларига тайёрга айёрларча ёндашишга йўл қўймаслик;
- оила аъзоларининг, айниқса, болаларнинг моддий фаровонлигини оширишда оила масъулиятини ошириш, ҳар томонлама жисмоний ва маънавий ривожланиш, билим ва касб-ҳунар даражасини кучайтириш учун уларга зарур шарт-шароитлар яратиш.

Ҳар ойлик моддий ёрдам оилага уч ой муддатга тайинланади ва тўланади. Ушбу муддат тугагач, агар оилада моддий аҳвол яхшиланмаган бўлса, ёрдам мазкур Низомда белгиланган янги муддатга тайинланиши мумкин бўлади.

Қуйидагилар оилаларга ҳар ойда моддий ёрдам тўлашни маблаг билан таъминлаш манбалари ҳисобланади:

- республика бюджети маблағлари;
- маҳаллий (вилоят, шаҳар ва туманлар) бюджет маблағлари;
- бюджетдан ташқари турли манбалар (жамоат ва хайрия жамғармалари, корхона ва хўжаликларнинг маблағлари, фуқароларнинг ихтиёрий хайр-эҳсонлари ва бошқалар).

Мазкур маблағлар қўргон, қишлоқ, овул ёки маҳалла фуқаролари ўзини ўзи бошқариш органларининг жамғарма банкининг тегишли муассасаларидаги махсус ҳисоб варақларига ўтказилади ва сақлаб қўйилади.

Оилаларга ҳар ойда моддий ёрдам тайинлаш шартлари қуйидагилардан иборат:

1. Моддий ёрдам фуқароларнинг доимий яшаш жойидаги ўзини ўзи бошқариш органларига ёки қўргон, қишлоқ, овул ёки маҳалла фуқаролар йиғини раисига ёзма равишда ариза билан ёрдам сўраб муурожаат қилган оилаларга, айрим ҳолларда эса фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)нинг тавсиясига биноан тайинланади.

2. Объектив сабабларга кўра оиланинг биринчи навбатдаги эҳтиёжларини таъминлай олмайдиган кам даромадли оилалар ва ёлғиз фуқаролар (балогатга етмаган болалари бўлган кўп болали оилалар; боқувчиси ногирон ёки меҳнат қобилиятини қисман йўқотган сурункали касал оилалар);

3. Оилага моддий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги ариза ва тўланадиган ёрдамни ҳисобга олиб бориш қўргон, қишлоқ, овул ёки маҳалла йиғини раиси (оқсоқоли)нинг котиби томонидан бажарилади.

4. Аризачининг моддий ёрдамга муҳтожлик даражасини ва унга бериладиган ойлик моддий ёрдамнинг миқдорини белгилаш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида махсус комиссиялар тузилади, улар таркибига ушбу органларнинг раиси (оқсоқоли), маслаҳатчилари, котиби, шунингдек, зарурат бўлганда туман (шаҳар) солиқ ҳамда молия органларининг, меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимларининг вакиллари киради.

5. Комиссия ариза тушган кундан бошлаб икки ҳафта муддатда ёрдам сўраган оиланинг моддий ва мулкӣ аҳолини текширади.

6. Текширув натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади, уни комиссиянинг барча аъзолари имзолайдилар. Далолатномада қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

— текширилаётган оиланинг таркиби, унда бирга яшовчиларнинг ҳаммаси, қариндошлиги бўлган ва бирга умумий рўзгор юритувчилар ҳисобга олинади;

— оиланинг доимий даромад манбаига эга бўлмаган меҳнатга қобилиятли ёшдаги аъзолари, бола икки ёшга тўлгунга қадар унга қаровчи аёллар, шунингдек, 18 ёшгача булган ўқувчилар бундан мустасно;

— оиланинг текшириш вақтидаги жами пул даромадларининг манбалари ва миқдори;

— томорқа участкаси майдони ва ундан даромад олиш имкониятлари;

— оила мол-мулкининг қиймати (дала ҳовли, автомобил, мотоцикл ва зеб-зийнатларнинг мавжудлиги);

— оиланинг муҳтожлик даражаси ҳақида комиссия хулосаси ва ҳар ойда бериладиган моддий ёрдамнинг тавсия қилинаётган миқдори ҳақида комиссия хулосаси.

7. Комиссия оилага моддий ёрдам тайинлаш ҳақидаги аризани оилада моддий таъминотнинг етарлилиги, анчагина мол-мулк жамгармаси мавжудлиги, шунингдек, меҳнат фаолиятдан бош тортиш ҳоллари аниқланган тақдирда рад этиш ҳуқуқига эгадир.

8. Ариза берган оиланинг моддий ва мулкӣ аҳволини текшириш натижалари ва комиссия хулосаси бўйича ёрдамга муҳтож оилалар рӯйхати тузилади ҳамда қўргон, қишлоқ, овул, маҳалла фуқаролар йиғини (йиғилиши) муҳокамасига киритилади.

9. Моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш учун рӯйхатга киритиладиган оилалар сони, шунингдек, ҳар бир муайян оила учун ҳар ойлик тўловлар миқдори фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан мустақил равишда, шу мақсадлар учун уларнинг ҳисобварағида мавжуд бўлган маблағлардан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ҳар ойлик моддий ёрдам ўша вақтда амалда бўлган энг кам иш ҳақининг 1,5 бараваридан 3 бараваригача миқдорда белгиланади.

Комиссия томонидан белгиланган ҳар ойлик моддий ёрдамнинг миқдори фуқароларнинг умумий йиғини (йиғилиши)да тасдиқланади ва фақат шундан кейингина тўланади. Шундай қилиб, Ўзбекистон Президентининг 1994 йил 23 августдаги Фармони билан кам таъминланган оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ваколати маҳаллаларга берилди ва бу жараён шу кунгача узлуксиз давом этиб келмоқда.

Шу мақсадларда давлат томонидан агар 1996 йилда 2,1 млрд. сўм, 1997 йилда 2,34 млрд. сўм сарфланган бўлса, 2000 йилда 3,1 млрд. сўмдан ор-

тиқ маблағ сарфланди ва бундан республикамиздаги 354400 оила манфаатдор бўлди. Бунда бир оилга тўғри келадиган ўртача бир ойлик моддий ёрдам 4168 сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич Сирдарё вилоятида 4636 сўмни, Жиззах вилоятида 4420 сўмни, Тошкент шаҳрида эса 4675 сўмни ташкил этди.

Маҳаллаларда кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларга аниқ ижтимоий ёрдам бериш борасидаги ижобий тажрибани ҳисобга олиб, давлат ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, маҳаллаларга босқичма-босқич ўтказиш тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари таклифларини ҳисобга олиб, 1997 йил 1 январдан бошлаб 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар қўргонлар, қишлоқлар, овуллар, маҳаллалар фуқаролар йиғинлари томонидан тайинланадиган бўлди. Бу ҳолат Республика Президентининг “Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида”ги 1996 йил 10 декабрдаги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг “Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1996 йил 10 декабрдаги 437-сонли қарори билан қонунлаштирилди. Тегишли Низом тасдиқланди.

Ушбу нафақа туғилган фарзандга ва ҳомийликка (васийликка) олинган 16 ёшгача болалари бўлган муҳтож оилаларга тайинланади ва тўланади.

Бунда маҳаллалар томонидан оилаларга нафақа бериш тўғрисида қарор қабул қилиш чоғида ижтимоий адолат тамойилларига оғишмай риоя этиш, кенг ошкоралик ва очиқликни таъминлаш, ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишга эришиш мажбурий шарт эканлиги белгилаб қўйилди.

Қўйилган талабларга тўла риоя қилган ҳолда маҳаллалар бу ваколатни ҳам амалга ошириб келмоқдалар. Шу мақсадда 1997 йилда болали оилаларга 9,83 млрд. сўм тўланган бўлса, 2000 йил давомида республикамиз бўйича 842300 оиллага 29,35 млрд. сўм тўланди ва бунда бир оиллага тўғри келадиган ўртача бир ойлик нафақа миқдори 3271 сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич Жиззах вилоятида 3532 сўмни, Қашқадарёда 3496 сўмни, Сурхондарёда 3494 сўмни ташкил этади.

Юртимизнинг ёрқин кўзгуси, миллий гуруримиз, аҳиллик ва осойишталик қўргони бўлган маҳаллага давлатимиз томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдек юксак масъулият юклатилди ва ишонч билдирилди. Аммо минг афсуски, маҳалла нуфузи, обрў-эътибори муқаддас деб билинган бир пайтда, халқимиз шаънига мутлақо тўғри келмайдиган баъзи ишлар ҳам кузатилмоқда.

Гап шундаки, республикамизда Вазирлар Маҳкамасининг “Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тўғрисида” ги ва “16 ёшгача болалари бор оилаларга нафақа тайинлаш тўғрисида” ги қарорлари ижроси Республика Прокуратураси ходимлари ва жамоатчилик вакиллари томонидан текширилганда, жойларда кам таъминланган оилаларнинг оғир кунига яраши керак бўлган давлатимизнинг миллион-миллион сўмлик маблағлари маҳалла раислари ва уларнинг ҳамтовоқлари томонидан юзсизларча талон-торож қилинганлиги аниқланган. Масалан, Самарқанд шаҳар Боғишамол тумани “Тупхона” маҳалла раиси З.Мўминова ва шаҳар халқ банки назоратчиси С.Нажмиддинова ўзаро тил бириктириб, ҳужжатларни сохталаштириш йўли билан кам таъминланган оилаларга берилиши лозим бўлган 660 минг сўм маблағни ўзлаштирганлар. Бу каби ўғирлик ва қаллоблик Гиждувон туманидаги

Ф.Юнусов номли, Нодирабегим, Охунбобоев номли маҳаллаларда ҳам содир бўлган. Текширишлар ўзини ўзи бошқариш идоралари молия, меҳнат ва ижтимоий таъминот идоралари билан етарли даражада ҳамкорликда фаолият юритмаётганликлари, кам таъминланган ва болали оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги қонунлар билан юклатилган вазифалар лозим даражада бажарилмаётганлиги туфайли аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари поймол этилаётганлигини кўрсатди. Натижада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан нафақа ва моддий ёрдам маблағларини молиялаштиришда, улардан фойдаланишда қонунни бузиш ҳолатларига йўл қўйилган.

Ушбу йўналишда ажратилган бюджет маблағларининг катта қисмини мақсадсиз ва ноқонуний сарфлаш, ўзлаштириш ҳамда талон-торож қилиш ҳолатлари кўпайиши оқибатида давлат манфаатларига жиддий зиён етказиш билан бир қаторда кам таъминланган ва кўп болали оилаларни ижтимоий муҳофазалашни қонун билан белгиланган тартибда амалга ошириш ишига ҳам путур етказилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 434-сонли қарорига биноан давлатдан моддий ёрдам олиш юзасидан 1999 йил давомида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаат қилган жами 653098 та оиладан 494133 таси ижтимоий ҳимояга муҳтож деб топилди.

Таҳлилларга кўра, жойларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ушбу тоифадаги аризаларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш жараёнида қонунини қўпол равишда бузиш ҳолларига йўл қўйилган.

Айниқса, оилаларнинг муҳтожлигини аниқлаш учун уларнинг даромадлари ва мулкӣ аҳволини текшириш, мезон сифатида қабул қилинган энг кам иш ҳақининг ўртача ойлик миқдорини белгилаш ва ҳужжатларни расмийлаштиришда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги қарори билан тасдиқланган “Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларига риоя этилиши тўлиқ таъминланмаган.

Бухоро вилоятининг Когон туманидаги “Тутқунда” қишлоқ фуқаролар йиғинида кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлашда қонун талаблари бузилиб, З.Жўраевнинг оилавий даромади белгиланган меъёрдан ортиқча бўлишига қармасдан, комиссия томонидан 1999 йил январ ойидан бошлаб ҳар ойига 1980 сўмдан уч ой муддатга моддий ёрдам тайинланган. Шунингдек, мазкур йиғин томонидан 15 нафар фуқарога моддий ёрдам нотўғри тайинланганлиги оқибатида бюджетга 236 минг сўм моддий зарар етказилган.

Бир қатор вилоятларда ўнлаб ижтимоий муҳофазага муҳтож фуқароларнинг аризалари асоссиз равишда рад этилиб, уларнинг ижтимоий ҳимояга бўлган ҳуқуқлари қўпол равишда поймол этилишига йўл қўйилган.

Жумладан, Бухоро туманидаги “Талимурон” қишлоқ фуқаролар йиғинига мазкур масала юзасидан 1999 йил давомида фуқаролардан тушган 100 та аризадан 62 таси кўриб чиқилиб, қаноатлантирилган, қолган 38 та ариза эса умуман кўриб чиқилмаган ва натижаси ҳақида фуқароларга хабар қилинмаган.

Худди шунингдек ҳолатларга Фарғона вилоятидаги бир қатор фуқаролар йиғинлари томонидан ҳам йўл қўйилган.

Ушбу масалада ўтказилган текшириш жараёнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

масъул мансабли шахсларига нисбатан 72 та жиний иш қўзгатилган.

Юқорида қайд этилган қўпол қонунбузишлар ва турли суиистеъмолчилик ҳолларининг содир этилишига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида фаолият кўрсатаётган масъул мансабдор шахсларнинг ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан қараётганли, бу борадаги ҳукумат қарорлари билан юклатилган вазифаларнинг бажарилишини тегишли даражада таъминламаётганлиги, жойларда ўзбошимчаликка йўл қўйилаётганлиги ва ушбу масалада талабчанлик сусайтириб юборилганлиги каби ҳолатлар сабаб бўлган.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари масъулиятини янада ошириш, ҳимоянинг аниқ йўналишини кучайтириш, ҳудудларни ижтимоий ривожлантириш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширишда ушбу органларнинг ваколатлари ва масъулиятини янада кенгайтириш мақсадида, шунингдек, муҳтож оилаларга аниқ йўналтирилган ижтимоий ёрдам кўрсатиш борасида тўпланган ижобий тажрибани эътиборга олиб, Президент 1999 йил 13 январда “Аҳолини аниқ йўналтирган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

Ушбу Фармонга биноан 1999 йил 1 мартдан бошлаб аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича амалдаги чора-тадбирлар билан бир қаторда маҳалла ўзини ўзи бошқариш органлари орқали ишламайдиган оналарга боласи 2 ёшга етгунга қадар парвариш қилиш бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш, ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз пенсионерларни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ваколатлари берилди.

Шу билан бирга маҳаллалар зиммасига коммунал хизмат корхоналари билан биргаликда сув, электр энергияси, газдан фойдаланиш сарф-харажатлари ҳамда коммунал хизматлар ҳақи тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини ташкил этиш ҳамда назорат қилиш вазифалари юкланди ва шу асосда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини рағбатлантириш тизими жорий этилди.

Фойдаланиш сарф-харажатлари ва коммунал хизматлар учун тўловларнинг белгиланган тушумлари 100 фоиз таъминланган тақдирда ушбу сумманинг 20 фоизи, 75 фоиздан кўпроги таъминланганда эса унинг 10 фоизи маҳаллаларнинг махсус ҳисобварақларига ўтказиладиган бўлди.

Белгиланган тартиб бўйича маҳалла ҳисоб варағига ўтказилган пул маблағининг 60 фоизи уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш учун кам таъминланган оилаларга, 25 — 35 фоизи маҳалла ҳудудини ободонлаштиришга, 5 фоиздан 15 фоизигача — маҳалла фаолларини рағбатлантиришга йўналтириладиган бўлди. Шу билан бир қаторда маҳаллаларга ўз маблағлари ҳамда жалб этилган маблағлар ҳисобидан, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий маблағлари ҳисобидан моддий мададга муҳтож бўлган ёш оилаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ваколати ҳам берилди.

2000 йил натижаларига кўра мамлакатимиз бўйича 2160 та маҳалла уй-жой-коммунал хизмат корхоналари билан тузилган шартномани 75 фоиздан ошириб, 1266 та маҳалла 100 фоиздан ошириб бажарган ва уй-жой-коммунал хизмат корхоналаридан маҳаллалар ҳисоб варақларига 143,8 млн. сўм пул маблағи ўтказиб берилган.

Бу борада Самарқанд вилояти Оқсоқоллар кенгаши ва “Маҳалла” жамғармаси томонидан олиб борилаётган амалий ишлар эътиборга сазовордир. 2000 йил давомида вилоят уй-жой-коммунал хизмат кор-

хоналаридан маҳаллаларга ўтказиб берилган умумий пул миқдори 9,4 млн. сўмни ташкил этган бўлса, шунинг 5,2 млн. сўми уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш учун кам таъминланган оилаларга, 2,4 млн. сўми маҳаллалар ҳудудини ободонлаштириш учун ва 849 минг сўми маҳалла фаолларини рағбатлантириш учун сарфланган.

Таъкидлаш лозимки, 2000 йилда Самарқанд вилояти бўйича 3850 та кам таъминланган оиллага уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш учун моддий ёрдам кўрсатилган.

Уй-жой-коммунал тўловларни амалга ошириш бўйича ўзларига давлат томонидан берилган ваколатларни етарли даражада амалга оширишда Фаргона вилояти Сўх тумани “Газнов” маҳалласи, Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳридаги “Зарифобод” ҳамда Усмон Носир номли маҳаллалар, Жиззах вилояти Гагарин туманидаги “Мирзадала”, “Туркистон”, Тошкент шаҳридаги Шароф Рашидов номли, “Бўз”, Беруний номли ва шулар каби кўпгина бошқа маҳаллалар намуна бўлмоқдалар.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар фаолиятининг, уларга берилган ваколатларнинг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонун ҳамда Президент томонидан чиқарилган фармонлар, Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ва бошқа тегишли ҳужжатлар ташкил этади.

Назарий ва ҳуқуқий асосларни ҳаётга тадбиқ қилиш ташкилий масалаларни ҳал қилиш билан амалга оширилади. Бунинг учун энг аввало маҳаллалар фаолиятини тартибга солувчи Қонунларнинг ижроси устидан назоратни кучайтириш, қонунларни тарғиб қилиш бўйича кенг тушунтириш ишларини олиб бориш, Қонунларга шарҳлар тайёрлаш,

маҳалла ходимларининг ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий билимларини ошириш мақсадида малака ошириш, қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш, давлат ҳокимияти органларининг вазифаларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, маҳаллаларга босқичма-босқич ўтказишда алоҳида маҳаллаларда тажрибалар ўтказиш, ваколатларни ўтказиш ҳақида жамоатчилик фикрини ўганиш ва қонун асосида давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг бир-биридан мустақиллигини таъминловчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарурдир.

Республика Оқсоқоллар Кенгаши, “Маҳалла” жамгармасининг асосий фаолият йўналишларидан бири бозор иқтисодиётига ўтиш ҳамда истеъмол моллари ва хизматлар ҳақи тўхтовсиз ўсиб бориши шароитида аҳолининг моддий тарафдан қийналиб қолган қатламларига, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, етимларга ҳамда ёлғиз қолган қарияларга нисбатан инсонпарварлик ва меҳр-шафқат кўрсатиш гоյларини тарғиб қилиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам бериш, бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий-иқтисодий ривожланишга кўмаклашишдан иборатдир.

Ушбу йўналишда “Маҳалла” жамгармаси бўлим ва бўлинмалари инсон омилига эътибор ва гамхўрликни кучайтирган ҳолда, адолат тамойилларига асосланиб, нафақат маҳаллалардаги ёрдамга муҳтож оилаларга, балки болалар тарбия уйларига, мактаб-интернатларга, қариялар уйларига доимо моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Бу фаолият Ўзбекистон Республикаси Президентининг Республика “Маҳалла” хайрия жамгармасига маблағ ажратиш тўғрисидаги 1992 йил 8 октябридаги Фармонида биноан Вазирлар Маҳкамасининг захира жамгармасидан 25 миллион сўм пул ажратилиши билан бошланган.

Ушбу Фармонда вазирликлар, идоралар, ассоциациялар, концернлар, корхоналар, хўжаликлар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига инсонпарварлик ва меҳр-шафқат гоёларини тарғиб этишга доир тадбирларни амалда рўёбга чиқариш, республика аҳолисининг энг ночор табақаларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида “Маҳалла” хайрия жамгармасига аниқ мақсадни кўзлаб ёрдам бериш тавсия этилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ““Маҳалла” жамгармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори (1993 йил 1 декабр) “Маҳалла” хайрия жамгармасининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида тутган ўрни тобора ошиб бораётганлигини эътиборга олиб, унинг фаолиятини янада такомиллаштириш вазифасини илгари суради. Шуниси диққатга сазоворки, унда Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари, концернлари, корхоналари, хўжаликлари ва ташкилотларига “Маҳалла” хайрия жамгармаси ҳамда унинг қуйи бўғинларига мунтазам равишда моддий-маънавий ва амалий ёрдам кўрсатиш топширилган.

Маҳаллалар ҳудудида жойлашган корхоналар, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига эса тегишли маҳаллаларда маданий ва маърифий, ободончилик ишларини амалга ошириш, анъанавий миллий байрамларни ўтказиш, шунингдек оқсоқолларнинг таклифлари асосида кам даромадли ва боқувчисини йўқотган oilалар ва ёлғиз қолган кишиларга моддий-маънавий ёрдам бериш чора-тадбирларини кўриш зарурлиги алоҳида таъкидланган.

1994 йилдан бошлаб “Маҳалла” хайрия жамгармаси ҳамда унинг қуйи бўлимлари буюртмаларига мувофиқ маҳалла гузарлари, чойхоналари учун зарур бўлган хўжалик ва уй-рўзгор анжомларини имтиёзли

нархларда ажратиш; жамгарма тасарруфидаги кичик корхоналарни зарур бўлган дастгоҳлар, эҳтиёт қисмлар, хом ашё маҳсулотлари ва ярим тайёр маҳсулотлар билан таъминлаш чора-тадбирларини белгилаш; жамгарманинг иқтисодий, молиявий, хўжалик фаолиятини янада мустаҳкамлаш учун республика давлат бюджетидан бир миллиард сўм маблағ ажратиш; унинг ишлаб чиқариш ҳамда савдо корхоналарини солиқлар ва бож тўловларидан озод қилиш масаласи бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш; республика ҳудудидан ташқарига ноқонуний равишда олиб чиқиб кетиш чогида мусодара қилинган товарлар ва маҳсулотларни “Маҳалла” хайрия жамгармаси дўконлари орқали сотишни ташкил этиш ҳақида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш; ҳуқуқ-тартибот органлари жойларда ҳуқуқ-тартибот масалалари юзасидан доимий равишда халқ билан мулоқотда бўлиб, маҳалла фаоллари билан иш юритишини ташкил этиш; вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларига 1994-1995 йилларда ҳар бир маҳаллага замонавий миллий лойиҳалар асосида гузарлар қуришни ташкил қилиш, бу ишда давлат корхона ва ташкилотлари, давлат тасарруфида бўлмаган кооператив, кичик корхона ва юридик шахслар томонидан бериладиган хайрия маблағларидан унумли фойдаланиш, шунингдек, жамгарма фаолияти учун кичик корхона ҳамда дўконлар очишга жой ажратиш, аҳоли томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотларини қабул қилиш пунктларини очишга амалий ёрдам кўрсатиш; шаҳар ва туман ҳокимликлари ўз ҳудудидаги идоралар раҳбарлари иштирокида маҳалла оқсоқоллари ҳамда аҳоли билан мунтазам равишда учрашувлар ўтказиб, улар томонидан билдирилган фикр, мулоҳаза ва таклифлар асосида ижтимоий муаммоларни ҳал

этиш дастурини белгилаш; “Маҳалла” хайрия жамғармаси Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда “ Оила — мактаб — маҳалла” дастурини ишлаб чиқиб, жойлардаги педагогик жамоалар ва маҳалла фаолларининг асосий эътиборини унинг ижросига қаратиш; Маданият ишлари вазирлиги билан биргаликда туман ва шаҳарлардаги мавзе, маҳаллаларда маданий-маърифий ишларни янада жонлантириш, ёшлар ўртасида дўстлик, ватанпарварлик, ҳалоллик, жонкуярлик тўйгуларини шакллантириш; Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда маҳалла ва мавзеларда аҳоли саломатлигини, экологик муҳитни яхшилаш, соғлом авлодни камол топтириш ишларини ривожлантириш; “Ўзбекистон — ватаним, маҳаллам — уйим” шиори остида осойишталикни сақлаш, жинойтчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш ишларида маъмурий органларга амалий ёрдам кўрсатиш, фуқаролар ўртасида байналмилал дўстликни янада мустаҳкамлаш; оммавий ахборот воситалари, газета ва журналлар таҳририятларига “Маҳалла” хайрия жамғармасининг фаолиятини мунтазам равишда кенг ёритиб ва тарғиб қилиш вазифалари юклатилган.

Мазкур қарор кўлами жиҳатдан ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётимизнинг барча томонларини қамраб олган бўлиб, мазмуни, моҳияти давлатимизнинг миллий мустақиллигини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилган. Шу боис ушбу қарор халқимиз томонидан мамнуният билан кутиб олинди. Жойларда мустақиллик гоёларининг чуқур илдиз отишига, фуқаролар онг-шуури ва фаолиятининг янада авж олиши, жонланиб кетишига катта ёрдам бериб келмоқда.

Республикамизда мазкур қарор асосида маҳаллалар фаолиятини янада кенгайтириш, ижтимоий ҳимоя ишларини кенг йўлга қўйиш юзасидан таш-

килий, амалий ишлар мунтазам олиб борилмоқда. Бу жараённинг нақадар самарали бўлганлигини Тошкент шаҳри маҳаллалари мисолида яққол тасаввур этиш мумкин.

Республика “Маҳалла” хайрия жамгармаси ташкил этилган пайтда Тошкент шаҳрида 279 та маҳалла фаолият кўрсатган бўлса, ҳозир уларнинг сони янги, кўп қаватли уйлар ҳудудида ташкил этилган маҳаллалар ҳисобига кўпайди. Тошкент шаҳрида бугунги кунга келиб маҳаллалар сони 445 тага етди, Республикамиз бўйича 6000 атрофида бўлган бўлса, ҳозирда 9000 дан ошиб кетди.

Жамгарма бўлим ва бўлинмалари Янги йил, “Наврўз”, Хотира ва қадрлаш куни, Мустақиллик куни ва бошқа байрамлар муносабати билан ўз ҳисобидан аҳолининг ночор, муҳтож табақаларини моддий рағбатлантириб келаяпти. Айрим ташкилот, корхоналар, фирмалар, тадбиркорлар ҳам улуг айём кунлари ўз ҳисобларидан аҳолига моддий ёрдам кўрсатиб келишмоқда. Аҳолининг кам даромадли, муҳтож ва ночор табақаларига маҳалла орқали кенг кўламда ёрдам берилаётгани адолатли усул бўлиб, юртимизда тинчлик, осойишталик, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашда ўз вазифасини утаб келмоқда. Жойларда маҳалла жамгармаси ҳисобидан аҳолининг бундай табақаларига ҳозиржавоблик билан ёрдам кўрсатилиши фуқаролар йигинларининг обрў-эътиборини сезиларли даражада оширмоқда.

Фуқаролар йигинлари фаолиятининг самарали бўлиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб беришга катта эътибор билан қаралмоқда. Бугунги кунда республика маҳаллаларининг 63,5 фоизи телефонлаштирилган, 8 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминланган, 80 фоизидан ортиги газлаштирилган. 35020 та маҳалла ўз гузарларига эга бўлса, шундан 2000 га яқини мустақиллик йилларида за-

монавий усулда қурилган. 6102 та маҳалла ўз идорасига эга ва улардан 3739 таси телефон билан таъминланган.

Маҳаллаларда маърифат ва маънавият хоналари, хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари учун алоҳида жиҳозланган хоналар сони 7000 дан ошиб кетди. Маҳалла идораси ходимлари фаолиятини компьютерлаштириш ишлари ҳам бошлаб юборилди.

Шундай қилиб, “Маҳалла” хайрия жамгармасининг ташкил этилиши, унинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари, ҳукумат захирасидан жамгарма учун пул маблаги ажратилиши, корхона ва ташкилотларнинг жамгармага моддий ва молиявий ёрдам курсатиб боришлари давлатимиз тараққиётининг асосий тамойилларидан бири бўлмиш кучли-ижтимоий ҳимоя тамойилини маҳаллаларда тўла амалга ошириб бориш имконини бермоқда.

Республика “Маҳалла” жамгармаси ва унинг жойлардаги бўлим ва бўлинмалари кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини ташкил қилишда ижобий натижаларга эришмоқда. Бундай хайрли ишга жамгарма вилоят бўлиmlари жойларда катта эътибор бериб келмоқда.

Масалан, Наманган вилоят Оқсоқоллар Кенгаши ҳамда “Маҳалла” хайрия жамгармаси ўз низомларида белгиланган талаблар, иш режалари ҳамда жамгарма Республика бошқарувининг дастур ва тавсиялари асосида бир қатор хайрия ишларини амалга оширди.

Янги йил байрами муносабати билан 2000 йил кам таъминланган оилалар фарзандларига 875000 сўмлик 350 та совға вилоят бўлими томонидан олиб берилди.

2000 йилни кутиб олиш ҳамда муборак рамазон ҳайити олдидан вилоятда 2000 йил 1-10 январь кун-

лари “Мурувват ўн кунлигини” ўтказиш юзасидан белгиланган тадбир режасига асосан вилоят бўлим ва бўлинмалари томонидан кам таъминланган 15935 нафар фуқарога 8430397 сўмлик хайрия қилинди.

Жамгарманинг Наманган шаҳар бўлиммаси ҳисобидан шаҳардаги 20-Меҳрибонлик уйига 2 млн. 300 минг сўмлик ёрдам кўрсатилиб, 1 та “Дамас” русумли автомобил ҳамда кийим-кечаклар олиб берилди.

“Наврўз” байрами муносабати билан жамгарманинг бўлим ва бўлинмалари ўзларининг тадбирларини ишлаб чиқиб, шу асосда бир қатор ишларни амалга оширдилар. Вилоятнинг барча маҳаллаларида Наврўз шарафига оммавий сайллар ўтказилиб, сумалаклар тайёрланди. Наврўз арафасида ва байрам кунлари бўлим ва бўлинмалар якка-ёлғиз фуқаролар ва ногиронлар ҳолидан хабар олиб, 800 дан ортиқ оилага 850000 сўмдан кўпроқ моддий ёрдам кўрсатди. Шунингдек, вилоят Кўзи ожизлар жамияти, Ногиронларни тиклаш маркази, 20-Меҳрибонлик уйи ҳамда вилоят Кар-соқовлар жамиятига 45000 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари хайрия қилинди.

Уйчи туманида ўтказилган “Обод маъалла” кўрик-танлови голиблари бўлган “Кесканёр” маҳалласига 20000 сўмлик, “Мирзаравод” маҳалласига эса 10000 сўмлик кийим-кечаклар жамгарма туман бўлиммаси томонидан мукофот сифатида берилди.

Учқўрғон туманида Наврўз шарафига хайрия шанбалиги ташкил этилиб, ундан тушган маблағнинг маълум бир қисми кам таъминланган оилаларга, якка-ёлғиз кишиларга моддий ёрдам тариқасида берилди. Байрам муносабати билан ўтказилган “Намунали маҳалла” кўрик-танловида Чортоқ туманидан “Наманган” маҳалласи голиб деб топилди, 100000 сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

9 май “Хотира ва қадрлаш куни” вилоятнинг барча маҳаллаларида умумхалқ байрами сифатида ни-

шонланди. Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, корхоналар, ташкилотлар ҳамда жамоа ҳужаликлари билан ҳамкорликда маҳаллаларда истиқомат қилувчи уруш ва меҳнат фахрийлари, кам таъминланган оилалар, ёлғиз кишилар ҳолидан хабар олиниб, уларга меҳр-мурувват кўрсатилди. Байрам тадбирларига 11 млн сўмга яқин маблағ сарфланди.

Мазкур кунга бағишлаб Мингбулоқ туманида ўтказилган тадбирда 4 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. 1200 дан ортиқ уруш ва меҳнат фахрийларига қимматбаҳо эсдалик совгалари топширилди.

1 июнь “Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни” муносабати билан маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда маҳаллаларда ёшлар ўртасида турли хил тадбирлар, спорт мусобақалари ташкил этилди. “Маҳалла” хайрия жамғармаси томонидан шу куни вилоятдаги мингдан ортиқ ногирон бола ҳолидан хабар олинди. Юқоридаги тадбирлар учун бўлим ва бўлинмалар томонидан 300 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Шунингдек, шаҳар, туманлардаги барча истироҳат боғларида оммавий сайллар ташкил этилди. Қизиқарли учрашув ва концертлар уюштирилди. Шу куни болалар учун барча аттракционлар ҳамда музқаймоқлар бепул қилиб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги ҳамда Республика “Маҳалла” жамғармасининг мустақил Ўзбекистоннинг ёш авлодни тарбиялашда “Маҳалла — мактаб ва оила ҳамкорлиги” концепциясига асосан жамғарманинг вилоят бўлими Наманган шаҳридаги 8-ўрта мактабда таълим олаётган кам таъминланган оилалар фарзандлари учун 25 минг сўмлик ўқув қуроллари ва дарсликлар олиб берди. Шунингдек шаҳардаги 41-ўрта мактабга 2 дона “Подольск” русумли тикув машинаси совға қилинди.

Вилоятда 2000 йил галла ҳосилини нест-нобуд қилмай қисқа фурсатда йиғиштириб олиш учун

курашда жамгарманинг вилоят бўлими ва бўлинмалари, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам четда қолишмади. Бўлим ва бўлинмаларда ғалла штаблари ташкил этилиб, маҳалланинг бу ишдаги иштироки назорат қилиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 9 йиллигини муносиб кутиб олиш ва ушбу байрам олдидан вилоят, шаҳар, туманларда истиқомат қилаётган кўп болали, шароити огир бўлган, кам таъминланган оилаларни, қаровчиси йўқ ёлғиз ногиронларни, етим-есирларни ҳар томонлама ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида 21-31 август кунлари барча шаҳар, туман маҳаллаларида “Меҳр-мурувват ўн кунлиги” ўтказилди. Бу тадбирда жамгарманинг бўлим ва бўлинмалари, маҳалла фуқаролари фаол иштирок этдилар. Маҳаллаларда ободончилик ишлари кенг кўламда олиб борилди, турли мавзуларда аҳоли билан учрашувлар, давра суҳбатлари уюштирилиб, кўрик-танловлар ўтказилди.

Мазкур ҳафталикда жамгарманинг вилоят бўлими ва шаҳар, туман бўлинмалари томонидан 500 нафар фуқарога 556 минг сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди, кам таъминланган оила фарзандларига кийим-кечак, ўқув-қуроллари, 7 млн. 485 минг сўм маблағ берилди.

2001 йил кириб келиши муносабати билан вилоят, шаҳар, туманларда арча байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда бўлим ва бўлинмалар фаол иштирок этдилар. Республика “Маҳалла” жамгармасидан вилоятдаги иқтидорли ва кам таъминланган оилалар болаларига Президентнинг 750 дона Янги йил совғаси топширилди. “Маҳалла” хайрия жамгармаси вилоят бўлими ҳисобидан шу куни кам таъминланган оила фарзандларига 250 дона Янги йил совғаси берилди. Бу совғалар учун 994 минг 750 сўм маблағ сарфланди. Янги йил байрами олдидан “Ма-

ҳалла” хайрия жамғармаси Наманган шаҳар бўлинмаси шаҳар ҳокимлиги ҳомийлигида 26-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига 2 млн. сўмлик, Уйчи туман бўлинмаси эса тумандаги кам таъминланган оила фарзандларига 405 минг сўмлик кийим-кечаклар совга қилдилар. Бундай Янги йил совгалари туман бўлинмалари ҳисобидан ҳам берилди.

Шунингдек, Рамазон ҳайити ва Янги йил байрами олдидан кам таъминланган, ночор оилаларга, якка-ёлғизларга меҳр-мурувват кўрсатилиб, уларнинг ҳолидан бевосита хабар олиш билан биргаликда байрам кунлари барча маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни сақлашда “Маҳалла посбонлари” навбатчиликлари ташкил қилинди. Улар милиция нозирларига беминнат ёрдам кўрсатдилар.

Умуман олганда, жамғарманинг вилоят бўлими ва шаҳар, туман бўлинмалари томонидан юқоридаги қайд этилган тадбирларни ўтказишда 2000 йил давомида 23 минг 508 нафар фуқарога моддий ёрдам кўрсатилиб, хайрия тадбирлари учун 27009,4 минг сўм миқдорида маблағ сарфланди.

“Маҳалла” жамғармаси Самарқанд вилояти бўлими ҳисобидан 3179 оилага 2721,7 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Вилоят Оқсоқоллар кенгаши ва шаҳар, туман бўлимлари томонидан айниқса ногиронлар куни муносабати билан барча мурувват уйлари ва ногиронлар хонадонларида ҳар хил тадбир ва учрашувлар, хайрия концертлари ўтказилиб, уларга совга-саломлар улашилди. Вилоят бўйича фақат ногиронлар кунда 1300 ногиронга 1100 минг сўмлик ҳар хил совга-саломлар берилди.

Ушбу савоб ишда айниқса Пахтачи тумани оқсоқоллари жонбозлик кўрсатиб, ўз жамғармалари ҳисобидан 400 ногиронга 130 минг сўмлик совга-саломлар тарқатишди.

Фаргона шаҳар “Мурувват уйи”га 150 минг сўмлик дори-дармон, битта биринчи гуруҳ ногиронига 73 минг сўмлик ногиронлар аравачаси, онаси ногирон бўлган тиббий коллеж талабасига ойига 2,5 минг сўмлик миқдорда 10 минг сўм стипендия берилди. 267245 сўмлик мато ва буюмлар кам таъминланган оилаларга топширилди. 21 минг сўм миқдорда бир марталик ёрдам пули берилди.

Вилоят халқ таълим бошқармаси, вилоят соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот бошқармалари тизимидаги муассаса, мактаб-интернатлар, меҳрибонлик, ногирон болалар уйларига ва гўдак болалар уйларига 4595000 сўмлик янги йил совгалари олиб берилди. Болалар учун вилоят театрида “Президент арчаси” ташкил қилиниб, туман ва шаҳарлардан келган 400 нафар иқтидорли ва кам таъминланган оилаларнинг болаларига ҳамда Қирғизистон Республикаси Баткен туманидан келган 60 нафар меҳмон болага совгалар улашилди.

Жамғарма қошидаги “Нурафшон” маҳалла маркази Фаргона шаҳар Бобур номли маҳалладаги кам таъминланган оилаларга мунтазам равишда ҳомийлик қилиб, йил давомида барча байрам тадбирларида маҳалла аҳли учун дастурхон ёзди, совгалар улашди.

2000 йил “Соғлом авлод йили” деб эълон қилиниши муносабати билан Бухоро вилоят “Маҳалла” жамгармасининг асосий эътибори кам таъминланган оилаларни, иқтисодий жиҳатдан қийналган хонадонларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган. Наврўз умумхалқ байрами арафасида кам таъминланган оилалар фарзандларини моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳомийлар Қорақўл туманидаги 1-мактабнинг 7 нафар ўқувчисига 33 минг сўмлик ёрдам курсатдилар. Бухоро шаҳридаги 33-мактабда ўқийдиган кам таъминланган оилалар болаларига 15 минг сўмлик кийим-кечаклар совга қилинди. Халқ-

аро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб Бухоро шаҳар кар ва соқов болалар боғчасига 10 минг сўмлик кийим-кечаклар, Когон туманининг “Ўзбекистон” жамоа хўжалигидаги ногирон болалар ва якка-ёлғизларга 15 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари хайрия қилинди. Бухоро шаҳридаги кам таъминланган оилаларнинг 100 нафар боласига ёзги оромгоҳларда дам олишлари учун 33 минг сўмлик йўлланма олиб берилди. 4-ўрта мактабда таълим олаётган кам таъминланган оилалар болаларига овқатланиш учун 40 минг сўм миқдоридан пул ажратилди. Бухоро шаҳар “Отбозор” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи иккинчи гуруҳ ногирони Ирина Маққуловага 5 минг сўм миқдоридан моддий ёрдам кўрсатилди. Фатхобод хотира боғини барпо этиш, мазкур боғ ҳудудида жойлашган С.Баххерзи — Шайхул Олам масжиди ва хонасини таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларида фаол қатнашган ишчи ва хизматчиларни иссиқ овқат билан таъминлаш мақсадида 50 минг сўм ўтказилди... “Бухоротранс”, “Бухоротекс”, “Бухороёғ” ҳиссадорлик жамиятлари томонидан ҳомийлик сифатида ўтказилган пул маблағлари ҳисобидан биринчи гуруҳ ногирони Н.Комиловага юрагини операция қилдириш мақсадида, Ш.Ёдгоровага кўзини операция қилдириш учун, ёш иқтидорли боксчи А.Асломовнинг халқаро мусобақаларда қатнашиши учун 200 минг сўм дан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди.

Мустақиллик байрамининг 9 йиллиги арафасида кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 100 та оиланинг ҳар бирига 1000 сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, 50 нафар кам таъминланган оилалар фарзандларига 150 минг сўмлик ўқув дарсликлари олиб берилди.

Футбол бўйича 14 ёшгача бўлган маҳалла ўсмирлари ўртасида “Футболимиз келажаги” кубоги ўйин-

лари барча маҳалла ва гузарларида катта қизиқиш билан, кўтаринки руҳда ўтказилди. Мусобақаларнинг биринчи босқичида 396 жамоа қатнашди. Шаҳар ва туман босқичларида эса 243 жамоа, учинчи босқичида 14 жамоа иштирок этди. Мусобақа голибларини тақдирлаш учун вилоят, шаҳар ва туман “Маҳалла” жамгармалари бўлим ва бўлинмалари томонидан 670 минг сўмлик совға-саломлар ташкил этилди.

Тошкент шаҳар Оқсоқоллар кенгаши, “Маҳалла” жамгармаси “Соғлом авлод” давлат дастурини бажариш бўйича ҳамда йил давомида амалга оширилаётган хайрия ишлари режасини ишлаб чиқиб, қуйидагиларни амалга оширди: 2000 йил 1 январдан 10 январгача “Маҳалла” жамгармаси ва унинг туман бўлинмалари бўлимлари билан биргаликда “Халқлар дўстлиги” саройида болалар учун арча байрами ўтказилди ва ушбу тадбирда иштирок этган кўп болали, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож oilалар фарзандларининг 23 минг нафарига, Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болаларга ҳамда арчани ўтказишда моддий тарафдан ҳомийлик қилган ташкилотларда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг фарзандларидан 17000 нафарига, жами 40000 нафар болаларга 40137000 сўмлик Президентнинг Янги йил совғалари топширилди. Ўтказилган “Мурувват 10 кунлиги” мобайнида маҳаллаларда истиқомат қилаётган 59334 та кам таъминланган oilага 32120100 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар ва янги йил совғалари ҳомий ташкилотлар ёрдамида хайрия сифатида тарқатилди. Шу жумладан шаҳар бўйича — 22778 нафар фуқарога 23393905 сўмлик хайр-эҳсон совғалари топширилди. Гузарларда ва маҳалла идораларида бу байрамга бағишлаб “бир пиёла чой” устида учрашувлар, давра суҳбатлари ва бадий тадбирлар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга доир фармони, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини бажариш юзасидан, 2 ёшгача болалари бўлган оналарга йил бошида бюджетдан 912700000 сўм ажратилган эди. 2 ёшгача болалари бўлган оналарнинг сони доимий ортиб борганлиги боис уларга 913100000 сўм нафақа тарқатилди. Тошкент шаҳрида 16 ёшгача болалари бўлган оилалар 31336 нафарни ташкил этиб, уларга давлат томонидан 10533000 сўм ажратилган эди. Йил давомида 30554 та кам таъминланган оиллага 2866 минг сўм маблағ тарқатилди. Шаҳар ва туман жамгарма бўлимлари ҳисобварақлари орқали пойтахтдаги 108 та кам таъминланган оиллага моддий ёрдам кўрсатилди ва маҳаллаларнинг ривожланиши учун 459000 сўм пул ўтказилди. 2000 йил давомида Тошкент шаҳар “Маҳалла” жамгармаси томонидан туман бўлимлари ва маҳаллаларга ҳамда 28 та кам таъминланган оиллага 836860 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

“Маҳалла” хайрия жамгармаси Жиззах вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари “Наврўз” ва “Мустақиллик” байрамларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда, “Халқаро болалар куни”, “Ногиронлар куни” ва янги йил байрамларини нишонлашда ва бошқа тадбирларда фаол қатнашди. Байрамлар муносабати билан барча маҳалла ва қишлоқларда тозалик ва ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди, шанбаликлар уюштирилди. Кўрик-танловлар ва ҳар хил спорт мусобақалари ўтказилди. Меҳр-мурувватга ташна ёлғизлар, қариялар, ногиронлар, етим-есирлар, бева-бечоралар, шароити оғир, кам таъминланган кўп болали оилалар ҳолидан хабар олинди ва хайрия тадбирлари ўтказилди.

“Наврўз” байрами муносабати билан ана шундай кишилардан 30 таси жамгарманинг вилоят бўлими

томонидан 65000 сўмлик совға-салом олди. Халқаро болалар куни муносабати билан 15 нафар болага 36132 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларидан байрам совғалари тайёрланиб тарқатилди. 5 та кўп болали оиланинг болаларига дарслик китоблари берилди.

Мустақилликнинг 9 йиллиги муносабати билан 6 кишига 14514 сўмлик озиқ-овқат, пахта йигимтеримида фаол қатнашган 21 нафар оилага 42714 сўмлик озиқ-овқат ва кийим-кечаклар тарқатилди.

Халқаро ногиронлар куни муносабати билан 32-ногирон болалар интернатига 95343 сўмлик телевизор, кийим-кечак совға қилинди.

Янги йил байрами муносабати билан 20 нафар болага 40000 сўмлик Президент совғаси тайёрланди ва тарқатилди.

Ҳар хил кўрик-танловлар, мусобақаларни ўтказиш учун 57645 сўмлик совринлар, совғалар тайёрланди ва 17 киши рағбатлантирилди.

Шунингдек, Зомин туманида яшовчи Азиз Оқиловнинг юрак операцияси учун 150000 сўм, шартнома асосида ўқиётган, лекин тўловларни тўлаш имконияти бўлмаган талабалар Шерзод Эрназаров, Темур Сафин, Дилдора Набиҳўжаеваларга ўқишларини давом эттиришлари учун шартнома тўловларига 128400 сўм ўтказиб берилди.

Ҳар йили янги йил арафасида “Президент арчаси”ни ўтказиш байрами анъана бўлиб қолди. Республика миқёсида нишонланадиган ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2000 йил “Соғлом авлод йили” деб эълон қилинган ва инсоният янги асрга қадам қўяётган кунларга тўғри келди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига 2000 йил 29 декабр куни Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган, кўп болали

оилалар фарзандларига Ўзбекистон Президенти номидан совгалар топшириш ва шу муносабат билан янги йил байрам тадбирлари жойларда юқори савияда ўтишини ташкил қилиш топширилди.

Ишчи гуруҳи томонидан ҳомий ташкилот, идоралар ва жамгармалар билан алоҳида иш олиб борилиб, мурожаат хатлари юборилди. Натижада меҳр-шафқат уйларига, кам таъминланган кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун жами 85200 минг сўм маблағ йигилди. Бу савобли тадбирга кўпгина ташкилотлар, айниқса, “Ўзмиллийбанк”, “Пахтабанк”, “Асакабанк”, “Ғаллабанк”, “Ўзсаноатқурилишбанк”, “Ўздавлатпахтасаноатсотиш”, “Ўзфармсаноат” концернлари “Ўздонмахсулот” корпорацияси, “Ўзенилсаноат” уюшмаси, “Кока-кола ичимлиги” ва бошқа ташкилотлар салмоқли улуш қўшдилар.

Болаларга бериш учун совгалар танлаб олиш ва уни тайёрлаш бўйича ҳам тендер ўтказилди. Бунда учта қўшма корхона ўз маҳсулотлари билан қатнашиб, Вазирлар Маҳкамасининг “Президент арчаси”-ни ўтказиш ташкилий қўмитаси мажлисида кўриб чиқилди ва Янгийўл шаҳридаги “Росси” қўшма корхонаси маҳсулотлари юқори сифатли бўлганлиги учун унга совгалар тайёрлаш топширилди. Жами 15,0 минг дона “Президент совгалари” тайёрланиб, улар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга етказилди.

Болажонларнинг байрам тантаналарини юксак даражада ташкил этиш шахсан юртбошимизнинг ташаббуси эканлиги янада қувончли. Аслида Президент арчаси тадбирларининг алоҳида эътирофга лойиқ жиҳати борки, у ҳам бўлса, янги йил байрами кунини Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болажонларнинг мурғак қалбларини қувонч ва меҳрга тўлдиришдир. Мана саккиз йилки, 29 декабрда Тошкентнинг серҳашам саройларидан бири — Тур-

кистон саройида Тошкент шаҳри ва вилояти, шунингдек, Сирдарё, Жиззах вилоятларидаги Меҳрибонлик уйлариинг болалари ранг-баранг уйинчоқлару чироқларга бурканган сервиқор Президент арчаси атрофида жам буладилар. Қорбобо ва Қорқиз билан қул ушлашиб, қўшиқни шеърга, рақсни куйга улаб, мириқиб уйнайдилар. Шу тобда уларнинг чехралари, уйинга тушишлари-ю, мириқиб кулишлари, чақнаб турган кўзлардан, ҳар бир ҳаракатларидан уфуриб турган бахтиёрлик ифодаси ҳеч бир таърифга сигмаса керак...

Томошалардан сўнг совга улашилади. Бир қизалоқ совга қутисини багрига босганча, дугоналар томон ошиқди. Ҳамма ўзининг совгасини очиш билан овора. Қизалоқ ҳам қутини очди, ундаги уйинчоқлару ширинликларни кўриб кўзлари хурсанд чақнаб кетди. Лекин у қутидан даставвал уйинчоқ эмас, ширинлик ҳам эмас, чиройлик табрикномани олди. Ҳа, юртбошимиз номларидан битилган табрикномани! Қизалоқ гурур тула нигоҳини табрикномага тикди, бийрон-бийрон ўқиди. Ўқиган сари чехрасидаги ифтихор ортиб борар эди. Ўзларини Маҳмудов Алишер ва Юсупов Фаррух деб таништирган ўсмирлар пойтахтнинг Юнусобод туманидаги 21-Меҳрибонлик уйидан эканлар.

— Томоша зўр бўлди. Мазза қилдик. Ўтган йили ҳам Президент арчасига келгандик. Президент отамизга раҳмат!

Байрамга келган тарбиячилар болалардан хушнуд эдилар.

— Болалар Юртбошимиздан томоша, совгалар учун ҳам хурсанд, ҳам миннатдорлар. Биз катталар эса шундай хайрли тадбирни ўтказиш имконини берган озод кунларга етганимиз учун хурсандмиз. Қўнгли ўксик болаларнинг шундай қувнаб, бахтиёрликда ўтказган ҳар бир лаҳзалари учун аввало

Президентимиздан, ташкилотчилардан беҳад миннатдоримиз, — дейди ана шу меҳрибонлик уйининг тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари Малика Баҳриддинова.

— Эй, нимасини айтасиз, болаларимиз ўтган йилги Президент арчаси тантанасида олган совға қутиларигача авайлаб сақлаб қўйишган. Бугун олишгани юртбошимизнинг табрикномалари улар учун болаликдан энг яхши эсдалик бўлиб қолади, — дея суҳбатга қўшилди Собир Раҳимов туманидаги 24-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Фариди Каримова. — Болалар ҳам ўз навбатида Президент арчаси тантаналари учун Юртбошимизга ташаккурнома ёзишди. Аминманки, республикамизнинг қолган барча вилоятларида давом этадиган Президент арчаси тантаналарининг ҳар бир иштирокчиси ушбу ташаккурномада билдирилган миннатдорчилик изҳорига қўшилади.

... Халқимиз, одатларимиз таърифида сўз кетганда “Болажон” сифати албатта қўшилади. Биз болажонмиз, дейишга тўла ҳақлимиз. Зеро, бизнинг юртда тақдир тақозоси билан ота-она меҳридан бенасиб гўдаклар эл-юрт, ҳукумат, қолаверса, Юртбошимиз саховатидан баҳраманд ўсмоқдалар. Улар ўзларининг шу юртга, шу халққа керакли эканликларини нафақат байрамларда, балки ҳар куни ҳар нафасда сезиб, англаб вояга етмоқдалар. Мамлакатимизда йил сайин анъанага айланиб, қалбларимизда жўш урган меҳр-оқибатнинг ҳақиқий тимсоли бўлаётган Президент арчаси тадбирларини йил бўйи орзиқиб кутган болажонлар шу куни яна меҳр, эътибор огушида бўлдилар. Бу меҳр шундай меҳрки, унинг тафтидан мурғак қалбларда ватанпарварлик, олижаноблик туйғулари куртак очиб гуллайди. Болажонларимизнинг келажакда камол топиб, ватан, халқ хизматига шай туришлари бугунги саъй-ҳаракатларимизнинг тотли меваси бўлади.

Бундан ташқари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида истиқомат қилувчи кам таъминланган кўп болали оилалар фарзандлари, етим-есирлар учун янги йил байрам тадбирлари ташкил қилинди. Бунда 2700 бола қатнашиб, уларга “Президент совгаси” берилди.

Президент арчаси байрам тадбирларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан ҳаммаси бўлиб 214004 нафар, шу жумладан, меҳрибонлик уйларида 10917 нафар бола қатнашди ва уларга жами 95423,3 минг сўмлик совгалар тарқатилди.

Республикамиз бўйича янги йил муносабати билан 88312 нафар ёрдамга муҳтож шахсга, шу жумладан 14934 нафар ногиронга хайрия ёрдами кўрсатилди. Кўрсатилган ёрдам миқдори жами 191510,7 минг сўмни ташкил этди.

Президент арчасини ўтказиш ишчи гуруҳи ташаббуси билан янги йил кунлари шифохоналарда даволанаётган болаларга, афгон уруши ногиронлари ва Чернобил фалокати оқибатларини бартараф этиш қатнашчилари фарзандлари ва террорчиларга қарши курашда шаҳид бўлганлар оилаларидан, маҳаллаларда истиқомат қилувчи кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандларидан хабар олиниб, уларга 8000 та янги йил совгалари топширилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жойлашган меҳрибонлик уйларида таъмирлаш, болаларга кийим-кечак, дори-дармон олиб бериш учун 15 млн. сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Жами бўлиб, республикамиз бўйича “Президент совгаси”, “Янги йил совгаси” ва хайрия учун 286934,0 минг сўм пул маблағи сарфланди.

Куриниб турибдики, маҳалла ҳозирги кунда халқ ишончини қозонган адолат масканига, аҳолини

ижтимоий қўллаб-қувватлаш дарғасига айланган. Маҳалла бундан буён ҳам кучли ижтимоий ҳимояни амалга оширишнинг ишончли таянчи ва таъсирчан воситаси бўлиб қолади. Президентимиз бу йўлда имкон қадар ҳеч нарсани аямайди ва яратилган имкониятлардан тўла фойдаланишни истайди. Унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил май ойида бўлиб ўтган сессиясида айтган қўйидаги сўзлари барчамиз учун дастуриламалдир: 2000 йилда, ҳисобот бўйича, ўзини ўзи бошқариш органларининг сарфлаш харажатлари 96,8 фоизга бажарилди. Тежамкорлик керак, лекин бу соҳада тежамкорлик салбий оқибатларга олиб келишини ҳам унутмаслик зарур.

### ҲАЁТ ДАРСХОНАСИ

Барчамиз маҳаллада ўсганмиз, маҳаллада яшаймиз. Унинг нуфузини кўтариш нафақат иқтисодий, нафақат ижтимоий, балки шу билан бирга — сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масаладир, деб таълим беради Юртбошимиз. Маҳалла — ҳаёт дарсхонасидир. Маҳалла халқимизнинг азалий удумлари, урф-одатлари ва анъаналарига таянган ҳолда улкан тарбиявий вазифани бажаради. Кексаларнинг панд-насиҳати, катталарнинг шахсий ибрати, жамоанинг ҳамжиҳатлиги мисолида кишилар онгига эзгулик ғоялари сингдириб борилади.

Маҳалла — аввало, соғлом ижтимоий муҳит маскани. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла аҳлининг хулқ-атвори, ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради. Шу маънода маҳалла — демократия дарсхонаси, деб ҳам аташ мумкин.

Маҳаллада кенг жамоатчилик ўртасида мафкураравий ишларни самарали йўлга қўйиш учун катта

имкониятлар мавжуд. Айниқса, миллий қадриятлар, меҳр-оқибат, эл-юрт шаъни каби фазилатларни камол топтиришда маҳалланинг ўрни беқиёс.

Юртбошимиз таъкидлайдиларки, ўзининг ёруг келажагини кўрмоқчи ва қўрмоқчи бўлган ҳар қандай давлат, жамият албатта ўз миллий гоёсига, миллий мафқурасига суяниши ва таяниши жоиз. Давлат тизими, уни бошқариш ва олиб борилаётган сиёсат аввало аниқ-равшан ифодаланган, тарихан қарор топган миллий мафқура асосига қурилмоғи лозим. Давлатимиз раҳбарининг миллий мафқураимизни ривожлантириш ва халқимиз онгига сингдириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган асосий кўрсатмаларига таянган ҳолда ўзимиз танлаган, халқимиз продасига монанд мустақил тараққиёт йўлида аниқ марраларни кўзлаб яшашимиз, пировард мақсадимиз бўлган озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида дадил, фидокорона ҳаракат қилишимиз ҳам қарз, ҳам фарз. Бунда биз учун руҳий, амалий, маънавий куч-қувват манбаи — илмий асосланган, синалган миллий гоё, миллий мафқурадир.

Миллий истиқлол мафқураси ҳар биримизнинг ўйларимиз, ҳаётга, жамиятга муносабатимиз, хатти-ҳаракатларимиз, феъл-атворимиз, юриш-туришимиздир. Миллий истиқлол мафқураси бизнинг бугунги ҳаётни қандай тасаввур этаётганимиз, қандай йўлдан бораётганимиз билан чамбарчас боғлиқ. Президент масаланинг худди ана шу нозик жиҳатига алоҳида эътибор беради ва ҳар бир фуқаронинг маънавий-руҳий, маънавий-ахлоқий эҳтиёжларини назарда тутиб, инсон юрагининг туб-тубидан чиқадиган ҳис-туйғуларни жамулжам қиладиган, битта ўзанга соладиган, битта йўналишга буриб юборадиган ҳукмрон мафқура кераклигини уқтиради.

Албатта ҳуқуқий, демократик давлат, адолатли, фуқаролик жамияти қурилаётган, бу борада қатор

ишлар амалга оширилаётган бир пайтда, бизда мафкуравий ҳукмдорлик бўлмаслиги керак. Бу Ўзбекистон Конституциясида аниқ кўрсатиб қўйилган. Лекин, агар биз мустақилликнинг моҳиятини англаган, уни олий қадрият даражасида тушунадиган бўлсак, бу неъматни асрай оладиган мустақиллик мафкурасига барибир эҳтиёж сезамиз. Виждон, иймон нуқтаи назаридан, шу миллатнинг битта вакили, шу ватаннинг битта фарзанди, шу жамиятнинг битта аъзоси сифатида мустақилликни, мустақил тараққиёт йўлини ҳимоя қиладиган мафкура кераклигини ҳар биримиз англашимиз лозим.

Коммунистик мафкура даврида тазйиқ билан ҳаммамиз таги пуч мафкуранинг қулига айланиб қолган эдик.

Биз бугун иймон-эътиқодимиз, виждонимиз билан, бутун шахсиятимиз билан боглиқ бўлган гоёга, уни асрайдиган мафкурага таяниб яшашимиз лозим. Бундай мафкура лабораторияларда тугилмайди. Бундай мафкура маҳаллаларда, одамларнинг турар жойларида шаклланади. Маҳалла бўлиб яшаш — маҳаллийчилик эмас. Маҳаллачилик қарийб икки минг йиллик тарихга эга бўлган жуда катта маданият, жуда катта маърифат учоғи. Маҳалла бўлиб яшаш инсонни инсонлиги учун қадрлашнинг маънавий кўринишидир. Умуман инсоният тарихида, шарқда, хусусан Ўзбекистонда маҳалла ота-онадан улуг турадиган жуда катта ҳаёт мактабидир.

Бугун биз илмий жамоаларда яратадиган мафкурамиз айни ана шу минг йиллар давомида шакланган дунёқарашларимизнинг илмий-назарий ифодаси, тартибга солинган шакли бўлиши керак. Аслида оддийгина инсон сифатидаги интилишларимиз: фарзандимнинг камолини, неварамнинг бахтини кўриш, неварам учун терак экиб қўяй, деган

энг оддий ҳаётгий орзунинг ўзи миллий мафкура-мизнинг илдизи, асосидир.

Бир ҳақиқат бор: дунё тафаккур олами шарқдан баҳра олди, шарқда дунёга келди. Машҳур европалик алломалардан бири “Нур — шарқдандир”, деган эди. Бу сўзнинг маъноси кўп. Албатта қуёш шарқдан чиқади. Қуёш дунёга ҳаёт бағишлайди. Лекин шугина эмас. Инсоният тарихида тафаккур, маърифат шарқдан тарқалганига ҳам ишора қилинмаяптими? Ва бундан минг йил бурун улуг бобокалонимиз Абу Наср Форобий “Инсон моҳияти ақлда, ақлнинг моҳияти хатти-ҳаракатда билинади” дегани бежиз эмас.

Президент миллий истиқлол мафкураси масаласини ўртага ташлар экан, комилликка, гўзалликка, покликка чақираяпти ва бутун жамиятни 25 миллионлик оиламизнинг ҳар бир аъзосини ана шундай катта мақсад ва гоё билан яшашга даъват қилаяпти. Ана шундай кенг миқёсдаги тарбиявий, маънавий, руҳий жараённинг асоси маҳалладир. Маҳаллада шаклланадиган мафкурагина яшовчан бўла олади. Чунки, юқорида айтганимиздек, мафкуранинг илмий асослари, назарий қўлланмалари ижодий лабораторияларда, тадқиқот муассасаларда яратилиши мумкин. Лекин ҳаёт уни тан олмаслиги ҳам мумкин. Биз ҳаёт нуқтаи назаридан, неча минг йиллик тарихимиз жараёнида шаклланган дунёқарашлар нуқтаи назаридан ўз ҳаёлотимизни, орзу умидларимизни тартибга солмасак, миллий мафкура ҳавода муаллақ бўлиб қолаверади. Жамиятнинг энг биринчи бошланғич бўғини, инсон кундалик эҳтиёжларига дахлдор бўлган, остонангдан чиқиб, дилнингни очадиган маҳалла булганидан кейин, демак бизнинг бутун тақдиримиз, ҳаётимиз ана шу жойдагина ҳал этилади ва маҳалла деган муқаддас бир гўшанинг тақдири билан боғлиқ бўлади. Айни фу-

қаролик жамиятида жамиятни жамоат ташкилотлари бошқарар экан, жамоат ташкилотларининг энг бақуввати, энг ҳаётийси, энг одамларга яқин бир шакли маҳалла экан, маҳалла жамиятни бошқаришга қодир бўлган қудратли бир омилга айланмоқда.

Бугунги маҳалла жамиятни бошқара бошлади. Ўзининг фаолияти доирасини кенгайтирди, фаолият мазмунини чуқурлаштирди. Бугунги фуқаролар йиғини раиси бундан ўн йил бурунги маҳалла қўмитасининг раиси эмас. У бугун жамият тақдирига, тараққиётига дахлдор инсонга айланди. У бугун ўз маҳалласининг отаси деган сўзнинг атрофидаги тушунчалардан ўн карра, юз карра кенгроқ тушунчаларга эга бўлди... Айни пайтда маҳалланинг, юртнинг отаси, деган сўзнинг моҳияти янада чуқурлашди. “Авесто”дек буюк, илоҳий бир мўъжизанинг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётган, бутун бир қадриятларимизни, ахлоқий мезонларимизни қайта тиклашга интилаётган пайтимизда элнинг ўзлигини англаш жараёни ҳал қилинаётган бир шароитда “Миллий истиқлол мафкураси” деган тушунчанинг пайдо бўлиши ва умуман жаҳоннинг мафкура билан шугулланадиган фанларига “Миллий истиқлол мафкураси” деган тушунчанинг кириб келиши айни Ўзбекистон билан боғлиқ, десак, хато бўлмайди. Хуллас жаҳон мафкурасида миллий истиқлол мафкураси “Ўзбек модели” сифатида кўзга ташланади.

Инсоният тараққиётини белгилайдиган, бутун Ер куррасининг кейинги асрлардаги тақдирини ҳал қиладиган гоё қандай бўлиши керак деган саволга жавобан тавсия қилинаётган юзлаб гоёлар орасида миллий истиқлол мафкураси шаклидаги гоё алоҳида ажралиб туради. Ана шундай ноёб гоё, катта бир мақсадга йўналтирилган мафкура мамлакатимизнинг раҳбари орқали дунёга келаётгани ва ана шу жараёнда биз билан сизнинг қайсидир даражада иш-

тирок этаётганимизнинг ўзи ниҳоятда мароқли. Бугун бизга мустақиллик берган муқаддас гоёларимизнинг янги асрдаги тақдири қандай булади? Биз бугун не машаққатлар билан қурган улкан Ўзбекистондек бир ҳашаматли, серфайз кошона кимнинг қулида қолади? Ва кейинги авлод ана шу кошонани, шу муқаддас гоёлар билан бирга, муқаддас ниятлар, орзу умидлар билан бирга асрай оладими, йўқми? Шунга муносиб фарзандни биз тарбиялай олаёلمизми, йўқми? Бу жуда муҳим ва жиддий масала.

Демак, бу қонимиз, жонимиз, руҳимиз орқали болаларимизга ўтадиган шахсиятимиз ва миллий масъулликимиз билан боғлиқ бўлган олий қадрият. Энди уни ён-атрофимиздан тўкилаётган мағзавалардан асраб-авайлашимиз зарур.

Қадим-қадим замонлардан ўзбек миллий табиатига жамоавийлик хосдир. Лекин айни чоғда кўришиб турибдики, у шўролар коллективизми билан ҳеч қандай муштаракликка эга эмас. Агар одамларда бирдамлик туйғуси кўтаринки кайфият тугдирса, улар тенглик ва адолат асосида ўз меҳнатлари ва ўз маблағларини умумий ишга қўшсалар, бунда инсоний ор-номус ва маънавиятнинг юксак даражада намоён бўлишини кўриш мумкин. Шахс эркинликларининг бўғилиши одамларни жамоавийликка зўрлаб тортишдан бошланади. Мажбурий ахлоқ ҳамиша ахлоқсизлик бўлиб, бунга мисоллар кўп. Ўзбекона жамоавийлик ижтимоий ҳаётнинг барча даражаларида ва ҳамма соҳаларида намоён. Турмушда ва ишлаб чиқаришда ҳам, иқтисод ва сиёсатда ҳам.

Ўзбекларнинг кўпгина анъанавий ижтимоий тузилмаларини емирган коммунистик режим маҳалла билан курашда чекинишга мажбур бўлди. Маҳалла коммунистларнинг “тишини синдирди”.

Ўзбекистонни, унинг маҳаллий жамоалари, қишлоқлари ва шаҳарларини олайлик. Кўҳна Самарқанд ва Қўқон, Бухоро ва Хива бино бўлганидан бери неча

даврлар ва давлатлар алмашган, ун марталаб маъмурий-ҳудудий жиҳатдан қайта бўлинган, шаҳарлар қишлоқларнинг, маҳаллий жамоалари эса ўзгармайди, вақтнинг измига ҳам, энг кучли ва бағри-тош ҳукмдорларга ҳам бўйсунмайди. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тарихига бағишланган рисоалардан бирида қуйидаги сўзлар битилган: “Айнан маҳаллий жамоада эркин халқларнинг кучи ўз ифодасини топади. Маҳаллий жамоалар демократия ўрнатишда муҳим роль ўйнайди, буни фақат бошлангич мактабларнинг фан учун ўйнайдиган роли билангина қиёслаш мумкин. Улар халқ учун эркинлик сари йўл очади ва бу эркинликдан қандай фойдаланишни ўргатади”.

Ўзбекларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқаришда, маҳалла ҳаётида иштирок этишга мойиллиги минг йиллар давомида шаклланган. Маҳалланинг ҳар бир вакили унга фақат шу ерда туғилгани учунгина боғланиб қолмайди. У маҳаллий жамоада эркинликни, бир-бирига сидқидилдан кўмаклашишни кўради, ўзини унинг бир бўлаги деб ҳисоблайди, чунки маҳалла унинг бошига мусибат тушганда яккалаб қўймайди. Шунинг учун ҳам у маҳаллани бошқариш ишига кучгайратни сарфлашни, керак бўлса, маблагини ҳам аямасликни ўзининг бурчи деб билади.

Маҳаллий жамоаларнинг умумдавлат аҳамиятига эга эканлигини эсдан чиқариб бўлмайди. Айнан маҳаллий жамоалар инсонни табиий равишда давлат билан боғлаб турувчи, жамоатчилик манфаатлари ва иродасини ўзида мужассам этувчи тузилмалар тармоғидир. Бу сиёсий хатти-ҳаракатлар амалда қўллаб-қувватланадиган ёки рад этиладиган ижтимоий макондир. Бу макон фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришидан ташқари ҳаёт дарсхонаси сифатидаги вазифани ҳам бажаради. У каттаю кичик ўз идрокига яраша тарбия оладиган мактабдир.

Тарбия жараёни иштирокчилари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш мақсадида 1994 йилда ишлаб чиқилган “Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги” концепцияси ёшларни истиқлол гоёларига садоқатли, маънавий баркамол, ватанпарвар этиб тарбиялаш учун кенг жамоатчилик фаолиятини мувофиқлаштириш борасида муҳим дастуриламал бўлди.

“Бир болага етти маҳалла ота-она” деган нақлга амал қилиб, келажак авлодни тарбиялаш ва унга таълим бериш жараёнини амалга ошириш борасида маҳалланинг олдида қуйидаги вазифалар туради:

— тарбия муассасалари билан биргаликда таълим-тарбия жараёнида амалга оширилиши керак бўлган ишларни муҳокама қилишда қатнашиш ва оқилона ечимларни топишда фаоллик кўрсатиш;

— уз ҳудудидаги ижтимоий-иқтисодий ёрдамга муҳтож оилаларни аниқлаб, уларни қўллаб-қувватлаб, фарзандларининг билим ва тарбия олишларига бош-қош бўлиш;

— ахлоқан носоглом оилаларни маҳалла йигинларида муҳокама қилиш, уларга нисбатан жамоатчилик чораларини кўриш;

— маҳалла ҳудудидаги ўқув-тарбия муассасаларига иқтисодий ва ижтимоий ёрдам кўрсатилишини қўллаб-қувватлаш;

— ота-оналар орқали болаларга ташаббускорлик, меҳнатсеварлик, миллий гурур, ватанпарварлик, миллий одоб, онглилик, байналмилаллик каби хислатларни сингдиришни ҳар томонлама рағбатлантириш;

— ёшлар диний мазҳаблар ва секталар ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлиши, ақидапарастликнинг зарарли оқибатларини англаб етишига ота-оналар орқали таъсир кўрсатиш, уларга улуг аждодларимизнинг тарбиявий ўғитларини сингдириб боришга жамоатчиликни сафарбар қилиш;

— маҳалла йигинларида миллий давлатчилик ва миллий мафкура гояларини, республикамизда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда эришилган ютуқларни тарғиб қилиш борасида турли тадбирлар ташкил қилиш;

— “Маънавият ва маърифат”, “Соғлом авлод учун”, “Экосан”, “Умид”, “Улугбек”, “Нуроний” жамгармалари, Хотин-қизлар қўмитаси, турли жамиятлар, бирлашмалар ва ижодий уюшмаларни ёш авлодни миллий истиқлол гоялари асосида тарбиялаш ишига, бу соҳадаги муаммолар ечимини топишга фаол жалб қилиш;

— маҳалла ҳудудидаги ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларнинг имкониятларини ўқув-тарбия муассасалари моддий негизини мустаҳкамлашга жалб қилиш;

— маҳалла ҳудудидаги ўқув-тарбия муассасалари билан биргаликда турли кўрик-танловлар, спорт мусобақалари, анжуманлар, байрам ва беллашувлар ташкил қилиш;

— иқтидорли ўқувчи болаларни мактаблар тавсиясига кўра ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

— илғор педагог ходимлар, тарбиячиларга маҳалла имкониятларига қараб, ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш;

— фарзандларга таълим ва тарбия беришда ижобий натижаларга эришаётган, намунали оилалар тажрибасини оммалаштириб, маҳалла ҳудудида “Оила сабоқлари” машгулотларини ташкил қилиш;

— маҳаллада истиқомат қилаётган халқ усталари, санъаткорлар, зиёлилар ва барча ижод аҳлининг имкониятларидан фойдаланиб, турли тўғарак ва “уста-шогирд” муносабатлари асосида билим бериш ва касб ўргатиш фаолиятини ташкил қилиш;

— маҳалла ҳудудидаги ишлаб чиқариш корхоналари томонидан маҳаллада истиқомат қилаётган ва моддий қийналган ёшлар учун иш жойлари квотасининг ажратилишига эришиш;

— ҳар бир ёш фуқарода Ўзбекистонга, унинг табиатига муҳаббат, тарихига қизиқиш, маҳалла ободончилиги, аҳиллиги учун жавобгарлик руҳини шакллантириш.

Ёшлар онгида ва уларнинг дунёқарашида жиддий маънавий етукликка эришиш учун маҳаллаларда гоаявий-тарбиявий ишларни муттасил кучайтириб бориш зарур.

Тошкентнинг “Исломобод” маҳалласида 186-мактаб маъмурияти, туман ҳудудидаги ёшлар билан ишлайдиган ташкилот вакиллари билан ҳамкорликда бу соҳада олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор.

Маҳаллада жамоат ташкилотлари билан тарбиявий тадбирлар мунтазам ўтказиб борилади. Уларда жуда қизиқарли масалалар муҳокама қилинади. Ёмон баҳо олиб ўқиётган ўқувчилар билан уларнинг оналарини олдида аълочи ўқувчиларнинг ибратли ишлари, ҳар турли танловларда голиб чиққанликлари ҳақида суҳбатлар уюштирилади. Энг қувонарлиси шуки, республикада биринчи бўлиб бу мактабда ўқиётган энг аълочи, иқтидорли ўқувчиларнинг 11 нафарига “Исломобод” маҳалла стипендиясини беришга қарор қилинган. Ушбу масала маҳалла фаолларининг кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилиниб, 1—4-синф иқтидорли ўқувчиларидан 3 нафарига ҳар ой 300 сўмдан, 5—9-синфлардан 4 нафарига 400 сўмдан ва ниҳоят 10—11-синф аълочиларига 5 минг сўмдан стипендия бериб туришга қарор қилинди. Бундай ташаббус ёшлар онгида бирмунча ижобий из қолдиришига иймонимиз комил.

Маҳалла кенгаши академик Обид Содиқов номли мактаб билан ҳам бевосита ҳамжиҳатликда иш

олиб боради. Ҳамкорлик уқув-тарбия ишларини, аҳоли билан мактаб алоқасини яхшилашда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Маҳалла кенгаши аъзолари, фаоллар мактабнинг барча анжуманларида иштирок этиб, мактаб жамоасига ёрдам бериб туради.

Байрамларда ва турли учрашувларда маҳалла фаоллари уқувчилар билан ахлоқ, одоб, ватанга муҳаббат, инсоний бурч ва маданият ҳақида сермазмун суҳбатлар ўтказадилар. Бундай учрашувлар ёшларга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, тарбияси оғир уқувчилар аввалгига қараганда жуда камайди. Болаларнинг тартиббузарлик оқибатида милиция органлари рўйхатига тушишига барҳам берилди. Бу ишларни амалга оширишда маҳалла фаоллари ота-оналар қўмитаси аъзолари билан ҳамкорликда яқиндан ёрдам бермоқдалар. Интизоми бўш ва дарсларни ўзлаштирмайдиган уқувчиларнинг ота-оналари маҳалла кенгашига чақирилиб, мунтазам суҳбатлар олиб борилади. Маҳалла ёшларини армия сафига кузатишда ҳам маҳалла кенгаши ҳарбий чақирув комиссияси билан бевосита ҳамкорлик қилмоқда. Иш билан таъминланмаган ёшлар иложи борича фойдали меҳнатга жалб қилинади. Пайғамбар ёшига, 70, 80, 90 ёшга етган фахрийларни табриклаш, ёрдамга муҳтожларга қарашиш, касаллардан хабар олиб туриш, маҳалла хайрия жамгармаси ҳисобидан байрамларда моддий ёрдам уюштириш каби ташкилий ишлар олиб берилмоқда.

Адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим омилларига, ахлоқий ва ҳуқуқий тарбияга эътиборни кучайтириш, қонунга сўзсиз ички интизом билан риоя этиш, демократик тамойилларни, давлатга, фуқаролик бурчига ҳурмат кўникмасини мустаҳкамлаш аксарият маҳаллаларнинг фаолият марказига қўйилган.

Бу ишларни амалга оширишда маҳалла фуқаролар йиғинларига ижтимоий фан вакиллари, сиёсатшунослар, файласуфлар, тарихчилар яқиндан ёрдам беришлари, кенг халқ оммаси орасига кириб боришлари ҳаёт тақозосидир. Маънавият, маданий-маърифий тадбирларнинг шакл ва турлари ранг-барангдир. 1998 йилнинг “Оила йили”, 1999 йилнинг “Аёллар йили”, 2000 йилнинг “Соғлом авлод йили” деб эълон қилиниши маҳаллаларимиз фаолиятини янада бойитди. Янги асрнинг биринчи йили “Оналар ва болалар” йили деб эълон қилиниши муносабати билан маҳаллаларда хотин-қизлар комиссиялари, ёшлар билан ишлаш комиссиялари иштирокида оила тўғрисидаги қонунларнинг аҳамияти, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни вояга етказиш, оилаларнинг тотувлиги, хотин-қизларнинг жамият ва оиладаги ўрни муаммоларига бағишлаб ўтказилаётган тадбирлар кўпайди. “Маҳалла оиладан бошланади”, “Оила ва никоҳ”, “Ёшларни оила қуришга тайёрлаш”, “Қайнона ҳам она”, “Аёл, оила ва жамият”, “Ибратли келинчак”, “Оилада бола тарбияси”, “Соғлом она — соғлом фарзанд” каби мавзуларда илмий-амалий семинарлар, кўрик-танловлар, савол-жавоб кечалари ўтказилди. Бу тадбирларни ўтказишда маҳалла оқсоқоллари, фаоллари ташкилотчилик намуналарини кўрсатмоқдалар.

“Энг яхши маҳалла”, “Энг ибратли оқсоқол”, “Маҳалла жонкуяри”, “Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли” шиори остида ҳар йили мутассил кўрик-танлов ўтказиб келинади. Кўрик-танлов ғолиблари махсус нишонлар, қимматли эсдалик совгалари билан тақдирландилар. Ушбу тадбирлар маҳаллаларни ободонлаштириш, озода сақлаш, айниқса ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ёшлар тарбияси маҳаллаларнинг жонажон ишидир. Ёш авлодни миллий истиқлол руҳида тарбия-

лашда маҳаллалар фаол иштирок этмоқдалар. Аҳоли турар жойларида ёшлар муаммоларига катта эътибор қаратилган. Уларни қизиқтирган мавзуларда кечалар, учрашувлар, суҳбатлар, спорт мусобақалари ва бошқа маданий-маърифий ҳамда кўнгилочар тадбирлар доимий равишда уюштириб борилади. Конституция мавзуларида суҳбатларга, учрашувларга қизиқиш катта.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги 2001 йил 4 январдаги Фармойишининг мазмуни ва моҳиятидан келиб чиқиб, Конституцияни ўрганишга оид барча мавжуд ўқув-услубий, илмий-оммабоп ва бошқа воситалар ёрдамида, Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамда ҳуқуқий маърифат-тарғибот маркази билан ҳамкорликда, маҳаллалардаги ҳуқуқшунос мутахассисларни кенг жалб қилган ҳолда маҳалла фуқаролари орасида Конституциянинг мазмун-моҳияти, унинг ўрни ва аҳамияти бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини кенг йўлга қўйиш, уларнинг ҳуқуқий онги, маданиятини юксалтиришга қаратилган зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва “Маҳалла” жамғармаси Республика бошқаруви раёсати қарори билан махсус режа тайёрланди. Мазкур мавзу юзасидан семинар-кенгаш ўтказилиб, унда Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри маҳалла оқсоқоллари, “Маҳалла” жамғармаси туман бўлимлари раҳбарлари иштирок этишди. Семинарда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш дастурини яратиш ва махсус ўқув курсларини ишлаб чиқиш бўйича Республика комиссияси раиси, академик, Ш.З.Ўразаев маърузаси тингланди.

Маҳаллаларда яқка тартибда меҳнат фаолияти билан машгул бўлганлардан тортиб, уй бекалари,

пензионерлар орасида Конституцияни қандай тарғиб қилиш, аҳолининг бу қатламига Конституциямизни қай шаклда етказиш тўғрисида тавсиялар берди.

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва “Маҳалла” жамгармасининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясини маҳаллаларда ўрганишни ташкил этиш комиссияси ишчи гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган “Маҳалла дарсхонаси”нинг мавзулар режаси жамоатчилик эътиборига етказиш учун “Mahalla” газетасида чоп этилди. Республикамизнинг 8043 та маҳалласида фуқаролар йиғини қошида Конституцияни ўрганишни ташкил этиш учун юридик маълумотга эга бўлган мутахассислардан, сиёсатшунослардан, амалиётчилардан иборат тарғибот ва ташвиқот гуруҳи тузилди. Маҳалла идораларида, марказларда, гузар ва чойхоналарда Конституцияга оид адабиётлар, тарғибот воситалари (плакатлар, фотосуратлар) бурчаги ташкил этилди. Жамгарманинг бўлим ҳамда бўлинмаларида ҳуқуқшунослар иштирокида семинарлар, мулоқотлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Андижон вилояти Оқсоқоллар Кенгаши ва “Маҳалла” жамгармаси бўлими томонидан ишлаб чиқилган маҳалла халқ университетларининг намунавий Низоми асосида шаҳарча, қишлоқ ва маҳалла фуқаролари йиғинларида, бевосита аҳоли ўртасида Конституция асослари ўрганилмоқда.

Маҳалла халқ университетида машгулотларни сермазмун, сифатли ва тингловчилар ҳаёти билан узвий боғлаб, юқори ташкилий ва гоёвий-сиёсий даражада ўтказишни таъминлаш мақсадида “Оила — маҳалла — мактаб ҳамкорлиги” концепцияси асосида маҳалла ҳудудида жойлашган мактаб, ўқув юрти педагоглар жамоалари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган, уларнинг илмий ва амалий ёрдами самарали бўлмоқда.

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва “Маҳалла” жамгармасининг Конституцияни ўрганишни ташкил

этиш комиссияси ишчи гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган дастурда Конституция нима, фуқароларга Конституция қандай ҳуқуқ берди, мустақиллик муқаддас неъмат; Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигини мустаҳкамлашда оила ва маҳалланинг ўрни; маҳалламиз ўғлонлари — Ватан ҳимоячилари; Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир; ҳарбий хизмат тушунчаси, ҳарбий хизматни ўташ асослари; фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий принциплари; фуқаролар йиғини, фуқаролар йиғинининг ваколатлари; Ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуг; халқимиз жипслиги — тинчлик ва тараққиёт гарови; Оллоҳ қалбимизда — юрагимизда; Ўзбекистон Республикасида ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади; ҳар ким хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга; диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди; диний байрамлар, уларнинг тарбиявий аҳамияти; кексалик ҳаёт интиҳоси эмас, гултожи бўлмоғи даркор; Хотира куни, ўтганларни, қарияларни ва ногиронларни эслаш, ёд этиш, ёрдам бериш ҳар бир маҳалла аҳлининг муқаддас бурчи бўлмоғи лозим; кексалар давлат муҳофазасида каби мавзулар қамраб олинган.

Фуқаролик жамиятининг бош вазифаларидан бири аҳоли тинчлиги, осойишталиги экан, бунда маҳалланинг аҳамияти муҳим. Маҳалла тегишли ҳудудда деярли ҳар нарсадан бохабардир. Демак ҳар қандай кўнгилсизликнинг олдини олиш — маҳалланинг қўлидан келадиган иш ва шу маҳалла одамлари учун керак. Бугунга келиб, айнан маҳалла фаоллари кучгайратиб билан кўпгина жинсий ҳаракатларнинг олди олинаётганини, жиноятлар сони ошмаётганлигини бемалол айтиш мумкин. Бу ўринда айниқса, маҳал-

лада посбонлар гуруҳи кўрсатаётган фаолият кўпроқ асқотаяпти. Жинойтчиликка, экстремизм ва жаҳолатнинг барча кўринишларига қарши курашда аҳоли фаоллигини ошириш фақат маҳалланинг қўлидан келадиган иш эканлигини ҳам маҳалладошларимиз ўз фаолияти орқали исботлаб келишмоқда.

Маҳалла жамоат назоратини ўрнатишнинг ўзига хос мактаби. Шундай экан, унинг аҳолини тарбиялашдаги аҳамияти ҳам беқиёс.

Мустақиллик ўз-ўзидан келмагани каби, уни асраш, юксалтириш ҳам ўз-ўзидан бўлмайди. Бугун мамлакатимизнинг ҳар бир органи, ҳар бир фуқароси жамоат тартиби учун масъул.

Фуқароларнинг ҳаёт тарзи, уларнинг оиладаги, жамоат ичидаги хулқ-атвори, мамлакатимизда юз бераётган улкан ижобий ўзгаришларга муносабати, бу ўзгаришлардаги шахсий иштироки, хуллас жамиятдаги ўрни маҳаллалар эътибордан четда қолдириб бўлмайдиган масалалардир. Айниқса, маҳалланинг ёшларни тарбиялаш борасидаги масъулияти янада катта. Ҳозир ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинида фаолият кўрсатаётган ўнга яқин тузилма орасида ёшлар билан ишлайдиган тузилма энг фаолларидандир. Аввало шу тузилмаларда миллатимизга хос бўлган хислатлар намоён бўлмоғи яъни, “Бир болага етти маҳалла ота-она” қабилидаги нақлларнинг ҳаётий кўринишлари юзага чиқмоғи керак. Бугунги кунда ёшларимиз орасида динни ниқоб қилиб олган турли гуруҳларга қўшилган, ўз юрти, халқига қарши жинойтчилар алдовларига ишониб қолган ёшлар бор экан — бу шубҳасиз бизнинг ўша тарихий тарбия усулларимиздан бўлган маҳалланинг таъсир кучи камайиб кетганлигининг “маҳсули” дир. Биз ўша салбий жиҳатдан, яъни ўз уйим тинч, ўз болам соғ, бировнинг уйи, боласи билан нима ишим бор деганга ўхшаш кўникмадан имкон қадар тезроқ қутулиши-

миз лозим, ўзимизга хос ва мос бўлган, тарихий демократиямиз — маҳалланинг, маҳалла одамларининг ҳар бир йигит-қиз учун ўта таъсирли масъулият кучини қайта тиклашимиз ва уни янги давр демократияси омиллари асосида бойитиб боришимиз зарур.

Ёшлар онгига умуминсоний ва миллий қадриятларни сингдириш, уларни халқ педагогикаси асосида тарбиялаш ва бу ишда маҳалла, мактаб ҳамда оиланинг иштироки самарали бўлишига эришиш даркор. Бунда мактабларда берилаётган таълимнинг қадриятларимиздан анча ажралиб қолганлигига, болаларнинг оила бағридан узоқлашиб бораётганлигига, уларга виждон, эътиқод каби энг муҳим сифатлар етарлича сингдирилмаётганлигига, ўғил-қизларнинг миллий урф-одатларимиз, маданиятимиз, удумларимизни яхши билмаслигига эътиборни кучайтиришимиз зарур. Маҳаллаларда маънавий ва жисмоний бақувват, Ватанимиз билан фахрланиш туйғусига бой бўлган кишиларни тарбиялаш учун мактаб, оила ва кенг жамоатчилик, маҳалла аҳли ҳамкорлигини таъминлаш муҳимдир.

Боланинг феъл-атвори, қизиқиши, энг муҳими ички дунёсини билмай, ўрганмай туриб, тарбиядан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Боланинг қандай инсон бўлиши ота-оналарга ва оилага, маҳалла аҳлига боглиқлиги аёндир.

Ёшларни ҳар томонлама камол топтириш учун барча маҳаллалар қошида “Оила, мактаб ва жамоатчилик кенгашлари”ни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бундай кенгашларнинг асосий фаолият йўналишлари болалар ва ёшлар ҳаётдаги ўринларини тўғри белгилаб олишлари учун уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда, уларда камтарлик, олижаноблик, кишиларга гамхўр, меҳр-мурувватли бўлиш, меҳнатсеварлик хислатларини ривожлантиришда халқ таълими ходимларига яқиндан

ёрдам бериш; болалар халқ хўжалигининг барча соҳаларидан муносиб ўрин эгаллашига, тарбиянинг янги шакллари, услубларини амалга оширишда педагог ходимлар, ўқувчилар, ота-оналари, жамоатчилик вакиллари ҳамкорлигини мустақкамлашга ёрдам бериш; тарбияси огир, қаровсиз қолган болаларнинг ота-оналари билан ишлаш, уларни фойдали меҳнатга жалб қилиш, ҳунар ўрганишини ташкил этиш, ҳар бир тарбияси огир болага жамоатчилик фаолларини бириктириш, вақти-вақти билан уларнинг ҳисоботини тинглаш; мактаб, маҳалла аҳли ҳамкорлигида тадбирлар, байрамлар, ҳашарлар, Хотира куни, Наврўз, ҳосил байрами ва бошқалар ўтказиш; маҳаллалардаги ҳунармандлар оилаларида устоз-шогирдлик муносабатларини йўлга қўйиш; ҳуқуқий тарбияни шакллантириш, маҳаллада яшовчи ҳуқуқ органлари ходимлари томонидан тарбияси қийин болаларни оталиққа олиш, уларга ёрдам бериш, уларнинг ота-оналарини кенгаш йигилишларида муҳокама қилиш; ҳар бир хонадондаги ўқишдан четда қолган, ўқимай, ишламай юрган, балогат ёшига етган болаларни ҳисобга олиш, уларга нисбатан зарур чоралар кўриш; ибратли оилаларнинг бола тарбиясида қўлга киритган ютуқларини ўрганиш, оммалаштириш, рағбатлантиришдан иборат. Мазкур кенгашлар ишининг шакли қуйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир:

— мактаб маъмурияти билан ота-оналар мажлисларини уюштириш, таълим-тарбия жараёнига оид муҳим масалаларни муҳокамага олиб чиқиш, уларнинг ечимларини топиш ва амалга оширишда фаол қатнашиш;

— маҳаллада ҳуқуқий тарбияга эътиборни кучайтириш ва қонунларга онгли муносабатни сингдириб бориш, суд, прокуратура ходимлари билан учрашувлар, очиқ судлар ўтказиш;

— суд, прокуратура, адлия ва милиция ходимлари билан маҳалла кўчаларида, жамоат жойларида рейдлар, чойхоналарда суҳбат, мунозаралар, қонунлар ҳақида давра суҳбатлари ўтказиб туриш, маҳаллада тарбияси огир бўлган болалар, уларнинг оилалари билан ишлаш;

— ҳомийлар ва маҳалла аҳолисининг ёрдамида “Меҳрибонлик” фондини ташкил этиб, муҳтож оилалар, ногиронлар, қариялар аҳволидан хабар олиш ва уй-рузгор ишларини бажаришда ёрдам беришга мактаб ўқувчиларини жалб этиш;

— одобли-ахлоқли болаларнинг ота-оналарини рағбатлантириш, уларнинг тажрибасини оммалаштириш, “Ота-онангга раҳмат”, “Устозингга раҳмат”, “Одобингга балли” учрашувларини ташкил этиш;

— маҳаллаларда қизлар ҳаёси, ибоси, турмушга, ҳаётга тайёргарлиги ҳақида баҳс, мунозаралар, кўрик-танловлар ўтказиш;

— меҳнат қаҳрамонларини таклиф қилиб, улар иштирокида мусобақаларни аввал маҳаллада, сўнг туманда, шаҳарда (истироҳат боғларида, маданият уйларида) ўтказиш ва голибларни рағбатлантириш.

Ҳамма мактаблар, билим юртлари, болалар ва ўсмирлар ижодиёт марказлари, мактабгача тарбия муассасалари, тегишли ташкилотлар маҳалла йигинлари фаоллари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Тарбиявий ишларнинг асосий мезонлари: меросларимиз, Конституциямиз мазмуни, қонунчилик, маданий, исломий, умуминсоний, байналмилалчилик гоялари узвий боғлиқ ҳолда қўлланмоқда. Ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ўртасида ватанпарварлик, эркинлик, миллий ифтихор, меҳнатсеварлик, имон-эътиқод, ҳалоллик, одиллик, поклик, биродарлик, билимлилик, онглилик, тараққийпарварлик, ҳурфикрлилик, байналмилалчилик ҳақида суҳбатлар, очиқ эшиклар кунлари, мулоқот кечалари Со-

бир Раҳимов туманидаги 249, 243, 185-мактаблар, Юнусобод туманидаги 260, 273, 274-мактаблар, Мирзо Улугбек туманидаги 112, 223, 286-мактаблар, Ҳамза туманидаги 67, 77, 282-мактаблар, Яқкасарой туманидаги 72, 73, 144-мактаблар, Шайхонтоҳур туманидаги 41, 59, 254-мактаблар, Бектемир туманидаги 290-мактаб, болалар ва ўсмирлар ижодиёт марказида, Сирғали туманидаги 6, 237, 301-мактабларда мунтазам ўтказилмоқда. Бу тадбирлар самарали бўлмоқда.

“Маҳалла — мактаб — оила ҳамкорлиги” дастури тарбия масканлари ва маҳаллалар ўртасида ўзаро алоқани мустақкамлашга ва сиёсий, маънавий-тарбиявий ишларни, ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга оширишда катта ёрдам бермоқда. Обрули оилалардаги тарбияни кенг тарғиб қилишда “Бўстон” маҳалласи эътиборга лойиқ иш қилмоқда. Маҳалладаги Абдусамат ота ва Холида аяларнинг ўн нафар фарзанд ва 27 нафар набирани тарбиялаш, вояга етказиш борасидаги тажрибаларини ёйиш каби намунали ишларни алоҳида эслатиб ўтиш лозим. Бу ерда тарбиянинг янги услуб ва шаклларида кенг фойдаланилмоқда, яъни оталар ва оналар учун алоҳида суҳбатлар, кечалар, очиқ мулоқотлар, савол-жавоблар олиб борилмоқда. Дастурда таъкидланганидек, болаларнинг бўш вақтларидан тўғри фойдаланишлари учун уларга тегишли шарт-шароит яратиш, ҳуқуқий бурч ва жавобгарлигини тўғри ҳис этишларига эришиш, тарбияси қийин болаларни алоҳида ҳисобга олиш, улар билан иш олиб бориш, уларни касб-корга ўргатиш, ишга жойлаштиришга, гиёҳвандликка қарши курашишга кенг ўрин берилмоқда.

Бундан ташқари, “Маҳалла” дастурида соғлом турмуш тарзи, ҳомийлик қилиш ва оталиққа олиш, қонунбузарликка мойиллиги бор ёшлар ўртасида тарбиявий ишлар олиб бориш, ҳеч қаерда ўқимай-

диган ва ишламайдиган болаларни ҳисобга олиш, машгулотларга кеч келувчи, дарс қолдирувчи, ота-онаси томонидан қаровсиз ва назоратсиз болалар билан махсус ишлар олиб бориш масаласига кенг эътибор қаратилмоқда. Моддий ва маънавий ёрдамга муҳтож бўлган ёшларга ҳар томонлама ёрдам бериш, уларни ишга ва ўқишга жойлаштириш ишлари ўқитувчи, тарбиячилар, ота-оналар, кенг жамоатчилик, маҳаллалар фаоллари ҳамкорлигида кенг кўламда олиб борилмоқда.

“Маҳалла” дастурига асосан Шайхонтоҳур туманида “Маҳалла” жамғармаси, туман халқ таълими бўлими, прокуратура, ички ишлар бўлими ва туман ҳокимлиги ҳамкорлигида маҳалла йиғинлари ва мактабларда иш олиб бориш тадбирлари ишлаб чиқилган. Туман мактабларида прокуратура, ички ишлар бўлими, адлия ходимлари билан ўқувчилар ўртасида мунтазам равишда учрашувлар ўтказиб келинмоқда. Бундай учрашувларга наркологлр ва бошқа шифокорлар ҳам таклиф этилмоқда. Бу тадбирлар ўсмир ёшлар ўртасида содир этилаётган жиноят ва гиёҳвандликка қарши курашда ўз самарасини бераяпти. Маҳаллаларнинг оқсоқоллари билан олиб борилаётган “Оилада бола тарбиясида отанинг роли”, “Оилада бола тарбиясида онанинг роли”, “Бола бошидан, ўғлон ёшидан”, “Бир болага етти маҳалла ота-она” мавзуларида алоҳида суҳбатлар ўтказилмоқда. Ўсмирлар ўртасида эса “Ахлоқ ва қонун”, “Ҳамтовоқлар”, “Ё жон, ё ҳамён”, “Бир шапалоқ уринг эди, онажон” мавзуларида суҳбатлар ташкил этилди. Ички ишлар бўлимлари ҳисобида турадиган ёки бирорта жиноят қилган боланинг ота-онаси маҳаллага чақирилиб, фарзандининг хулқ-атвори муҳокама қилинади. Мактабларда ва маҳаллаларда ҳунармандчилик тўғарақларига кенг урин берилмоқда. Буларнинг барчаси ўсмирлар ўртасида содир этилаётган жиноятларнинг олдини олишга қаратилди.

Ибн Сино мавзесидаги мактабларда маҳалла билан биргаликда бир неча бор тарбиявий ишлар ўтказилди. Бу билим масканлари кўп қаватли уйлар орасида жойлашган бўлиб, ҳар бир хонадонга маҳалла фаоллари ва мактаб педагоглар жамоаси бириктирилиб қўйилган. Ички ишлар бўлими билан бирга “Кўча” деб номланган тадбирнинг биринчи ва иккинчи босқичи ўтказилди. “Гулобод” ва “Сархумдон” маҳалласи ҳудудидаги 38-мактабда “Ўсмир ёшларни тарбиялашда мактаб, оила, маҳалла ва жамоатчилик ҳамкорлиги” мавзусида амалий машғулот ўтказилди.

Хўжаобод шаҳрининг Гулистон маҳалласида “Маънавият ва маърифат маркази” ташкил этилган. Аҳоли шу марказ туфайли мустақил мамлакатимизда юз бераётган барча янгиликлардан, айниқса, Президентимизнинг фармонларидан, ҳукуматимиз қарорларидан вақтида хабардор бўлади, маҳалла ҳаётига, ундаги ҳар бир кўча, хонадон, керак бўлса ҳар бир фуқаро ҳаётига оид масала, муаммоларни биргалашиб, бамаслаҳат ҳал қилади.

Гулистон маҳалласи, ундаги 24-ўрта умумий таълим мактаби, кўп сонли оилалар ўртасида “Маҳалла, мактаб ва оила ҳамкорлиги” шиори намунали тарзда ўзининг амалий ифодасини топган деб бемалол айтиш мумкин.

Маҳаллаларда олиб борилаётган тарбиявий ишлардаги ижобий натижалар билан бир қаторда ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар ҳам етарли. Хусусан, бизни ташвишга солаётган нарса — бу ёшларимиз билан маҳалла фуқаролар йиғини, унинг катта-кичик мутасаддилари узвий алоқа боғлай олмаётганлигидир. Маҳаллада муҳокама қилинаётган ҳар бир масала асосан катта ёшдагилар иштирокида бўлади. Ҳатто ёшларнинг ўзига оид масалалар ҳам ана шундай иштирокчилар билан муҳокама этилади. Аммо ҳаётимиз воқеалари тафсилоти шуни кўрсатадики,

ёшларимизнинг ўзи ҳали зичроқ ва мақсадга мувофиқ тарзда бирикишмаган. Тан олиш керакки, собиқ шўроларнинг ёшлар билан ишлаш усулидан воз кечганимиздан сўнг уларни шу тарбия “маҳсули” бўлган боқимлик таъсиридан батамом халос эта олганимизча йўқ. Иқтисодий муаммолар ортидан эргашган ёшларимизни маданий-маърифий йўналишга солиш қийин кечмоқда. Тўғриси, бозор ўртасида микрофон қўйиб ёшларимизга маданият ҳақида маъруза қилолмаймиз. Бозор иқтисодиётининг эса ўз қоидалари, муносабат услублари шаклланганки, улар ватан, халқ, мустақиллик, келажакка интилиш, маърифий камолот каби муқаддас туйғулардан узоқлашиб қўйиши ҳам мумкин.

Ҳуқуқ соҳаси гоёат кенг қамровли ва кўп тармоқли бўлиб, давлатни, унинг бутун ҳужалик механизмини ва барча жамият аъзоларининг ҳаётий фаолиятини тартибга солиб туришнинг асосий вочитасидир.

Ўзини ўзи бошқариш идораларининг, маҳалла йиғинларининг самарали фаолияти ҳам кўп жиҳатдан оқсоқолларнинг, маслаҳатчиларнинг ўз ҳуқуқларини нечоғли яхши билишларига боглиқ. Зеро, ҳуқуқ тизимининг ҳар бир тармоғи маълум бир соҳани тартибга солади.

Биз тарғибот-ташвиқот ишлари билан маҳалла аҳлининг дунёқарашига таъсиримизни ўтказа олсак, яъни уларга ватанпарварлик туйғусини, миллий истиқлол мафқурасини сингдира олсак, давлатимиз пойдевори шунча мустаҳкам бўлади.

Муҳтарам юртбошимиз Ислон Каримов таъкидлаганларидек, бағри кенглик, ўзаро меҳр-оқибат сингари ноёб фазилатлар айнан маҳалла муҳитида камол топади. Шу маънода маҳаллани ўзини ўзи бошқариш мактаби, таъбир жоиз бўлса, демократия дарсхонаси деб аташ жуда маъқулдир.

Шу ўринда масаланинг яна бир томони — умуминсоний қадриятлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Бизнинг миллий хусусиятларимиз умуминсоний қадриятлар билан боғланиб кетган. Асрлар давомида халқимиз умумбашарий, умуминсоний қадриятлар такомилга улкан ҳисса қўшиб келди. Турли миллат вакилларига ҳурмат, улар билан баҳамжиҳат яшаш, диний багрикенглик, дунёвий билимларга интилиш, ўзга халқларнинг илгор тажрибалари ва маданиятини ўрганиш каби хусусиятлар ҳам халқимизда азалдан мавжуд. Шу билан бирга, миллий табиатимизга хос бўлган меҳр-оқибат, мурувват, андиша, ор-номус, шарму ҳаё, ибо-иффат каби бетакрор фазилатлар ва халқимизни кўп жиҳатдан ҳусни хулқда ажратиб турадиган багрикенглик, меҳмондўстлик, оқкўнгиллилик хусусиятлари ҳақида ҳам узоқ гапириш мумкин.

Ўзини ўзи бошқариш органлари миллий модели бўлган маҳалла халқимизнинг азалий удумлари, урф-одатлари ва анъаналарига таянган ҳолда, улкан тарбиявий вазифани бажаради. Кексаларнинг панд-насиҳати, катталарнинг шахсий ибрати, жамоанинг ҳамжиҳатлиги мисолида кишилар онгига эзгулик гоёлари сингдириб борилади.

Маҳалла — аввало, соғлом ижтимоий муҳит масканидир. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла аҳлининг хулқ-атвори, ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради.

Маҳаллада кенг жамоатчилик ўртасида мафкуравий ишларни самарали йўлга қўйиш учун катта имкониятлар мавжуд. Айниқса, миллий қадриятлар, меҳр-оқибат, эл-юрт шаъни учун кураш каби фазилатларни камол топтиришда маҳалланинг ўрни беқиёс.

Ёшлар, умуман барча фуқароларимиз орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва мазкур йўналиш-

да тегишли амалий шароитлар яратиш бугунги кунда энг долзарб масала булиб турганини инobatга олиб, мамлакатимиздаги ҳар бир маҳаллада спортнинг энг оммавий турларини (футбол, баскетбол, кураш, волейбол, стол тенниси, катта теннис, шахмат, шашка) ўз ичига олган спорт мажмуаларини барпо этиш ҳамда бу эзгу мақсад йўлида давлат ва нодавлат ташкилотларини, айниқса ёшларнинг ўзини сафарбар этиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун республика Оқсоқоллар кенгашининг ташаббуси билан “Ҳар маҳаллага бир спорт мажмуи” ҳаракатини ташкил этиш, жамоатчилик фикрини уйғотиш лозим.

Ушбу гоани амалга ошириш учун барча шароитлар етарли. Зеро, ҳар бир ёки икки маҳалла ҳудудида бир мактаб ва унинг спорт майдонлари бор. Бундан ташқари ҳар бир маҳалла (квартал, қишлоқ) ҳудудида тахминан 2500 кв.м (футбол майдони учун 1800 кв.м. баскетбол, волейбол, теннис учун 200 кв.м., стол тенниси, шахмат-шашка учун 100 кв.м) майдонни топса бўлади. Фақат бунга астойдил бел боглаб киришиш лозим.

Тошкент шаҳрида бошлаб берилган “Ҳар маҳаллага бир спорт мажмуи” ҳаракати, биринчидан, ёшлар орасида мавжуд бўлган кўплаб муаммоларни (касалликлар, гиёҳвандлик, жиноятчилик, ҳар хил оқимларга эргашиш, бекорчилик ва ҳоказо) бартараф этишга, иккинчидан, фуқароларимиз, айниқса, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга, учинчидан, маҳалланинг обод бўлишига, пировардида соғлом авлодни тарбиялашга хизмат қилади. Ҳозирги кунда Тошкент шаҳар маҳаллаларида қўшимча 100 дан ортиқ футбол майдонлари ҳашар усулида барпо этилди. Маҳаллаларда бу ҳаракат давом этмоқда.

Ҳар бир хайрли ташаббус қўллаб-қувватланса, охирига етказилса, албатта келажакда ўзининг тотли мевасини беради. Хусусан, юртбошимиз Ислom

Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясидаги маърузаларида юртимиз спортини янада кўтариш, ўзбек футболу, хусусан, “Пахтакор” жамоасининг аввалги шон-шўхратини тиклаш тўғрисида куйиниб тўхталиб ўтганларидан сўнг Тошкент шаҳрида ўсмирлар ўртасида бошланган “Биз — “Пахтакор” келажакимиз” футбол мусобақалари республикамизнинг барча вилоятларида кенг қўллаб-қувватланди. Натижада Ўзбекистон Республикаси Оқсоқоллар кенгаши, “Маҳалла” жамгармаси кубоги учун республика Футбол федерацияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, “Ўзтелерадиокомпанияси”нинг “Ёшлар” канали мададида уч ойлик ёзги таътил давомида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоят, шаҳар туманларидаги маҳаллаларда 14 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида футбол командалари тузилиб, биринчи, иккинчи ва учинчи босқич мусобақалари қизгин давом этди. Рақамларга назар ташлайдиган бўлсак, ўлкамизнинг 210 та шаҳар ва туманида жами 6673 та футбол жамоаси тузилиб, “Футболимиз келажак” республика миқёсидаги кубок баҳсларида 100 мингдан ортиқ ўсмир куч синади. Айниқса Бухоро, Фарғона, Қарши ва Тошкент шаҳарларида вилоятларнинг энг кучли жамоалар иштирокида ўтказилган учинчи босқич мусобақалари ўзининг қизиқарли, мурасасиз курашларга бой эканлиги билан алоҳида ажралиб турди. Ушбу тўртта гуруҳда барча рақиблари устидан галаба қозонган Бухоро шаҳри Файзулла Хўжаев тумани Жубор маҳалласининг “Ёш куч”, Фарғона шаҳридаги Оқариқ маҳалласининг “Нафосат”, Қашқадарё вилояти, Косон тумани Пахтазор маҳалласининг “Пахтазор” ва Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги Оқмачит маҳалласининг “Оқмачит” командалари ярим финалга йўлланма олди.

Мусобақа бошланишидан олдин у куплаб ёш иқтидорларни кашф этишига умид билдиргандик. Эндиликда ўзимиз бунинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Тошкент шаҳри, барча вилоятлар жамоаларининг истеъдодли ўйинчиларини махсус футбол мактабларига жалб этиш ишлари ҳам тез фурсатда амалга оширилади.

Қувонарли томони шундаки, Ўзбекистон телевидениесининг “Ёшлар” канали маҳаллалараро футбол мусобақаларини тўла-тўқис ёритишга ҳаракат қилди. Энг муҳими, болалар футболини ривожлантиришда маҳалла оқсоқолларининг тутган ўрни ҳам тўғри белгиланиб, уларга ҳам фахрий равишда олтин ва кумуш нишонлари, дипломлар топширилди.

Ўйинлар болаларимиз юрагига футбол орқали йўл топиб, уларни ҳар томонлама чиниқтиришга хизмат қилди. Уларда қатнашган болаларнинг келажакда эл-юртга фидойи, ватанпарвар, соғлом инсонлар бўлиб етишиб чиқишига шубҳа йўқ.

2001 йилда ушбу ўйинлар 9-12, 13-14 ва 15-16 ёшдаги болалар жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Унда 970 минг маҳалла болалари қатнашди.

Маъқул томони шундаки, Ўзбекистон футбол келажagini белгиловчи омиллардан ҳисобланган ушбу мусобақалар тобора оммавий тус олиб бормоқда.

Маҳалланинг ободлиги, озодалиги — маҳалла аҳлининг дид-фаросати, юксак маданияти кўзгусидир.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ Наврўз байрами муносабати билан мамлакатимизда ҳар йили “Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги” ўтказилади. Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва “Маҳалла” жамғармаси республика бошқаруви “Озод ватанга обод маҳалла” шиори остида кўрик-танлов ўтказди.

Голибларга Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва “Маҳалла” жамғармасининг Фахрий ёрлиғи ва қимматбаҳо совгалари тақдим этилди. Мазкур кўриктанловда Фаргона вилоятида (972 маҳалла) 159 минг туп мевали дарахт, 229 минг туп тут кўчати экилди. Андижонда (964 маҳалла) 2 млн дан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Вилоятда “Ҳар маҳаллага бир спорт мажмуаси” ҳаракати давом эттирилиб, спорт майдонлари етарли бўлмаган қишлоқлар учун янги оддий спорт майдончалари қурилди. Сурхондарё вилоятида (738 маҳалла) “Энг намунали кўча”, “Энг намунали хонадон”, “Энг обод маҳалла” кўрик-танловлари ўтказилди. Тошкент вилоятида кўрик-танлов шартлари ишлаб-чиқилди ва у ҳоким қарори билан тасдиқланди. Жиззах вилоятида (250 та маҳалла) 2 млн дан ортиқ мевали, 3 млн га яқин манзарали кўчат экилди. 575 км ариқ ва зовурлар тозаланди, 122 та қабристон ободонлаштирилди. 2 млн дан ортиқ фуқаро умумхалқ ҳашарида қатнашди.

Яхши ният билан бошланган бу ишлар барча вилоятларда ҳар йили олиб борилади. Қашқадарё вилоятида “Тозалик ва кўкаламзорлаштириш”, “ҳашар” кунларини ўтказишда ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари ва барча маҳалла аҳлининг кенг иштироки таъминланди. Қарши шаҳридаги Хушаёл маҳалласи айниқса бу борада фаоллик кўрсатди. Маҳалла ҳудудида жойлашган ташкилот ва корхона раҳбарлари ҳам ушбу ишга ўз ҳиссаларини қўшдилар. Умуман, Қашқадарё вилояти бўйича “Тозалик ва кўкаламзорлаштириш ойлиги”да 900 минг киши қатнашди. Наманган вилоятида ҳам ҳашар кунлари ниҳоятда самарали ўтди. Чортоқ туманида шу ойлик давомида Зафар Диёр ва Тошлоқ маҳаллаларида янги фуқаролар йиғини бинолари ҳамда маҳалла гузари ишга туш-

ди, қишлоқ врачлик пункти ишга туширилиб, ушбу маскан атрофи маҳалла фуқароларининг ўз кучлари билан ободонлаштирилди.

Тошкент шаҳрида 2001 йилда Наврўз байрамига бағишлаб ўтказилган ободонлаштириш ойлигида бир млн га яқин фуқаро қатнашди.

Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва “Маҳалла” хайрия жамгармаси бўлими ҳам бу хайрли ишга ўз улушини қўшиш мақсадида тозалаш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини ўтказиш бўйича махсус тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Унга кўра, энг аввало байрам тадбирлари ўтказиладиган ҳудудлар ва майдонларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

Маҳаллалардаги оилалар, кўчалар, кўп қаватли уйлар ўртасида озодалик, санитария, тозалаш ва кўкаламзорлаштириш юзасидан “Маҳалла” жамгармасининг соврини учун кўрик-танлов ўтказилди. Кўрик-танлов Тошкент шаҳар ҳокимининг Тошкент шаҳрида “Маҳалла куни” тадбирини ўтказиш тўғрисидаги қарорида эълон қилинган низом асосида “Намунали маҳалла” номинацияси остида ўтказилди. Унга асосан, кўрик-танлов голибига 100000 сўм, иккинчи ўрин учун 60000 сўм, учинчи ўрин соҳибига 30000 сўм, битта рағбатлантириш соврини эгасига эса 10000 сўм мукофот берилди.

Маҳалла йигинлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири инсон ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган турли маърака, маросимларга бош-қош бўлишдир.

Туй-қашамлар, оилавий тантаналарни, марҳумлар хотирасига бағишланган маросимларни меъёрида, ихчам, исрофгарчиликсиз ўтказишга қаратилган Президент Фармони бу борада алоҳида эътиборга лойиқдир. Фармонда кўпчилик халқ гамини еб, ҳаётимизда учраб тураётган шухратпарастлик, даб-

дабабозлик, эл-юрт одатлари ва анъаналарини менсимаслик, ўзини кўз-кўз қилиш, атрофида яшаётган одамларнинг ҳол-аҳволини инобатга олмаслик каби эскилик сарқитларига чек қўйиш зарурлиги таъкидланди. Бироқ уни амалга ошириш юзасидан қониқарли иш олиб борилмаётир, истиқомат жойларида соглом муҳит бузилишига сабаб бўладиган, оддий одамларнинг нафсониятларига тегадиган, уларнинг адолатга, соглом турмуш тарзига, умуман давлат ҳокимиятига бўлган ишончига зиён етказадиган салбий хатти-ҳаракатларга чек қўйиш учун мутасадди идоралар, айниқса маҳалла оқсоқоллари етарли чора-тадбирлар кўрмаётир?!

Баъзан бу хунук одатларни, Фармонда жуда ўринли таъкидланганидек "... давлат хизматидаги баъзи ўзини йўқотган, лавозимини суиистеъмом қилаётган раҳбарлар, оёғи ердан узилган, ман-манликка берилиб кетган ҳавойи мансабдорлар" қилмоқда.

Тўғри, халқимизнинг, муқаддас Ислом динимизнинг азалий эзгуликка дахлдор одатлари кўп. Айтайлик, хайр-аҳсон, меҳр-мурувват кўрсатиш, муҳтожларга, бева-бечораларга ёрдам бериш, турар жойларини обод қилиш, йўллар, кўприклар қуриш, чирогини ёқиш, етим-есирларнинг тўйини қилиб бериш, қабристонларнинг атрофини ўраш, хашарлар уюштириш каби олижаноб, савобли саъй-ҳаракатлар, обрўга-обрў қўшадиган, ҳаётда из қолдирадиган ишларимиз етарли.

Мазкур Фармоннинг ижросини таъминлаш борасида "Маҳалла" жамғармасининг масъуллиги ва жавобгарлиги қанчалик катта эканлигини тўла ҳис этган ҳолда, тегишли қарор қабул қилинди. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида жамгарма бошқаруви ҳузурида тўй ва бошқа маросимларни ташкил қилиш ва ўтказиш ишларини мувофиқлаштириш юзасидан иш олиб борувчи республика ишчи гуруҳи тузилди.

Бундай ишчи гуруҳлари жамғарманинг қўйи бўлим ва бўлинмалари ҳузурида ҳам ташкил этилди. Маҳалла, овул, ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳузурида ҳам тўй, маросим ва бошқа тадбирларни ўтказиш ишлари билан бевосита шуғулланувчи маслаҳат кенгашлари (комиссиялар) ташкил этилди. Ҳозир улар узлуксиз фаолият кўрсатиб келмоқда.

Фармоннинг руҳи шуни кўрсатдики, янгича анъаналарни ҳаётга буйруқ, кўрсатма бериш йўли билан жорий этиб бўлмади. Янгича анъаналар ижтимоий вазият, ҳаёт тақозоси билан юзага келади. Ушбу Фармон бу борада изланишга, тўй, маросим ва маъракаларни ўтказишда эшик қоқиб турган, бутунги кун мазмунига мос келадиган янгича анъаналарни турмушга жорий этишга даъват этади. Бундай анъаналар халқимиз кундалик ҳаётидан ўрин олиб бормоқда ҳам. Жумладан “Маҳалла” жамғармаси бошқаруви томонидан “Тўй либослари”, “Саришта ва нокиза хонадон” каби республика кўрик-танловлари эълон қилинди.

“Тўй либослари” кўрик-танлови умумхалқ Наврўз байрами арафасида ниҳоясига етиб, мукофотга сазовор бўлган либослар нусхалари байрам кунлари намойиш этилди. Шунингдек, Тошкентдаги республика Модалар уйида шаҳар “Маҳалла” жамғармаси ва хотин-қизлар кенгаши ташаббуси билан “Тўй маросимлари кийимларининг” кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда пойтахтдаги ўн битта тумандан 12 та модел иштирок этди. 350 томошабин ва туман маҳалла бўлими раҳбарлари иштирок этишди.

Танловда 30 дан ортиқ бичимдаги келин-куёвлар кийимлари намойиш этилди. Энг аввало шуни айтиш керакки, кийимлар ўзининг бежиримлиги бир-бирини такрорламаслиги, ўзига хослиги, юқори маҳорат билан бичилганлиги билан томошабинларнинг диққатини тортди. Намойиш этилган кийимларда қадимий ўзбек тўй кийимлари анъаналари би-

лан энг замонавий бичимларнинг уйғунлаштирилганлиги, ўтмиш билан бугун ўз ифодасини топганлиги, уларда миллий ўзига хослигимиз барқ уриб турганлиги кўпчиликда таасурот қолдирди.

Мукофотларга сазовор деб топилган тўй либосларини ҳаётга жорий этиш мақсадида мунтазам равишда кўрғазмалар ташкил қилинди ва Тошкент шаҳар “Гулнора она” оила марказида тўй либослари арзон нарҳда тикилиши, кам таъминланган кўп болали оилаларнинг фарзандлари ушбу либослар билан биринчи навбатда таъминланиши белгилаб қўйилди.

Мисол тариқасида суннат тўйлари ўтказишдаги янгича анъаналардан бири ҳақида сўз юритмоқчимиз. Тошкент шаҳар ҳамда Шайхонтоҳур тумани ҳокимиятлари, республика “Маҳалла” жамғармаси бўлими, маҳалла фуқаролар йиғини кенгаши (райси Расул Раҳмонов) ташаббуси ва бош-қошлигида 2000 йилда Қоратош маҳалласида ана шундай тўй ўтказилди. Шу куни тумандаги ўз фарзандлари учун суннат тўйи қилишга қурби етмаётган оилалар аниқланиб, уларнинг 50 нафар фарзанди учун тўй ўтказиб берилди.

Тўйболалар ўзларига ярашган либосларда даврани безаб ўтиришди. Уларга шаҳар ҳокимлиги, туман ҳокимлигининг совгалари улашилди. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ҳар бир болага аталган пул маблағи қайд этилган омонат дафтарчалари топширилди. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган туркиялик тадбиркорлар ҳам тўйболаларни табриклашди. “Маҳалла” жамғармасининг совгалари ҳам болаларни хушнуд этди.

Хуллас, тўй тўйдек бўлди. Туманнинг 48 оиласи, унинг 50 нафар фарзанди бу кунни ўзларига кўрсатилган илтифот сифатида эслаб юрадиган бўлишди.

Гап тўй, маросимлар қаерда ўтаётганлиги ҳақида эмас, уларни тартибга келтириш тўғрисида бораяп-

ти. Бу борадаги тажрибалар шундан далолат берадики, кафе, ресторанларда ўтказилаётган тўй, маърака, маросимлар ҳали қатъий бир тартибга келтирилган эмас. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари тўй, маърака ва маросимлар қаерда ўтказилишидан қатъи назар, уларнинг ўтишини жиддий назорат қилиб беришлари керак бўлади.

Умуман бизда шундай кайфият бор: яъни бирон-бир Фармон ёки ҳукумат қарори чиқса, дастлабки кезлари уларнинг ижросига жуда тез киришиб кетамиз. Лекин орадан маълум вақт ўтгач, иш суръати сустлашади. Худди шу ҳолат мазкур Фармоннинг ижросида ҳам сезилмоқда. Узоққа бормасдан, пойтахтимизга бир назар ташлаб кўрайлик. Шаҳримизда ҳамон кафе, ресторанларда дабдабали тўйлар ўтказилмоқда. Ёшлар 10-20 талаб “Лимузин”лар, “Мерседес”ларда ЗАГС идораларига никоҳдан ўтишга боришмоқда. Устига-устак бу тадбирлар тасвирга олиниб, кўз-кўз қилинмоқда. Шаҳримизда “сабзи тўғрар”лар баъзан тўйлардан-да тантаналироқ ўтмоқда.

Ҳақиқат, адолат, баркамоллик, руҳий поклик — қалб саломатлигининг меваси. Асл зоти тоза, илмга амал қилган, уққан, ҳалол меҳнат қилиб ризқу рўз топган, уйлаб иш, кенгашиб тўй қиладиган одамга ҳеч кимса монёъ эмас. Ўз нафсини тарбиялаб софликка етишган киши фақат нажот топади. Қалби ҳузурда, уйқуси тинч, оғирликларни сезмай яшайди.

Шундай шароитда биринчи навбатда ҳаммага баробар ҳисобланган маҳалла райси бошлиқ тўй ва маросимлар кенгаши аъзолари умумий қондаларга оғишмай амал қилишни қатъий талаб этишлари жоиз.

Қизил империя тузумида, ўтганларнинг хотирасига бағишланган маъракаларни, ота-боболаримиздан қолган расм-русумларни, муқаддас анъаналаримизни кўнгилдагидек ўтказа олмасдик. Дахрий-

лик сиёсати, динга қарши очилган беаёв кураш ҳамма нарсани кемтик қилиб қўйган эди. Конституциямиз, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун доимий эътиқодга эмин-эркин амал қилиш ихтиёрини берган даврда, нега унга амал қилмаймиз? Маъракаларни ўтакетган даражада дабдабали ўтказамиз. Динимизнинг муқаддас китоби Ҳадиснинг ўзи айтиб турибди: “Кимки бошига мусибат тушган одамдан ҳол сўраб таъзия билдирса, уша мусибатли одамга бериладиган савоб миқдоридаги савобга эга бўлади”. Ахир, айтилмаяпти-ку қозон-қозон ош дамланса, оқ дастурхон ёзиб, стол сингудек қилиб ясашиб, таниш-нотаниш одамларни ялнисига “хат ёзиб” таклиф этиб... савобга дохил бўлинади, деб. Бу ҳақда Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг меъёрий Фатвоси ҳам мавжуд.

Энди амалиёт муаммоларига келсак. Ҳаётимизда, жойларда янги, намунали ечимлар ҳам кўп. Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги “Бўстон” маҳалласининг раиси, фахрий педагог Абдусамад Отаметов, Собир Раҳимов туманидаги “Чимбой” маҳалласининг раиси, ёш олим Мирсолиҳ Даминов қилган ишлар эътиборга сазовордир. Абдусамад Отаметов тўй қилиш ниятида маҳаллага маслаҳатга чиққан фуқаро Б.Умрзоқов ҳамда А.Баҳромов ва бошқа маҳалладошлари билан маслаҳатлашиб, келишиб, уларни тўй харажатларини қисқартириш, тўйни ихчам, аммо кўнгилли, ёдда қоладиган қилиб ўтказиш ҳисобидан кўчаларни асфалтлаштириб беришга кўндирди. Натижада маҳалладаги Ориф Отажонов, Т.Меҳмонов, ал-Хоразмий номидаги салкам икки километрлик кўчаларга асфалт ётқизилди. Тўйчилар ҳам, маҳалла аҳли ҳам хурсанд. Ақл ёшда эмас, бошда деганларидек, Мирсолиҳ Даминов маҳаллага раис бўлгач, бошқарувнинг янги тизимларини жорий этиб, маҳалла ҳисобига анча маблағ

туширди. Шу маблағ ҳисобидан кам даромадли оилаларнинг уй-жойи таъмирланди, кўчалар ободонлаштирилди.

Бироқ, тўйларни, ўтганлар хотирасига бағишланган маъракаларни дабдабали равишда ўтказиш ҳоллари ҳам давом этмоқдаки, булар ота-боболаримиздан қолган миллий расм-русумларимизга путур етказиб, муқаддас анъаналаримизни обрўсизлантиради, албатта... Тўйлар, маъракаларнинг носоглом мусобақага айланиб кетиш ҳоллари дабдабали тўй-қашамлар ўтказишга қурби етмаган ор-номусли юртдошларимизни огир аҳволга солиб қўяди.

Айниқса, энг ачинарли томони шуки, бундай сохта хўжакўрсин одатлар ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатади, кенг жамоатчиликнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлади. Бунинг ўрнига эҳтиёждан ортиқ маблағни халқимизнинг азалий одатларига амал қилиб, хайр-эҳсон, меҳр-мурувват кўрсатишга, муҳтожларга, бева-бечораларга ёрдам беришга, турар-жойларни обод қилиш, йўллар, кўприклар қуришга, ишлаб чиқаришга сарфлаш эл-юрт олдида ҳақиқий обрў келтирадиган энг тўғри йўл бўлур эди.

Юқоридагиларни назарда тутиб, Республика “Маҳалла” хайрия жамгармасига:

а) Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, маҳаллий ҳокимликлар, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда халқимиз табиатига ёт бўлган дабдабозлик, ким ўзарга тўйлар қилиш ва шу каби ҳолларга чек қўйиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш тавсия этилди;

б) Муқаддас динимиз, қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримизнинг ҳақиқий моҳиятини ҳаётий, таъсирчан мисоллар ёрдамида кенг халқ оммасига мунтазам етказишни қатъий йўлга қўйиш уқтирилди;

в) жамоатчилик кенгашлари билан ҳамкорликда замон талабларига мос, халқимизнинг қарашларига мувофиқ келадиган янги, намунавий анъаналарни ташкил қилиш ва жорий этиш вазифалари топширилди.

Президент Фармони юртимиз аҳолисининг барча қатламларида чин дилдан маъқуллаб кутиб олинди. Бир гуруҳ маҳалла фаоллари ташаббуси билан Ўзбекистон халқига мурожаатнома қабул қилинди. Унда шундай сўзлар бор: “Таассуфки, айни вақтда баъзан эзгулик, ҳимоя йўлида зафарли одимларимизни, саъй-ҳаракатларимизни, илдам ривожланиб, тараққий этиб бораётган Ўзбекистонимизни, адолатли, ўзига хос, оқилона ташқи ва ички сиёсатимизнинг туб инсонпарварлик моҳиятини чуқур англаб, қадр-қимматига етолмаётган ёки уни кўролмаётган, атайлаб уни сусайтирмоқчи бўлаётган, бегоналарнинг ҳаром луқмасига илиниб, зарарли ишларга қўл ураётган, ўзини йўқотган, оёғи ердан узилган кимсалар ҳам учраб қолмоқда”.

Улар ўзларининг номақбул ҳаракатлари билан маҳаллаларда, истиқомат жойларда яхши муҳитнинг бузилишига сабабчи бўлмоқдалар, оддий одамларнинг нафсониятига тегмоқдалар, уларнинг адолатга, умуман давлат ҳокимиятига ишончига зиён етказмоқдалар. Энг хунуги — ўтганларнинг хотирасига бағишланган маъракаларни ўтакетган дабдабали равишда ўтказиб, ота-боболаримиздан қолган миллий расм-русумларга путур етказмоқдалар, муқаддас анъаналаримизнинг обрўсизланишига сабабчи бўлмоқдалар.

Шу боис ҳаммамиз, умримизнинг кўп қисми ўтадиган маҳаллаларда ҳозирги кунда ҳар қачонгидан ҳушёр турмоғимиз, истиқлолни мустаҳкамлаш, унга гард юқтирмаслик йўлида қўлимиздан келганча ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз даркор.

Нафсга берилиб, исрофгарчиликка йўл қўяётган, мол-дунё орттириш учун амал кетидан қувишни ўзига касб қилиб олган, ҳақ йўлдан озганларга қарши мурасасиз бўлмоғимиз, халқ ва миллат манфаатини қаттиқ туриб ҳимоя қилмоғимиз зарур. Ҳар бир маҳаллада она юртимиз манфаатлари йўлида халқ ва миллат эҳтиёжи учун қайишиш, тартиббузарларнинг режаларига қарши қалқон бўлиб туриш виждоний бурчимиздир. Фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатларини устувор тутган ҳолда фаолият кўрсатиш асосий йўлимиздир. Мамлакатимизда бугун фаолият кўрсатаётган 10 мингга яқин маҳалла атрофига уюшган аҳли жамоа ўлкамизда амалга оширилаётган улугвор режаларга, эътиқодимиз, қадриятларимизни, шарқона юксак ахлоқ-одобимизни, чин инсоний, холис муносабатларни тиклашга, ривожлантиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишига тилакдошимиз.

Халқ қалбини ҳамиша ҳис қилиб, жамият ишига чин камарбаста бўлган илғор зиёлилар ҳам бу чақириққа лаббай деб жавоб беришади.

Тўйлар доим бўлган, ҳаёт давом этар экан, бундан кейин ҳам бўлаверади. Урф-одатларимизнинг кўриниши, орзу-ҳавасларимизнинг рўёби орқали ўз ифодасини топади. Маҳалла аҳли Фармонни халқчил Фармон сифатида қабул қилди. Ҳақ рост, халқнинг ортиқча исроф қиладиган мулки йўқ. У эртанги кунни ҳисобга олиб яшайди. Режали иш тутади. Анъаналарни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Туқликка шўхлик қилганларнинг буйнига “ношукур”, “нонкўр” деган тавқи лаънат осилган.

Бугунги кунда ҳам бойлик, ҳам ақл топган кишилар керак бизга. Ана шундай олижаноб инсонлар мамлакатни ҳам бой қилади. Ақл-фаросатли, тадбиркор инсонлар мамлакатимиз келажагини ўйлаб иш тутади. Юртбошимиз айтганларидек, элим деб, юртим деб, сидқидилдан меҳнат қилади.

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши. “Маҳалла” жамгармаси, бевосита маҳаллалар йигинлари Фармонда қўйилган вазифаларни бажариш юзасидан аҳоли яшаш жойларида олиб бораётган ҳар бир тадбирнинг ўзи инсон учун катта мактабдир. Чунки уларнинг ҳар бирида халқ донолиги, маънавияти узифодасини топган. Бундай тадбирни ташкил этишда, ўтказишда қатнашган, вақтини аямай иштирок этган киши — унда ҳаёт мактабидан ўтади. Бирни кўриб фикр қилади, бирни кўриб шукур қилади. Кўрганларини, эшитганларини, жамоат фикрини, юриш-туришини мушоҳада қилиб, хулосалар чиқариб, эзгу амалларга қўл уради. Зеро Ватанимизнинг миллий манфаати, давлатимизнинг оқилона ташқи ва ички сиёсатини халқ зиёси, тафаккур нури билан нурафшон этмоқ маҳалладан бошланади.

Маҳалланинг маънавиятдаги, тарбиядаги, мафкура ва маданий тараққиётдаги ўрни ҳақида фикр юритар эканмиз, Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг “Маънавият инсонга она сути, ота намунаси ва аждодлар угити билан бирга сингади”, деган сўзлари эсга келади. Маҳалла — ота-онанг дейишар экан, демак маънавият чиндан ҳам маҳалладан, оиладан, ота-она тарбиясидан бошланади.

Маҳаллада маънавият, маърифат, миллий истиқлол мафкурасини ҳаётга тадбиқ этиш масаласига алоҳида эътибор бериш, унинг самарадорлигини, таъсирини ошира бориш асосий бурчларимиздандир. Истиқлол мафкураси Ватан, халқ манфаатига садоқат, илм-фан тараққиётига, маданий, ҳуқуқий юксалишга камарбасталик, шахс истеъдоди, фаоллиги, бошқа миллат вакилларига ҳурмат, ҳаётда учрайдиган зиддиятларни, қарама-қаршиликларни, тинчлик билан ҳал этиш, мувозанатни сақлаш, ақидапарастликни, зўравонлик, тазйиқни инкор

этиб, фикрлар ранг-баранглигига, ижобий ташаббусларга, ҳурфикрликка кенг йул бериш даркор. Адолатли, фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим омилларига, ахлоқий ва ҳуқуқий тарбияга эътиборни кучайтириш, қонунга сўзсиз, ички интизом билан риоя этиш, демократик тамойиллар, давлатга, фуқаролик бурчига ҳурмат кўникмасини мустаҳкамлаш зарур. Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, “Маҳалла” жамғармаси ўз фаолиятини ана шу муҳим вазифаларни бажаришга қаратмоқда.

Йулбошчимиз ташаббуслари билан маҳаллалар янгилана бошланди. Кўплаб пастак, лойдевор маҳаллалар ўрнида замонавий, обод гузарли маҳаллалар қад кўтарди. Тошкент шаҳрининг Халқлар дўстлиги майдони яқинида, Шайхонтоҳур туманида жойлашган “Қоратош”, Мирзо Улугбек туманидаги — “Нур” маҳаллалари фикримизнинг далилидир. Бир-биридан чиройли кўп қаватли, қулай уй-жойлар, ўрта мактаб, богча, дўкон бинолари, гузар, маиший хизмат корхоналари фаолиятдан бугун маҳалла аҳли мамнун.

Жамоатчилик ғоялари, жамоат манфаатларининг бирлиги, кўпчилик фикрнинг устунлигига асосланиш — жамиятимизнинг муҳим хусусиятидир. Шу боис жамиятни демократиялаш тизимида унинг асосий қоидаларини, энг аввало, ижтимоий адолатни рўёбга чиқаришда маҳалланинг роли гоят катта.

Маълумки, барча мамлакатлар учун муштарак демократик меъёрлар ва талаблар бор. Лекин бизнинг мамлакатимизда истиқлол туфайли демократиянинг ўзига хос хусусиятлари, шарт-шароитлари, тамойиллари вужудга келди. Бу хусусиятлар жамоа ҳамжиҳатлиги ташаббускорлигида ва жамоатчилик фикрининг таъсирчанлигида намоён бўлмоқда. Ўзбек халқининг ўзига хос фазилатлари — қонунга ҳурмат ва итоат билан қараш, ҳаёт-

нинг паст-баландини яхши билиш ва қадрлаш, ахлоқий, маънавий қадриятларга риоя қилиш ўзбекона демократиянинг ўзига хослигини белгилаш билан бирга, айни вақтда, янги фуқаролик жамияти мезонлари ҳамдир.

Фуқаролик жамиятида — фуқароларнинг ўзлари ўз тақдирларини белгилайдилар. Фақат шу ҳолда давлат тизими ва муассасалари ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир жамоат ташкилотининг фикри ва раъйини ўзиники билан тенг кўриши ва ундан устунроқ қўйиши, у билан ҳисоблашиши мумкин.

1993 йилнинг сентябрида қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунга асосан фуқаролар йигини давлат бошқарув органларидан холи ва мустақил иш юритувчи, баъзи ишлар доирасида ўзини ўзи бошқаришни амалга ошираётган маълум ҳудудий орган сифатида фаолият кўрсата бошлади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг яна бир ўзига хос хусусияти — уларнинг жамоа вакиллик органлари сифатида фаолият юргизишидир. Бунинг маъноси шундаки, фуқаролар йигини давлат номидан эмас, балки қонунга биноан муайян ишлар доирасида маълум бир ҳудудий жамоа номидан ҳаракат қилади, айни вақтда фуқароларнинг жамият равнақига бевосита ҳисса қўшишларига имконият яратади.

Кўраяпмизки, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишда, ўзбекона демократиянинг устувор бўлишида, ижтимоий адолатнинг қарор топишида ўзини ўзи бошқариш органларига асосий ўрин ажратилган.

1998 ҳамда 2001 йилларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўлиб ўтган сайлов жамоа бошқарувига аксарият ҳолларда билимли, ҳалол, эл-юртга хизмат қилишдек юксак масъули-

ятни яхши ҳис қиладиган, халқ хужалигининг муайян соҳаларида етук мутахассислар бўлган фуқаролар сайланди. Улар орасида ҳаёт синовларидан шараф билан ўтган, аччиқ-чучукни кўрган, чиниққан фидойилар ҳамда гайрат-шижоатли, ташаббускор, эл хизматида бўлишга азму қарор қилган оқсоқол-раислар кўпдир. Олий маълумотли раислар сайловдан сайловга кўпайиб бораяпти. Жумладан, Тошкент шаҳрида уларнинг нисбати 80 фоиздан ошиқдир. Фуқаролар йигинлари раислигига сайланган аёллар ҳам ўтган сайловдагига нисбатан кўп.

## МАҲАЛЛА ЖОНКУЯРЛАРИ

Маҳаллага бош-қош бўлиш огир, лекин масъулиятли ва шарафли юқдир. Бурчга садоқат ва халққа бўлган меҳр-саховат, жонкуярлик, ташкилотчилик қобилияти ва маънавий фазилатлар, эл-юртнинг ҳожатини чиқаришдек савобли ишдан завқланиш кўпчилик оқсоқолларнинг фаолият мезонидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши 2001 йил 12 апрелда чиқарган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисидаги” қарорида маҳалла оқсоқоллигига номзодларни давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг бир қисми босқичма-босқич фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига берилиши муносабати билан ушбу органлар олдида турган вазифаларни ҳал эта оладиган, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган ҳамда маҳалла аҳли ўртасида обрў-эътибор ва ҳурмат қозонган шахслар орасидан тавсия этиш зарурлиги яна бир бор таъкидланди.

Асрлар давомида турли синовлардан ўтиб, яшаб келаётган маҳалла — фуқаролар учун ишончли қалъа бўлиб, унинг оқсоқоли маҳалладошларини ўзига эргаштириб, ўзига хос сиёсий тафаккур, ма-

даният соҳиби сифатида истиқлолнинг улугвор режаларини, фуқароларнинг эзгу мақсадларини амалга оширишда мустаҳкам таянч бўлиб қолиши вожибдир. Иймонли, билимдон, ҳалол, оқил одамлар раислик қилган маҳаллалар ўз нуфузлари билан қандай катта, улугвор ишларга қодир эканликларини амалда исботлаб келмоқда.

Маҳалла шаънини, муқаддас номини улуглаган, жамоатчи — фахрли ном эканлигини юз карра оқлаган раислар мозийда ҳам, ҳозир ҳам ҳурматга, ардоққа лойиқдирлар.

Айрим оқсоқолларнинг фаолияти билан китобхонларни таништиришни ўзимга шараф деб билдим.

Шулардан бири Собир ҳожи Комиловдир. Собир ака жуда синчков, вазмин одам. Ўқимишли, ақлли, фозил кишиларнинг суҳбатига ишқибоз. Инсон ҳусни-одобига, камолига оид китобларни мутолаа қилишни яхши кўради. Кўпроқ эшитиб, камроқ ганиришни ёқтиради. Ҳар бир инсоннинг феъл-атвориغا хос фазилатлар бесабаб унинг турмуш тарзига, ҳаёт мақомига айланиб қолмас экан-да. Аслида ўрта мактабни тугатгач, умри оддий ишчилик билан ўтган Собир ака отасининг йўлидан борди.

Армия сафида тобланиб қайтган йигит, то бир ишнинг бошини муқим ушлаб, тақдирини у билан боғлагунча турли корхоналарда оддий ишчи бўлиб хизмат қилди. Мустақиллик ҳар кимга ўз имкониятларини эркин-эмин юзага чиқариш йўлини очиб бергач, 1993-94 йилларда “Зумрад” корхонасида тижорат ишлари бўйича директор уринбосари вазифасида ишлади. Бир йил давомида ўзи бемалол бир корхонани эплаб кетиши мумкинлигига кўзи етиб қолди. 1994 йилдан ҳозирга қадар отасининг хотирасини эъзозлаб “Комилобод” деб атаган ширкати ни ташкил этиб, уни бошқариб келмоқда. Тижорат, гулчилик ишларини йўлга қўйиб, тадбиркорлик билан топган маблағидан ўзи яшаб турган Ҳамза ту-

манидаги А.Назаров номидаги маҳалланинг ободончилиги, кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш учун пул билан ҳисса қўшиб келди. Бу унинг маҳаллада обрўсини ошириб, анча танитиб қўйди. 1998 йили маҳалла фуқаролар йиғини раислигига муқобиллик асосида Собир Комиловнинг ҳам номзоди қўйилиб, маҳалла аҳли ҳозирги давр, бозор иқтисодига ўтиш жараёнлари талаб этаётган вазифаларни муваффақиятли эплаб келаётган, қўли очиқ, юртпарвар, меҳнаткаш тадбиркор сифатида уни сайлади.

Мустақиллик ёруғ дунё саодатига ҳам, боқий дунё саодатига ҳам эришмоқликнинг эркин, ойдин йўлини очиб берди, мулкчиликнинг барча шакллариغا тенг шарт-шароит ва имкониятлар яратиб берди.

С. Комилов ўзи раҳбарлик қилаётган “Комилобод” ширкат хўжалигини маҳалла тасарруфига ўтказишни ихтиёр этди.

“Комилобод” ширкат хўжалиги маҳсулот етказиш билан шуғулланиб, маҳаллага катта маблағ бера бошлади. Тадбиркор раис ширкатнинг ёнига тикув цехи, сартарошхона, новвойхона, автомобилларга ёқилги қўйиш шахобчаси, дорихона, савдо шахобчаси каби 12 та ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш корхонасини қўшди.

Шу тариқа жорий йилнинг ўтган ойларида маҳалладаги муҳтожларга 125 минг сўм тарқатиш имконияти туғилди. Ўзбек миллий анъаналарига кўра маҳалла ҳисобидан ҳар йили 60 ва ундан ортиқ ёшлиларнинг “мучал” тўйи ўтказилади. 2000 йилнинг ўзида 3 эгизакнинг суннат тўйи ўтказилди.

Маҳаллада спортнинг миллий кураш, дзюдо, каратэ, футбол каби турлари бўйича машгулотлар уюштирилган. 1999 йилда маҳалла футбол командаси мусобақаларда Тошкент шаҳрида биринчи “Комолот” кубоги соҳиби бўлди. Маҳалла маблағи ҳисобида

спорт майдончаси жиҳозланиб, ёшлар спорт либослари, рағбатлантириш мукофотлари билан сийланди.

Оқсоқолнинг ташаббуси билан 2001 йилда янги спорт мажмуи ишга тушди, маҳалла идораси таъмирланиб, янги бинолар қурилди. Хотин-қизлар кенгаши, маънавият ва маърифат, ёшлар учун алоҳида махсус жиҳозланган хоналар барпо этилди.

“XXI аср маҳалласи”, “XXI аср гузари” деяпмиз, XXI аср маҳалла оқсоқоличи? У қандай бўлиши, ҳозирги давр маҳалла, овул, қишлоқ фуқаролар йиғинларининг раислари, раҳбарлари қандай бўлиши керак? Шунинг учун ҳам маҳалла аҳолиси, Собир ҳожи Комиловни 2001 йил сайловларида яна бир овоздан ўзларининг оқсоқоли этиб сайладилар.

Яна бир эътиборимни тортган оқсоқол Аминбой Абдураҳмонов бўлди. Маҳаллага оқсоқол бўлиш Аминбойнинг хаёлига ҳам келмаганди. Унинг фикри ота йўлидан бориб, ошпазлик ёки новвойлик касбини эгаллаш эди.

Ота эса ўғлида касбига муҳаббат уйғота олганидан ич-ичидан қувонарди. Фақат кўпни кўрган, эл орасида юрган Абдураҳмон отанинг маслаҳати оддий бўлди:

— Болам, ошпаз бўлиш ниятингдан бошим кукка етди. Барака топ, ота рози — Худо рози, дейдилар. Мингдан-минг розиман. Фақат, менинг ҳам бир орзум бор. Ўқиб, ошпазларнинг илмлиси бўлсанг...

Ота маслаҳати билан, Тошкент кооператив техникумини, Хоразм Давлат университетини тамомлаган Аминбой Абдураҳмонов мактабда устозлик қила бошлади. Унинг ўқитувчилик фаолиятидан мактаб жамоаси ҳам, туман, шаҳар, вилоят маориф мутасаддилари ҳам хурсанд эдилар. Унинг ташаббускорлигидан, ўқувчиларни дарсга қизиқтириб, ўзига мафтун эта олганидан, ахлоқ-одобга ўргатаётганидан қониққан ота-оналарнинг ҳурмати беқиёс эди.

Шундай булса ҳам Аминбой Абдурахмоновнинг ишидан кўнгли тўлмасди. “Таваккал, отам раҳматлик қилган иш, янги замон дастгоҳларидан олиб, маҳаллада новвойхона очаман. Ажабмас иш юришиб кетса” деган гапларни кўнглидан ўтказиб, маҳалла оқсоқоллари ёнига борди. Узоқни кўра билган отахонлар уни рағбатлантириб, оқ фотиҳа бердилар. Ёш, билимдон, зиёли йигитнинг хўжалик иши билан шуғулланиши кимга ёқди, кимга ёқмади. “Ўқувчилар сизни устоз сифатида ҳурмат қилишади, бориға қаноат қилиб, бир йўлда юрганингиз маъқул эмасми” деганлар ҳам бўлди. Устига-уст хусусий фирмани барпо этишнинг ўзи бўлмас экан, керакли ҳужжатларни тўплаш, маблағ топиш, уни ўрнига қўйиб сарфлаш ҳам осон кечавермас экан. Мақсадига эришди. Тандирдан беш хил иссиқ нон узилган кун Аминбойга Оллоҳ ўғил набира берди.

— Кел, янги давр нишонаси бўлсин дея, хусусий фирма номини “Дилмурод” деб атади.

Шунда Оқсоқолнинг ўзи ҳам, маҳалла аҳолиси ҳам яқдиллик билан Урганч шаҳар кенгашининг депутаты Аминбойга мурожаат қилди. Унинг номзодини шаҳар ҳокимлиги ҳам маъқуллади. Унинг ёшман, мактабда дарсларим бор, ҳаётий тажрибам кам, дейишига қарамай, маҳалла фуқаролар йигини раислигига сайлашди. 1993 йил 43 ёшида маҳалланинг отаси мартабаси унга насиб этди.

— Мана етти йил бўлибди, раислигингизга. Шу йилларда янги давр оқсоқоли сифатида қандай хулосаларга келдингиз? — деб сўраймиз.

— Биринчидан, маҳаллада фуқаролар йигинининг раиси бир жойда, фақат маҳаллада ишласа, ўз бурчини, масъулиятини, зиммасидаги вазифаларни уддалашга улгуради.

Иккинчидан, маҳалланинг албатта маблаги, айланма жамгармаси бўлиши зарур. Уни кўпайтириб бориши, боқимандалик кайфиятидан қутулиши

узини ўзи бошқариш органи деган номга муносиб бўлиб, аҳоли эҳтиёжини қондириш даражасига кўтарилиши лозим.

Учинчидан, маҳалла оқсоқоли соглом, бардам, кучли бўлиши шарт. Зеро унинг кеча-кундуз бошқош бўладиган, бир-бирига уланиб кетадиган фавқулодда юмушлари беададдир.

Тўртинчидан, у ички интизомга эга бўлиши, вақтнинг қадрига етиши, ташаббускор, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиши зарур.

Бешинчидан, ақл, руҳ ва жисмни тушуниб, бошқаришга қодир, диний ҳам дунёвий билим эгаси, мустаҳкам иймон-эътиқод соҳиби бўлиши лозим.

Албатта булар менинг шахсий хулосаларим.

— Ҳамма иш гоядан бошланади, — дейди раис. — Мен маҳалла хонадонларида, оилаларда, турли ёш ва касб эгалари даврасида бўлганимда гоя излайман, айтилган фикрларга, тўқлифларга, мақтов, гинатанқидларга бефарқ қарамайман. Туғри, баъзан мантиқсиз ҳолатларга ҳам дуч келиб қоламан. Ўзига яраша муомала қилиб кетаман. Гоя ўлмайдди. Буни кўпчилик билади, лекин унинг кетидан қувмайдди, чунки, гоянинг туғилишидан кўра, амалга ошиши машаққатлироқ.

— Бошни Худо, молни гайрат беради, — деб мулкдорлар табақаси ҳақида ган очди Аминбой. — Маҳалламизда жамғарма ташкил этиш мақсадида ўзим таниган-билган одамлардан бир нечтасининг кучгайратини юзага чиқардим. Ўз тажрибам асосида уларни керакли қонун ҳужжатлари, адабиёт билан қуроллантириб, ҳақиқий мулкдор бўлишига, чинакам хўжайинлик туйғусини ҳис этишига муваффақ бўлдим. Ўз навбатида учта хусусий фирма очтирдим. Ҳозир улар аҳоли эҳтиёжи учун зарур буюмлар ишлаб чиқармоқдалар. Тикувчилик ва гилам тўқиш кичик корхонаси иш бошлади. Маҳалла фуқаролар

йигини, милиция инспектори, дин пешволари, педагог-устозлар ҳамкорлигида ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилган.

Ташкилий, амалий ишларнинг самараси ўлароқ, маҳалла диний ақидапарастларга эргашган унсурлардан, қўйди-чиқдилар, қонунбузарликлардан холи.

— Маҳалламизнинг ободончилиги, тарбиявий салоҳияти, истиқболдаги улкан режаларини муҳтарам Раимберган Каримов, Венежон Саиджонов, Матёқуб Маҳмудов, Собиржон Ортиқов, Аҳмаджон Шелмиев, Худойназар Бекчонов, Акбаржон Ботиров, Росияжон Раффорова, Сотинбой Ҳасанов, Отажон Маҳмудов, Султонбой Тангриберганов, Отамурод Аҳмедов, Султонпошша Напесова, Онахон Тангриберганова, Байрам Отаев, Худойназар Раҳимов каби устозу шогирд, жамоатчи деган фахрли номга содиқ чин инсонлар билан эришмоқдамиз, деб алоҳида урғу беради камтарлик билан Аминбой Абдурахмонов.

Халқ маҳалланинг тақдирини менга топширдими, ишончини оқлашим керак, деб ишга киришган Аминбой Абдурахмонов, сайланган йилиёқ фаолларга таяниб, эл билан маслаҳатлашиб иш бошлаганини, юртга баҳоли қудрат хизмат қилар экан, кам булмаганини айтади.

Маҳалла девонхонасига қўйилган, йирик, заррин ҳарфлар билан ёзилган Президент табрикномасини ўқиймиз:

“Ҳурматли Аминбой Абдурахмонович!

Она диёримизни гуллаб-яшнатиш, ёшларимизни ватанига муносиб фарзандлар қилиб тарбиялаш, фуқаролар ўртасида дўстлик, аҳиллик, одамийлик хислатларини қарор топтириш, маҳаллаларда тинчлик-осойишталик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш соҳасидаги беминнат хизматларингиз учун самимий миннатдорчилигимни қабул қилгайсиз.

Сизга мустақкам сиҳат-саломатлик, хайрли ишларингизда зафарлар, битмас-туганмас куч-қувват тилайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов”.

Жаҳоншумул улуг ишлар, истиқлолни мустақкамлаш, озод ва обод ватан, халқимиз учун фаровон ҳаёт гамида юрган, халқимиз виждони ва ўзлиги тимсоли бўлган юртбошимиз учун она Ватанимизнинг ҳар зарраси, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси нақадар азиз эканлигини кўрсатувчи ушбу табрикнома нафақат Комилжон Отаниёзов номидаги маҳалла аҳолисига, республикамиздаги барча маҳалла фидойиларига бўлган меҳр-муҳаббат, эътибор рамзидир.

Яқин ўтмишимизга назар ташлайдиган бўлсак, ҳар бир хонадонда жилла бўлмаганда бирор касбкорни эгаллаган бир инсонни кўриш мумкин эди. Ҳатто бутун-бутун мисгарлар маҳалласи, махсидўзлар, телпакдўзлар маҳалласи бўлар эди.

Ҳозир ҳам бу борада яхшигина натижаларни қўлга киритаётган маҳаллалар оз эмас. Пойтахтдаги маҳаллаларда ташкил этилган юздан ортиқ гузарларда, Фаргона водийси шаҳарларидаги маҳалла гузарларида тадбиркорлик анча кенг ривожланганлигини кузатиш мумкин. “Mahalla” газетасининг шу йил 23 феврал сонида Тошкентнинг “Чигатой Оқтепа” маҳалласида тадбиркорлик бўйича амалга оширилган ибратли ишлар ҳақида ҳикоя қилинганди. Маҳалланинг чархчиси ҳам, сартароши ҳам, телевизор созловчи устаси ҳам, маиший хизматнинг бошқа турлари бўйича малакали касб эгалари аҳоли оғирини енгил қилмоқда. Шунга қарамай, маҳаллаларда бу борада, яъни тадбиркорликни, ишбилармонликни ривожлантиришда эски анъаналарни тиклашда ҳам, янги имкониятларни ишга солишда ҳам

қилинадиган ишлар ҳали куп. Зеро, бу масала, бир томондан, бозор муносабатлари ҳаётимизга тобора чуқур сингиб бораётган ҳозирги шароитда маҳалла ҳудудидаги фуқароларнинг иқтисодий муаммоларини ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга. Иккинчидан эса, муҳим ижтимоий, маънавий муаммоларни ҳал этишда ҳам гоят қўл келади. Яъни аҳолини, биринчи навбатда, ёшларни иш билан таъминлаш, йигит ва қизларни ёт гоялар таъсирига берилишдан сақлаб қолишда, уларни ҳалол меҳнат билан кун кўриш, ватан ва халқига садоқат билан яшашга ургатишда муҳим омил бўлади.

Аввало, “Завод — маҳалла” ташаббусини жойларда тиклаш йўли билан анча-мунча иш жойларини ташкил этиш мумкин. Иккинчидан, маҳаллада ишсиз, уйда утирган ёки мажбуран бозорларга қатнаётган, ўз касби бўйича иш бўлса, “жон-жон” деб унга борадиганларнинг аниқ ҳисоб-китобини қилиш керак бўлади. Ҳозир ҳар бир маҳаллада ҳеч қаерга ишга бормаи, маҳалла чойхонасини, гузарини ёки куча бошини “гуллатаётган” азаматларни тез-тез учратиш мумкин. Уларнинг баъзилари аёлларини бозор-учарга, савдо билан чет элларга юбориб қўйиб, ўзлари мўйловларини силаб, гердайиб ҳам юришади. Дарвоқе, купгина маҳаллалар оқсоқоллари ўз гузарларидаги тадбиркорлик тузилмаларига қонуний раҳбарлик қилиш ҳуқуқини олиб беришимизни сўраб мурожаат қилишмоқда.

Бунинг ижобий натижаларини биз Хайрулла Мўминов фаолиятида яққол кўраимиз.

— Тадбиркорликда, ишбилармонликда гап куп, — дейди Тошкент шаҳар “Чигатой Оқтепаси” маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоли, 1999 йилнинг республикадаги “Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли” ва 2000 йилнинг “Энг ибратли маҳалла оқсоқоли” унвони совриндори Хайрулла Мўминов.

“Чигатой Оқтепаси” маҳалласида товар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ишлари яхши йўлга қўйилган. Маълумки, ҳар бир маҳаллада ўзининг дурадгори, ўзининг новвойи бўлади. Гап уларнинг бошини қовуштириб, иш жойларини ташкил этиб беришда. Маҳалладошларимизнинг ҳеч бири пичоқ чархлатаман, соч олдираман, телевизор созлатаман, деб узоқ ҳудудларга бориб юрмайди. Ҳамма турдаги маиший хизматлар маҳалламизнинг ўзида йўлга қўйилган, қолаверса, қўли гул усталаримиз ҳам ижтимоий меҳнат билан банд бўламан, деб аллақайси корхоналарга бориб юришмайди, улар учун ўз гузарлари ўз корхоналаридир. Бундан ташқари, маҳалламизда банк идорасини ҳам очганмиз. 1999 йилда маҳалладаги ана шу маиший хизмат ва ишлаб чиқариш жабҳасидан 6 миллион сўмлик даромад кўрилди. Маблагнинг катта қисми маҳаллани ободонлаштиришга сарфланди. Хусусан, шу пулга маҳалла учун пластмасса стол-стуллар, чинни идиш ва жиҳозлар харид қилинди, кўчалармиз асфальтланди. Тўй-маъракаларда ҳам шу маблагдан фойдаланиш анча қулайлик тугдираяпти. Маҳалла қошида “Меҳр-мурувват маркази”ни ташкил этганмизки, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ижтимоий муҳофазага муҳтож маҳалладошларимиз айнан шу ерда қўллаб-қувватланади.

Мамлакатимизда тайёрга-айёрлик, давлат қўлига қарам бўлиб яшаш кайфиятларини бартараф этиш мақсадида ўзини ўзи бошқариш органларига кенг ваколатлар берилаётир. Фуқаролардан жамиятнинг пассив яшовчилари эмас, балки жамиятни ривожлантирувчи фаол иштирокчилари бўлиш талаб этилаётган бир вақтда “Чигатой Оқтепаси” маҳалласидаги тажриба кенг тарғиб қилиниши даркор, деб ўйлайман. Чунки, маҳаллани ривожлантириш керак, бу ерда иш кўп.

Республика иқтисодиётини янада эркинлаштиришга муносиб ҳисса қўшиш ҳар бир маҳалла оқсоқолининг эзгу мақсади бўлиши лозим.

Хайрулла Мўминов учун эл-юртга хизмат қилиш ота мерос. Буvasи Мўмин ота уз даврининг уқимишли кишиларида булиб, савдогарчилик билан шуғулланган. Ўша вақтда Петербург, Москва шаҳарларига қатнаган. Отаси — Мирқосим ака мўйнадуз бўлган. Терини ошлашдан бошлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Асосан, бош-кийимлари, пўстин тайёрлаган.

Хайрулла ака уз фаолиятини 1963 йилда 16 ёшидаёқ ишчиликдан бошлаган. Сўнгра ишдан ажралмаган ҳолда Тошкент халқ хўжалиги институтини тамомлаб, олий маълумотли мутахассис сифатида Тошкент давлат университетида таъминот бўлими бошлиги, молия ва хўжалик ишлари бўйича проректор, 1990 йилдан бошлаб Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида қурилиш-таъмирлаш бошқармаси бошлиги ўринбосари бўлиб ишлаб турган Хайрулла Мўминов ўзининг тинч, нуфузли жойидан кечиб, мустақиллик, янги тузум таклиф этган ва имконият берган янги соҳада узини синаб кўрмоқчи бўлди. Хўнармандлиги учун мустабид тузумнинг тазйиқларидан, тақиқларидан озор чекавериб, безиллаб қолган она, опалар ўйланиб қолдилар. Ўзига яраша бир сўзли, шижоатли, бирон ишга қўл уришдан олдин ҳар томонини ўйлаб кўрадиган, эзгу мақсадга етмагунча тинчимайдиган Хайрулла онасини, опаларини, беш ўгилдан балогатга етганларини ёнига олиб ишга киришиб кетди. Кичик опаси Каримахоннинг номи билан 1992 йили ўзи яшаб турган “Чигатой Оқтепаси” маҳалласида “Карима” хусусий фирмасини ташкил этди. Тўқувчилик устахонасини очди. Кетма-кет поликлиника, автомобилларни таъмирлаш устахонаси ва бошқа қатор аҳоли-

га хизмат кўрсатиш корхоналари фаолият кўрсата бошлади. Олган даромадининг бир қисмини фирмани ривожлантиришга сарфласа, қолган қисмини меҳр-мурувват кўрсатишга ажратади.

У маҳалланинг ободончилигига, янги ишхоналар қурилишига борини аямайди. Ишбилармон йигитни 1998 йилда “Чигатой Оқтепаси” маҳалласи аҳолиси ўзига оқсоқол этиб сайлади. Унинг маҳалла фуқаролари йигини раислигига қанчалик лойиқлигига иккиланиб қараганлар ҳам бўлди. Оқсоқол бўлиш учун тадбиркорликнинг ўзи кам деганлар ҳам топилди.

2-Тошкент тиббиёт институтига яқин жойда “Чигатой Оқтепаси” маҳалласига тегишли бир неча гектар экин майдони бор.

Бу ерлар ташландиқ ерлар эди. Шу ерларни Хайрулла Мўминов рухсат олиб, ўзлаштира бошлади ва маҳалла аҳолисига бу ерда экин-тикин қилиш учун имконият яратиб берди. Дастлаб, ижара ҳақини озроқ қилиб, одамларга ер таклиф қилинди. Иш бошланди. Натижаси яхши бўлди. Ҳозир бу ерларда деҳқончилик қилишга ҳавасмандлар кўпайиб қолди. Улар ҳар 0,5 гектар ер учун маҳалла ҳисобварағига йилига 40 минг сўмдан пул ўтказишади. Қанча даромад олиш эса ўзларига боглиқ. Ҳар ҳолда, бир йилда уч мартадан ҳосил олишяпти. Шаҳар ичи бўлганлиги учун маҳсулотни сотиш муаммоси ҳам йўқ.

Бу ерларда кўпроқ оилаларнинг 10-16 ёшли болалари меҳнат қилишаётганлиги бу ишнинг даромаддан бошқа ҳам аҳамияти борлигини кўрсатиб турибди.

— Маҳаллада бир тепалик бор эди. У гузал оромгоҳга айлантирилди. Бу тепаликни шаҳарликлар яхши билишади. Аҳоли томонидан қурилиш мақсадида чакка-чаккадан фойдаланилавариб, кўримсиз ҳолга келиб қолган тепаликни обод қилиш осон бўлмади. Ав-

вало бунинг учун ўнга яқин идорадан рухсат олиш керак бўлди. Бунинг устига ўн метрдан ортиқроқ баландликда фақат қўл кучи билангина қурилиш ишлари олиб борилди. Натижада, бу тепаликнинг ваҳимали қиёфаси гузаллик билан алмашди.

Гузарда ҳамма нарса бор. Сартарошхона, чойхона, дўкон, телевизор созлаш устахонаси ҳам бор. Бу ердаги даволаш муассасаси учун эски бинодан фойдаланилган бўлса-да, у замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Энг эътиборли томони шундаки, кўплаб маҳаллалар ўз гузарини қайсидир “тадбиркор”га бериб қўйиб, уни қайтиб ололмаётган бир пайтда Хайрулла Мўминов буларнинг ҳаммасини ўзи маҳалла иштирокида қурди ва албатта буларнинг ҳаммаси унга бевосита бўйсунди, яъни маҳалла тасарруфида. Оқсоқол маҳалла гузарининг ўнлаб хизмат соҳалари билан таништирар экан, биз унинг шу тобдаги ҳолатини маълум бир ҳудуднинг раҳбарига ўхшатдик.

Маҳалла ҳудудида жойлашган “Юлдузча” номи махсус болалар богчасига кириб қайратимиз янада ошди. Бу богчага маҳалла болалари навбатсиз олинар экан. Ниҳоят, маҳаллани айланиб бўлгач, унинг идорасига кирдик. Бу ерда ҳужжатлар билан боглиқ ишларни компьютер бажараяпти. У бизга ҳозирча ўзи чизган бир лойиҳани курсатди. Бу унинг режасидаги хусусий богча ва теннис корти экан.

Хайрулла ака ҳали ёш. Пенсия ёшига анча бор. Лекин у оқсоқолликни ўзининг асосий иш фаолияти қилиб танлади. Тўғрироғи, бошқа ҳеч бир жойда ишламайди.

— Маҳалла иши жони-дилим,— дейди у. — Маҳалла ишларини худди ўз уйимнинг юмушларидек қабул қиламан.

Хайрулла Мўминов республикамиздаги ўн мингдан ортиқ маҳалла раислари кўрик-танловида голиб чиққанлиги, унинг лабзи ҳалол, сўзининг устидан

чиқиш учун астойдил ҳаракат қилишга қодир, иймон-эътиқодли одам эканлигининг тасдигидир.

Маҳалла биргина жорий йилнинг етти ой давомида 3 миллион 900 минг сўм даромад олган. Йил давомида маҳаллада аҳоли манфаати, тарбияси йўлида ўтказилган тадбирлар учун сарфланган харажатлар ҳисобга олинса, бу маблағ янада кўпаяди. Маҳалланинг ўз кўчмас мулки, айланма маблағи бор. Кичик корхоналар ажратган даромад ва бошқа кимлар ҳисобидан келган ушбу пул фуқаролар йигинининг қарорига асосан маҳалла ва унинг аҳолиси фаровонлигига сарфланмоқда. Бу борада амалга оширилган ишлар талайгина. Истиқболдаги режалари янада диққатга сазовор. Ҳозир маҳалла ҳудудида хорижий тилларни ўргатишга мўлжалланган, тўлиқ маҳалла маблағи ҳисобига фаолият кўрсатадиган янги 50 уринли болалар боғчасини очишга тараддуд кўрилмоқда. Коммунал тўловлар вақтида 100 фоиз тўлаб борилмоқда. Маънавий ва маърифий ишларнинг самарасини бу маҳаллада биронта жиддий жинойий ишнинг содир этилмаганлигидан, ҳизбут таҳрир оқимиغا илинган, экстремистларнинг ҳаром луқмасига учган гўр ёшларнинг чиқмаганлигидан ҳам ҳис этса бўлади.

“Чигатой Оқтепаси” маҳалласининг тажрибаси, нафақат ўз диёримизда, чет мамлакатларда ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда.

Бугунги кунда тадбиркор, саховатпеша оқсоқол Хайрулла Мўминовнинг издошларини мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кўриш қувончлидир. Улардан бири наманганлик Султонхон Қаландаровдир.

Наманган туманидаги “Қоратепа” маҳалла фуқаролар йигини раиси Султонхон Қаландаров республикада ўтказилган “Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли” кўрик-танловининг 2000 йилги ғолибларидан бўлди. Маҳалла оқсоқолини инсоний фазилатларига, элсеварлигига, бағри кенглигига, ўзидек

ўзгаларни ҳам севишига, ардоқлашига, ақли ҳушига, обрусига қараб халқ сайлайди. Бундай мартабага эришиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

Юқорида саналган, саналмаган сифатлар бўлсаю, уларни амалда юзага чиқара олмаса, бу ҳам яхши эмас. Вақтини аяса, ўзгалар дардини эшитишга тоқат қилолмаса, тагин ҳам қийин. Хуллас, маҳалланинг отаси бўлиш, уни бошқариш — маҳалладан каттароқ жамоага раҳбарлик қилишдан мураккаброқ кўринади.

Касби қурувчи-муҳандис, олий маълумотли мутахассис сифатида қатор раҳбарлик вазифаларида ишлаб, жамоа билан муомала қилиш тажрибасига эга бўлган қирқ тўрт ёшли, ўзини босиб олган, аввалдан маҳалла ишига аралашиб юрган, эл-юртга танилган Султонхон Қаландаровга маҳалладошлари 1996 йилда “Қоратепа” маҳалла оқсоқоллигини таклиф этишганида, у розилик беришга шошилмади. “Сизни ёлгизлатиб қўймаймиз. Оллоҳга шукр, ҳар жиҳатдан моссиз. Тажрибангиз ҳам етарли. Энг зарури, тадбиркорсиз, аҳолига хизмат қилиб келаяпсиз” дейишиб, унинг ҳол-жонига қўйишмади маҳалла фаоллари.

Бу вақтда Султонхон ака Қаландаров, ўзи ташкил этган “Темур” деб аталган корхонани бошқарар эди. Туман ҳокимлиги маҳалла аҳолисининг иродасини маъқул кўрди.

Султонхон ака зийрак, зукко, фаҳм-фаросати баланд, қадр-қимматини биладиган, аммо такаббурлик чегарасига асло қадам босмаган йигитлардан эмасми, вазиятни дарров тушунди. “Халқ ҳам, туман мутасаддилари ҳам, оила аъзолари ҳам розилик бериб турган бўлса, уларнинг раъйини қайтарсам бўлмас” деган фикр кўнглидан ўтиб, таваккал рози бўлди.

Маҳалланинг нурли истиқболи ҳуқуқий кафолатланганлигини кўрган Султонхон Қаландаров “Қоратепа” маҳалла фуқаролар йиғинига раис этиб сайланган кундан бошлабоқ ишга киришди. 1996 йилдан буён

ўтган тўрт йил даомида мўлжалга олинган ишлар бирин-кетин рўёбга чиқди. Бугун янги ташкил этилган бозорча қишлоқ аҳолисининг оғирини енгил қилмоқда. Гузардаги новвойхона халқни обион, бошқа турли хил нон маҳсулотлари билан таъминламоқда. Қурилиб, ишга туширилган ширин ичимликлар шахобчаси иш тополмай юрганларга асқотди. Уч километрга яқин йўлга асфальт ётқизилди. Беш километрдан ортиқ масофага газ ва сув қувурлари тортиб келинди. Қишлоқ аҳолиси газ ва зилол сувдан баҳраманд бўлди. Ҳндан ортиқ камхарж оила озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб турилибди. Амалга оширилаётган ушбу савобли ишларга сарфланаётган маблағларнинг залворли қисми ўзи ташкил этган хусусий фирманинг соф фойдасидан қопланмоқда.

Саховатпеша, ҳиммати баланд раис маҳалладошларига янада кўпроқ фойдаси тегишини ўйлаб, тadbиркорлик фаолиятини ҳам тобора кенгайтирмоқда. Маҳалла ҳудудида жойлашган “Хонобод” ширкат хўжалигидан оиласи билан олган 120 гектар ернинг 70 гектарига бугдой, 50 гектарига пахта экиб, мўл ҳосил етиштириб, даромадини орттириб бормоқда. 2000 йил 21 сентябрдаёқ 184 тонна пахта, 350 тонна бугдойни топшириб, ваъдасига вафо қилди. Мақсади пахтани гектаридан 50 центнерга, бугдойни ҳам шу даражага етказиш.

Албатта, бу ниятларни амалга ошириш учун маблағга-маблағ қўшиш, бирни икки, иккини уч қилиш талаб қилинади. Султонхон ака буни яхши англаган ҳолда маҳалла айланма жамғармасини тобора оширишни ҳам ёдидан чиқаргани йўқ. Ҳтган йили оилавий пудратни кенгайтириб, янги “Асрорбек — 98” фермер хўжалигини очди. У шу йилнинг узидаёқ кетган барча харажатларни қоплаб, бир миллион сўмдан ортиқ даромад берди. Бағри кенг, нияти пок, лабзи ҳалол раис даромаднинг ярмини ма-

ҳалла эҳтиёжи, аҳоли манфаати учун ажратиб, маҳалла жамғармаси ҳисобига ўтказди.

Раис ўзи каби тадбиркор, мулкдор, саховатпеша кишилар билан бирга маҳаллада ҳеч кимнинг ўкси-ниб, кемтик ҳаётидан, ночор, ногирон ҳолатидан хафа бўлиб яшамаслиги учун доимий ёрдам жамғармасини ташкил этган. Жорий йилнинг етти ойида ана шу мақсадлар учун 400 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Маҳалла оқсоқоллари орасида муваффақиятли фаолият кўрсатаётган турли касб эгалари қаторида олимларнинг, зиёлиларнинг кўпайиб бораётгани ҳам диққатга сазовордир. Бу борада оқсоқол олим Эркин Гуломовнинг фаолиятини ибрат қилиб кўрсатса арзийди.

Эркин Гуломовнинг маҳалла оқсоқоли бўлиб ортирган обрўи, маҳалла раислиги инсоннинг касбига эмас, қандай одамлигига қарар экан, деган фикрни уйғотади. Умуман каттами, кичикми, раҳбарлик мақоми одамнинг юксак ташкилотчилик маҳоратига, бошқаларни ўз ортидан эргаштира олиш қобилиятига боғлиқ. Маҳаллада Эркин Гуломовнинг саъй-ҳаракати билан амалга оширилган ишларни бир-бир назардан кечирсак, фидойилик намунасини кўрамиз. Эркин Гуломовнинг ташаббуси билан маҳалладаги ташландиқ, чиқиндилар тўкиладиган жой ҳашар йўли билан тозаланиб, қурилишлар қилиниб, маҳалла марказига айлантирилди. Аввалига аҳоли гамини еб, уларга хизмат қиладиган идиш-товоқ, асбоб-ускуналар сақланадиган иморат тикланди. Шу қурилиш давомида ўзининг ташаббускорлиги, жонкуярлиги, меҳнатсеварлиги билан яна бир бор эл назаридан ўтган, котиб бўлиб ишлаб келаётган Эркин Гуломов Тошкент тумани, Йўлдош Охунбобоев номи жамоа хўжалиги ҳудудидаги Алишер Навоий номи маҳалла фуқаролар йиғини раислигига сайлан-

ди. Биринчи навбатда бор имкониятлардан фойдаланиб, икки йилда беш хоналик маҳалла идораси бинони қурилиб, ишга туширилди.

Оқсоқол маҳалла жамғармасини айланма маблағ ҳисобидан тўлдириб туришни ҳам унутмайди. Унинг ташаббуси билан “Суннатилла” хусусий дўкони, “Оролча” хусусий кафеси, тандирхона, ошхона аҳолига хизмат қилмоқда.

Маҳалла идорасидан чиқиб, янги ташкил этилган богни кўришга отланар эканмиз, ойнаванд, шинам хонага кириб кетаётган отахонларни учратдик. Улар раисдан мамнунликларини айтиб, ҳаққига дуо қилдилар.

— Маҳалланинг ҳамда собиқ Киров кўчасининг номини Алишер Навоий деб атасак, деб маслаҳат солганида, Эркинбой анча узоқни кўзлаганини кейинроқ амалда кўрдик. Навоий бобомиз ариқлар қазитиб, сувлар чиқарганлиги, йўллар очдириб, кўприклар солдирганлиги халқимиз тилида дoston. Гапнинг индаллоси, барака топсин, оқсоқолимиз ҳам сув чиқарди, бог қилди, чиқиндиларни тозалаб, маҳаллани ёг тўкилса ялагудек қилиб қўйди. Мана бу — отахонлар хонасини ҳам бизга атаб тиклаб берди...

— Раисимиз барчага баробар, — деб йўл-йўлакай гапириб берди бизни ўз эҳсонига таклиф қилган мезбон ота.

— Тўйми, таъзиями, бошидан охиригача иштирок этадилар. Ортиқча харажат, дабдабозликка йўл қўймайдилар. Янги йил, Мустақиллик, “Наврўз” ва бошқа байрамларда ҳар бир хонадонга эринмай табрик хатлари киритиб, кўнгилларини кўтарадилар.

Эркин Ғуломовнинг зиёли сифатида жамоат фаолиятига қўшаётган ҳиссаси ҳар қанча таҳсинга лойиқдир.

Оила тинч бўлса — маҳалла тинч, маҳалла тинч бўлса — туман тинч, деган шиорлари бор Эркин аканинг. Бунга амалда эришмоқ учун маҳаллада

булиб турадиган оилавий можароларни доимо чидам ва сабр-тоқат билан эшитиб, холис, бегараз урганиб, ижобий ҳал этишга бор кучини сарфлайди. Маҳалла хотин-қизлар кенгашининг “Яраштирув комиссияси”нинг бор имкониятни ишга солади.

Ёшлар Эркин Гуломовни ўзларининг энг яқин дўстлари, отахонлари, устозлари, деб билишади. Зеро, у киши оқсоқол бўлгунча, чин маънода педагог-устоз, илм соҳиби бўлган, иқтисод фанлари номзоди, доцент унвонига эришган. Узоқ йиллар Халқ хўжалиги институтида иқтисод ва халқ хўжалиги тарихидан талабаларга дарс берган. Олти фарзандни тарбиялаб, вояга етказган. 14 набиранинг суюкли бобоси. “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар устози”. Эркин ака ўз вазифаси билан бирга у ёки бу жамоат ишини бажарган, ишхонадаги жамоа аъзоларининг хизматини қилиб келган. Унинг жамоат ишларига қандай қилиб улгуриши билан қизиқаман.

— Гапнинг очиги, шу чоққача бу ҳақда ўйламаган эканман, 17 йилдирки, бутунлай жамоатчиман,— дейди ҳикоямнинг қаҳрамони.— Худди шундай, маҳалла фуқаролар йиғини раислиги — бу лавозим эмас, масъулият, фуқаролар тақдирига жавобгарлик масъулияти. Ана шу масъулиятни ҳис этиш, ўйлаш, инсоннинг фақат ўз манфаати билан уралашиб қолмай, ўзгалар манфаатини ҳам ўйлаб яшаш хислати жамоатчиликка бошласа керак. Жамоатчини эса иш соати ҳам, ҳузур-халовати ҳам қизиқтирмайди, у кимгадир қилган яхшилигидан, теккан нафидан дам олади, ҳузур қилади. Менинг ўзим шундайман.

Жиззах вилоятида маҳалла оқсоқоллари ҳақида гап борса, аввало “Равонлик” фуқаролар йиғини раиси Абдусаттор Абдулатиповни тилга олишади. “Панжарадан ичкарида катта ҳовли, фаввора атрофида

гулзор. Шарқона меъморчилик безаклари билан ороланган гир айлана иморатлар. Тўғрида кўркам баланд бино, пештоқлари нақшинкор, дид билан бўялган. Унг томонидаги ҳовлида бозорча, ёнидаги бинода миллий таомлар ошхонаси ва чойхона. Дарвозадан киришингиз билан ёқимли нон ҳиди димогингизни чоғ этади. Чап томондаги қатор маиший хизмат корхоналарининг биринчиси новвойхона экан.

Президентимиз И.Каримов ўзини ўзи бошқариш органларига, маҳаллаларга эътиборини қаратиб, уларни булажак адолатли фуқаролик жамиятининг асоси, деб атаб, уларга қатор давлат ваколатларини бериш дастурини илгари суриши биланоқ, янгиликка, ташаббусга ўч Жиззах вилоят ҳоқими Шавкат Миромонович Мирзиёев “Ҳар бир маҳаллага обод, қулай гузар маркази” шиори билан чиқиб, маҳаллалар ҳудудидаги энг кўркам, кенг иморатларни маҳаллаларга олиб берган. Мавжуд биноларни таъмирлаб, бино бўлмаган жойларда ер ажратиб, қуришга астойдил киришилди. Ҳозир деярли ҳамма маҳаллалар гузарли, марказли бўлиб қолди.

## XXI АСР МАҲАЛЛАСИ

Истиқлолнинг унинчи йилида XXI асрнинг биринчи йилига қутлуг қадам қўйилди.

Президентимиз И. Каримов таъкидлаганларидек, XXI аср — бунёдкорлик асридир. Ушбу асрда “Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва ислохотлардан асосий мақсад юртимизнинг янада ривожланиши, халқимизнинг фаровонлиги, жаҳон ҳамжамиятидан ўзимизга муносиб ўрин эгаллашдир”.

Мазкур стратегик ва дастурий вазифаларни амалга оширишнинг муҳим устувор йўналишларидан бири давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини демократлаштириш ва эркинлаштиришдан иборат. Бу борада ҳоқимият тармоқ-

ларининг бир-биридан мустақил иш юритиш тамо-йилларини мустаҳкамлаш, ҳокимият ваколатларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, маҳаллага босқич-ма-босқич топшириш, уларнинг бажарадиган ишлари доирасини кенгайтириш асосий вазифалар ҳисобланади. Бунда энг муҳими касби ва ижтимоий мавқеидан катъи назар, аҳоли манфаатларини янада тўла-роқ ифодалаш ва ҳимоя қилишда нодавлат, жамоат тузилмаларининг ҳуқуқ ва мавқеини оширишдир.

Мустақиллик йилларида миллатимизга хос шарқона демократик ўзини ўзи бошқариш органи бўлган маҳаллаларнинг асл мавқеи қайта тикланди ва ҳуқуқий базаси яратилди.

Юқорида маҳаллаларнинг кўп қиррали амалий фаолиятини имкон қадар кўрсатиб ўтдик. Фуқаролик жамиятини қуриш даврида давлат ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич ўзини ўзи бошқариш органларга топширишнинг устувор йўналишларини белгилаш, уларни маҳаллалар фаолиятининг мазмуни, мақсад-муддаосига мослаш, бу ишни рўёбга чиқаришнинг механизми, ҳуқуқий кафолатлар тизимини яратиш талаб этилади. Бу йўлдаги дастлабки дастурлардан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 2 июндаги Фармонида асосан тайёрланган “XXI аср маҳалласи” концепциясидир. Ушбу концепция ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллаларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш, жамият ҳаётидаги роли ва аҳамиятини кўтаришга, ривожланган ва амалий аҳамиятга эга бўлган моделини яратишга ҳамда шу орқали давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган.

XXI асрда халқнинг фуқаролик жамияти тамо-йилларига мос равишда ўз турмуши ва бутун жамият ҳаётини ташкил этиш ва бошқаришда фаол иштирок этиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, мил-

лий табиатимизга мос бўлган ўзини ўзи бошқарувчи маҳаллани ривожлантириш ҳамда унинг мавқеини ошириш — давлат ва жамият қурилишидаги демократик ислоҳотларнинг муҳим жиҳатларидан биридир.

Маҳаллалардаги фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг самарали фаолият юритиши аҳоли кенг қатламларининг ташаббускорлигини ошириш ҳамда халқимизнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳиятини мумкин қадар кўпроқ жалб этиш имкониятини беради.

“XXI аср маҳалласи” концепциясининг назарий асосини янги аср бошида мамлакатимизни сиёсий, иқтисодий ва маънавий ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олинган давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш сиёсати белгилаб беради. Бу борадаги асосий вази-фалар-ҳокимият барча тармоқларининг бир-бирдан мустақил ҳолда иш юритиш тамойилларини мустаҳкамлаш, ҳокимият ваколатларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиб бериш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этишдан иборат.

Маҳаллалардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мавқеини белгилаб берувчи назарий қоидалар амалга оширилишини таъминлайдиган илмий тавсия ва таклифларни ишлаб чиқиш, бу борада илмий тадқиқотлар олиб бориш натижасида маҳаллаларнинг имкониятини аниқлаш, уларнинг тарихий тажрибасини таҳлил қилиш ва умумлаштириш, бу борадаги хорижий тажрибани кенг урганишни йўлга қўйиш зарур бўлади.

Мазкур концепцияни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида ишлаб чиқилди.

Бу — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва тегишли қонунлардир. Маҳаллалардаги фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ва ана шу органлар мавқеини аниқлаб берувчи қонун-қоидалар турли йўналишдаги бир қанча ташкилий масалаларни ҳал қилиш орқали амалга оширилади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустақкамлаш юзасидан қуйидаги тадбирларни амалга ошириш белгиланади:

— фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ижроси устидан назоратни кучайтириш, қонунларни тартибга солиш бўйича кенг тушунтириш ишларини олиб бориш, қонунларга шарҳлар тайёрлаш ёки мавжуд шарҳларни такомиллаштириб наشر қилиш;

— фуқаролар йигини, шунингдек, тафтиш комиссияси ва маъмурий комиссия тўғрисида намунавий Низомлар ишлаб чиқиб, уларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдигидан ўтказиш ва кучга киритиш;

— маҳалла ижтимоий ҳаётига тааллуқли масалалар бўйича қонун ҳужжатларини тайёрлаш, қабул қилиш ва ҳаётга татбиқ этиш жараёнларида фуқароларнинг бевосита иштирокини таъминлаш;

— давлат органлари ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топшириш жараёнининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш;

— маҳаллий давлат органлари билан маҳалла ўртасида функциялар ҳамда ваколатларни аниқ тақсимот қилиш;

— давлат органларининг айрим ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш борасида тажриба ишларини ташкил қилиш ва бу борада жамоатчилик фикрини ўрганиш;

— фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини тегишли қонунлар, норматив ҳужжатлар, қўлланмалар, йўриқномалар ва бошқа зарурий ҳужжатлар билан таъминлаш.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун кадрлар тайёрлаш, ушбу органлар мансабдор шахслари ва ходимларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий билимларини юксалтириш буйича;

— демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун зарур бўлган малакали кадрларни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг мутахассислар тайёрлаш рўйхатига киритиш;

— мазкур тизим раҳбар ходимлари учун малака ошириш, қайта тайёрлаш курсларини, айниқса, уларнинг жойлардаги бўлимларини ташкил этиш;

— “Маҳалла” ҳайрия жамғармаси ҳузуридаги “Маҳалла зиёси” ўқув-услубий марказининг имкониятларини кенгайтириш, марказнинг молиявий таъминоти масаласини ҳал қилиш, ҳуқуқий мақомини белгилаш ва истиқбол дастурини яратиш;

— академиялар, олий ўқув юртларининг ўқув ва илмий-тадқиқот кафедралари, факультетлари, қошида “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш таъминоти” ихтисослигини ўз ичига олган махсус шуъбалар, гуруҳлар очиш.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг иқтисодий таъминотини яхшилаш буйича:

— фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини молиялаш тизимини такомиллаштириш;

— фуқаролар йиғини раиси (маҳалла оқсоқоли), масъул котиб, ҳисобчи, маҳалла посбони, хотин-қизлар комиссияси раиси каби штат бирликлари учун маҳаллий давлат ҳокимияти орқали эмас, тўғридан-тўғри фуқароларнинг ўзини ўзи бошқа-

риш органларидан маош тулаш тартибини жорий этиш;

— маҳаллалар ҳудудларини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлаш, йўл-йўлкаларни асфальтлаш, кўприклар солиш, марказлашган чиқиндиҳоналар қуриш сарф-харажатларини бюджет маблаглари ҳисобидан қоплаш;

— фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тасарруфидаги хусусий тадбиркорлик билан шугулланувчи кичик ва ўрта корхоналар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларига, қишлоқ хўжалиги корхоналарига барча давлат солиқларини тулашда имтиёзлар бериш;

— фаолият доираси бевосита фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан боғлиқ бўлган идора, жамгарма, таҳририят ходимларига ҳам мавжуд имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш;

— маҳаллаларда аҳолига мўътадил ва мақбул нархларда савдо-сотиқ ҳамда маиший хизмат кўрсатишни, божхонага тушган моллар савдосини ташкил этиш;

— фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари идораларини зарур замонавий иш қуроллари — компьютерлар, нусха кўчириш дастгоҳлари, кабинет жиҳозлари, канцелярия ашёлари ва бошқа зарур нарсалар билан таъминлаш масаласини ҳал этиш;

— маҳаллалар ҳудудидаги фойдаланилмаётган ер майдонлари, бинолар, иморатлар, гузарлар, бозорлар ва бошқа иншоотларни қонунда белгиланган тартибда маҳаллалар тасарруфига ўтказиш;

— фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида шартнома муносабатларининг устунлигини таъминлаш мўлжалланади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкилий жиҳатдан яхшилаш юзасидан:

— маҳалла марказларини, гузарларни шарқона меъморий услубда қуришни давом эттириш; ХХІ аср маҳалла гузари лойиҳасини тайёрлаш;

— фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш; Республика Оқсоқоллар кенгаши ва вилоят, туман оқсоқоллар кенгашларининг фаолиятини уйғунлаштириш, такомиллаштириш, унинг Низомини ишлаб чиқиш;

— фуқаролар йиғинлари билан уй-жойлардан фойдаланиш идораларини ягона бир бўгинга айлантириб, барча ҳудудларда уй-жой эгалари ширкатларини тузиш назарда тутилади;

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий ҳамкорлик, маънавий-маърифий ва мафкуравий соҳалардаги фаолиятини кучайтириш учун:

— маҳаллалар ҳудудларида масжидлар, милиция ҳудудий идоралари ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда тартиб-интизомни, фуқароларнинг тинч-осойишта яшашини таъминлаш, хавфсизликка таҳдид солувчи ҳар қандай бўҳтон-игволарга, бузгунчилик хатти-ҳаракатларига нисбатан қатъий чоралар кўриш, жойларда “Ўз уйингни ўзинг асра!” даъватини амалга ошириш;

— аҳоли яшаш жойлари санитария-эпидемиология ҳолатини яхшилаш, юқумли касалликлар билан касалланишнинг олдини олиш, санитария талабларига амал қилиш борасида маҳалла ҳудудида жойлашган корхоналар, муассасалар, савдо-сотик шохобчалари, бозорлар раҳбарлари билан ҳамкорликда чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат идоралари, нодавлат, нотижорат ташкилотлар билан ижтимоий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, ўзаро алоқаларнинг амалий-услубий қоидаларини такомиллаштириш;

— маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг хорижий мамлакатлардаги фуқаролар ўзини ўзи

бошқариш органлари билан алоқаларини кенгайтириш, уларнинг марказдан мустақил иш юритиш тажрибасини ўрганиш ва мақбул жиҳатларини мамлакатимизда қўллаш учун тавсия этиш, ўзаро тажриба алмашишни йўлга қўйиш зарур бўлади.

XXI асрнинг дастлабки йилларида давлат органлари зиммасидаги қуйидаги ваколатларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиб бориш мақсадга мувофиқ:

— фуқаролар ижтимоий таъминотини тўла ташкил қилиш;

— уй-жой савдосини расмийлаштириш ва бошқа нотариал хизматларни бажариш;

— паспорт тизимига риоя қилишни таъминлаш, фуқароларнинг келиш-кетиш ҳолатларини қайд қилиш;

— фуқароларни ҳарбий хизмат учун рўйхатга олиш;

— “Маҳалла-коммуналчи” ширкатлари орқали аҳолига коммунал хизматлар кўрсатишнинг тартиб ва қоидаларини белгилаш, коммунал хизматлар учун ҳақ йиғиш ва тўпланган маблағни тасарруф қилиш;

— ишсизларни рўйхатга олиш ва ишга жойлаштириш юзасидан тавсиялар бериш;

— маданий-маърифий, тарбиявий ишларни олиб бориш, барча маҳаллалар ҳудудида кутубхоналар ва қироатхоналар ташкил этиш;

— ёдгорликлар, қабристонлар, муқаддас қадам-жоларнинг сақланиши ва фойдаланилиши устидан назорат ўрнатишда қатнашиш;

— маҳаллий солиқлар ва маҳаллий бюджетнинг пастдан юқоригача шаклланишида ва юқоридан пастгача тақсимланишида фаол қатнашиш;

— маҳаллалар ҳудудида тегишли ижтимоий инфратузилмани, гузарларни барпо қилиш, ижтимоий иншоотларни таъмирлаш ва улардан фойдала-

ниш масалаларини маҳаллалардаги ўзини ўзи бошқариш органлари доирасида ҳал қилиш;

— маҳаллалар ҳудудида кичик ва ўрта бизнес ташкилотларини яратиш, рўйхатдан ўтказиш, корхоналарнинг солиқ тўлашини назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлиш;

— болалар боғчалари, бошлангич ва ўрта таълим мактабларининг хўжалик фаолиятини ташкил қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш масалаларининг маҳаллалардаги ўзини ўзи бошқариш органлари доирасида ечилишини қонунлаштириш;

— маҳаллалар ҳудудидаги давлат тиббиёт масканларининг хўжалик фаолиятини ташкил қилиш, дори-дармонларнинг ишлатилишини жамоатчилик назоратига олиш;

— спорт мажмуаларини қуриш, таъмирлаш ва улардан фойдаланишни ташкил қилиш орқали ёшларнинг оммавий спорт ўйинларида қатнашишлари учун маҳаллаларда шарт-шароитлар яратиш;

— Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент Фармонлари ва Фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, турли даражадаги ҳокимликлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари қарорларининг маҳаллалар ҳудудида бажарилишини назорат қилиш;

— фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаол жамоатчиларини рағбатлантириш мақсадида давлат мукофотларига тавсия этиш.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бу вазифаларни тўла бажара олиш қобилиятига эга бўлгач, уларга давлат органлари ихтиёридаги бошқа ваколатлар босқичма-босқич ўтказиб борилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ваколатлари доирасидан чиқмаган ҳолда бошқа органлар ваколатлари доирасига кирмайдиган ҳар қандай масала бўйича шахсий ташаббусларни рўёбга чиқа-

ришда амалдаги қонунчилик асосида тўла мустақил фаолият кўрсатиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Маҳаллалардаги фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасидаги вазифаларнинг тўла ва муваффақиятли бажарилишини таъминловчи восита уларнинг кучли молиявий асосга эга бўлишидир. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари молиявий жиҳатдан етарли салоҳиятга эга бўлмаса, биринчидан, ўзларига қонуний белгилаб берилган ваколатларни амалга ошира олмайди, иккинчидан, уларнинг давлат органларига қарамлиги сақланиб қолаверади. Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганларидек, “Биз маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун, улар етарли молиявий ресурсларга эга бўлишига эришмоғимиз лозим. Бунинг учун, уларнинг даромадларини шакллантирувчи манбаларни мунтазам кенгайтириб бориш зарур бўлади”.

Шу сабабли, маҳаллаларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига давлат органларининг айрим ваколатларини олиб бериш баробарида, уларнинг молиявий асосларини кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

Амалдаги қонунчиликка биноан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг молиявий асоси:

- ўз маблағларидан;
- халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан белгиланган тартибда ажратиладиган маблағлардан;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайр-эҳсонларидан;
- шунингдек, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа маблағлардан ташкил топади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юқорида курсатиб ўтилган молиявий манбаларига

қўшимча равишда ўзларининг молиявий асослари-ни яқин истиқболда қўйидаги тадбирларни амалга ошириш ҳисобига мустаҳкамлашлари зарур:

1. Амалдаги Солиқ кодексида ер солиғи ва мол-мулк солиғи маҳаллий солиқлар ҳисобланиб, маҳаллий бюджетлар даромадига тушиши кўсатилган. Эндиликда маҳаллаларнинг ҳудудий чегараси доирасида жойлашган фуқаролар ери ва мол-мулкидан олинадиган солиқлар тўлалигича ўша ердаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари даромадига тушиши тартибини жорий этиш ҳамда юридик шахслардан мулк солиғи, ер солиғи ва қишлоқ ҳўжалиги ерларидан фойдаланганлик ва уларга эгалик қилганлик учун ягона ер солиғи ундириш орқали маҳаллий бюджетлар даромадини шакллантириш лозим;

2. Амалдаги қонунчиликка биноан, янги келинкуёвлар турмуш қуриш учун никоҳдан ўтаётган пайтда маълум миқдордаги давлат божи тўлашлари белгиланган ва бу тартиб амалиётда кенг қўлланмоқда. Мазкур давлат божининг 50 фоиздан юқори бўлмаган миқдорини куёв яшаб турган маҳалладаги фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг ҳисобварағига ўтказиш мақсадга мувофиқдир (хорижий давлатлар фуқаролари бундан мустасно);

3. Маҳаллалар ҳудудида турар жойлар, гаражлар ва бошқа кўчмас мулклар бўйича фуқаролар ўртасида олди-сотди амалга ошганида маълум миқдордаги давлат божини тўлаш қонунчиликда белгилаб қўйилган. Ана шундай бож тўловининг 50 фоиздан кам бўлмаган миқдорини фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳисобварақларига ўтказиш лозим;

4. Маҳаллалар ҳудудидаги турли ўйингоҳлардан (биллиард, тир, компьютер-автомат ўйинлари ва шу кабилардан), пуллик хизмат кўрсатишдан давлатга тўланадиган тўловлар ҳамда транспорт солиқлари-

нинг бир қисмини фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳисобварақларига ўтказиш лозим;

5. Маҳаллалар ҳудудидаги табиий заҳираларни асраш, шунингдек, турли маъмурий тартиббузарликлар юзасидан солинадиган жарималар, маҳаллаларнинг банкда сақланаётган маблағларидан қарз бериш ва олиш, акциялар, лотереялар чиқаришдан келадиган фойдаларни фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳисобварақларига ўтказиш лозим;

6. Маҳаллалар ҳудудидаги юридик шахс мақомига эга бўлган ҳужалик юритувчи субъектлар томонидан маҳаллий бюджетга ўтказиладиган барча тўловларнинг бир қисмини фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳисобварақларига ўтказиш лозим;

7. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий базасини мустаҳкамлашга қаратилган яна бир таклиф бевосита шаҳар ва туман марказларидаги маҳаллаларга хосдир. Шаҳар ва туман марказларидаги маҳаллалар ҳудудида фуқаролар боқадиган уй ҳайвонлари учун тўлов жорий этиш мумкин. Бу йўналиш, бир томондан, молиявий манба ҳисобланса, иккинчи томондан, шаҳар ва шаҳарчалардаги маҳаллалар ҳудудида санитария ҳолатини яхшилашга кўмаклашади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий асосини мустаҳкамлашга қаратилган юқоридаги таклифлардан ташқари, ҳозирги кунда кам харажат қилиб, юқори даромад олиш ва, энг асосийси, тегишли молия манбаларини амалдаги қонунчилик доирасида, осон ва ларзаларсиз шакллантириш имконини берадиган бошқа иқтисодий-молиявий тадбирлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

XXI аср бошида бозор иқтисодига ўтиш шарт-шароитлари, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ислоҳ қилиш уларнинг ҳокимият тизими-

дан холи, эркин фаолият кўрсатиш имконияти, энг муҳими бора-бора адолатли, демократик жамиятнинг негизига айланиши лозимлиги ва давлат органлари даражасидаги муқобил бошқарув идораси сифатида самарали шаклланиши талабларидан келиб чиқиб, маҳалла оқсоқоллари олдига янги-янги юксак талаблар қўйилмоқда. Концепцияда кўзда тутилган кенг қамровли вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш кўп жиҳатдан маҳалла оқсоқолларига боглиқ эканлигини ҳар томонлама ҳисобга олиб, пухта уйлаб иш тутиш керак бўлади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мустақиллик даврида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг кадрлар таркиби ижобий томонга ўзгарганлиги 2001 йил май-июнь ойларида мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилган сайловда яққол сезилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида”ги қарорида ташкилотчилик қобилиятига ҳамда аҳоли ўртасида юқори обрў-эътибор ва ҳурматга сазовор бўлган, давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг бир қисми босқичма-босқич фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига берилиши муносабати билан, ушбу органлар олдига турган вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган шахслар орасидан фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқол)лари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига номзодлар танлаш кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Курилган чора-тадбирлар натижасида мамлакатимиз бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ижтимоий-сиёсий ва ташкилий жиҳатдан юксак савияда, фуқароларнинг фаоллигида ўтди. Сайловда 12 миллионга яқин киши қатнашди. Бу мамлакатимиз катта ёшли аҳолисининг қарийб 90 фоизини ташкил этади.

Фуқароларнинг 9627 йигинида, шу жумладан 1556 шаҳарча, қишлоқ ва овул йиғинларида, қишлоқлардаги 4151 ва шаҳарлардаги 2138 маҳалла йиғинларида, шунингдек жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган 1782 маҳаллада сайловлар бўлиб ўтди. Жойларда сайлов билан бир вақтда фуқаролар йиғинлари раисларининг (оқсоқолларининг) ўтган давр мобайнида қилинган ишлар тўғрисидаги ҳисоботлари ҳам эшитилди. Ишнинг барча йўналиши бўйича фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти чуқур таҳлил этилди. Қонунларимиз, Президентимиз Фармонлари, ҳукумат қарорларини амалий жиҳатдан рўёбга чиқаришда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига берилаётган кўмакка алоҳида эътибор қаратилди. Мавжуд камчиликлар сабаблари ҳам очиб ташланди ва уларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Ҳисобот-сайлов йиғилишларида жами 120 мингдан ортиқ киши сўзга чиқди. Нутқларнинг аксариятида мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни сақлаб туриш, аҳолининг турли қатламларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар, юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар учун мамлакат раҳбарияти шаънига миннатдорчилик сўзлари изҳор этилади.

Фуқароларнинг кўпгина йиғинларида раис (оқсоқол) сайлови сермулоҳазалик, босиқлик билан ўтди.

9627 нафар йиғин раисининг жамоатчи ишчи гуруҳлари томонидан тавсия этилган 22 минг нафардан ортиқ номзод орасидан танлаб олинishi фуқароларга йиғин раҳбарлигига энг муносиб кишиларни сайлаш имконини берди.

Фуқаролар йиғинлари раҳбарларининг маълумот даражаси сезиларли ошди. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) орасида олий маълумотли киши-

лар 73,2 фоизга (1998 йили 62,6 фоиз) тенг булди. Булар асосан ўқитувчилар, муҳандислар, агрономлар, иқтисодчилардир. Ўрта махсус маълумотлилар эса 23,6 фоизни ташкил этди. Фуқаро йиғинлари раҳбарлари орасида хотин-қизлар сони ортди. 659 нафар аёл йиғин раислигига сайланди. Улар жами йиғин раисларининг 8,4 фоизини (1998 йилда 5,9 фоиз) ташкил этади. Йиғин раисларининг ҳар 5 нафардан бири илк бор сайланди. Оқсоқолликка сайланганларнинг 50 фоизи раҳбарлик ишларида етарли тажриба орттирган, ташкилотчилик қобилиятига эга 50 ёшгача, 12 фоизи эса 40 ёшгача бўлган кишилардир.

Йиғин раисларининг маслаҳатчилари ўртасида ҳам шундай ҳол кўзга ташланади. Уларнинг 54,0 фоизи олий (1998 йил 42,2 фоиз) 33,0 фоизи ўрта махсус маълумотли кишилар бўлиб, 24,1 фоизини аёллар, 48,0 фоизини 50 ёшга тўлмаган кишилар ташкил этади.

Котибларнинг 46,0 фоизи олий маълумотлилар, 37,0 фоизи аёллар, 86,0 фоизи эса 50 ёшгача бўлган кишилар.

Сайлов кампанияси республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Ўзбекистон телевидениесининг “Ахборот” ва “Давр” дастурларида мунтазам равишда сайловга оид кўрсатувлар бериб борилди, махсус кўрсатувларда Олий Мажлис депутатлари, фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари), “Маҳалла” республика хайрия жамғармаси ва бошқа жамоат бирлашмаларининг вакиллари иштирокида давра суҳбатлари ўтказилди.

“Халқ сўзи” ва “Народное слово”, “Маҳалла” газеталари саҳифаларида “Кимни сайладингиз?”, “Оқсоқоллар сайлови”, “Власть в махалле: какой ей быть?” ва бошқа рукнлар остида сайлов кампаниясига оид материаллар эълон қилиб борилди.

Айрим туман ва шаҳар комиссиялари ҳамда шу туман ва шаҳар ҳокимликларининг мансабдор шахс-

лари жамоат фикрини пухта ўрганмаганликлари, жойлардаги ҳақиқий аҳволни билмасликлари натижасида 48 та йигинда кўрсатилган номзодлардан биронтаси ҳам сайланмади ва бу йигинларда қайта сайлов ўтказишга тўғри келди, 72 йигинда йигин раҳбарларининг ўтган давр мобайнидаги иши қониқарсиз деб топилди ва мазкур йигин раисларига ишончсизлик билдирилганлиги учун бошқа раис сайланди (бундай раислар Самарқанд вилоятида 25, Тошкент вилоятида 19 ва Тошкент шаҳрида 13 кишини ташкил этади).

Сайловнинг якуний натижаларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, сайловлар аҳолининг кенг қатламлари учун ижтимоий-сиёсий фаоллик ва чинакам демократия мактаби бўлди. Улар давлат органлари вазифаларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиш борасида танланган йўл тўғри эканлигининг, турмушимиз барча соҳаларини демократлаштиришда, жойлардаги муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал этишда бу органларнинг ўрни ва аҳамияти ортиб бораётганлигининг, “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” гоёсини амалга ошириш зарурлигининг яққол исботи бўлди.

Демократик фуқаролик жамиятини қуриш йўлида бир қанча муаммолар ва қийинчиликлар шубҳасиз бор ва юзага келади.

“XXI аср маҳалласи” концепцияси айнан ушбу муаммоларнинг ечимини топиш, ўтиш даврининг қийинчиликларини оғриқларсиз ҳал этиш, йигилиб қолган саволларга батафсил жавоб бериш учун хизмат қилади. Концепциянинг қабул қилиниши ва ҳаётга татбиқ этилиши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини кенгайтириш ва фуқаролик жамиятига ўтиш йўлида қўйилган муҳим ва салмоқли қадам бўлади.

## СЎНГГИ СЎЗ

Маҳалла мавзуси, шубҳасиз, маҳалла атамаси, маҳалла фаолияти маҳалла тарихи ва истиқболининг ўзи каби кенг қамровли, кўп қиррали, ҳазрати инсон ҳаётининг бутун борлигини, давлат, жамият тизимининг ҳар бир унсурини ўзида мужассам этган.

Янги оила дунёга келганидан хабар бериб кўкларга ҳаволанган карнай-сурнай садосидан, чақалоқ қулогига айтилган азон овозидан бошлаб, инсон умрининг сўнгги нафасигача — икки эшик оралигида маҳалла ҳаммамиз учун маскандир.

Ҳар инсоннинг умр мазмуни ўзига хос бўлганидек, ҳар бир маҳалланинг ҳаёти ҳам бетакрордир, беқийёсдир. Шу боис, маҳалла ҳаётини мукаммал ёритиш, барча муаммо — масалаларни, бурч ва вазифаларни, тажрибаларни атрофлича таҳлил этиш имкониятига муяссар бўлиш қийин. Аммо ҳаммамиз маҳаллада яшаймиз, унинг ҳаёти қон-қонимизга сингиб кетган.

Кўп йиллик шахсий кузатувлар, ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар билан бевосита ишлаш жараёнида орттирилган тажрибалар асосида ушбу рисолани ёзишга қарор этдик. Бу журъат қаердан келди? Саволга жавоб бериш учун мустақиллик йилларида маҳаллага Президентимиз Ислом Каримов томонидан берилаётган катта эътиборни, давлат даражасида маҳалла ҳуқуқларининг кафолатланишини, маҳалла барпо этилаётган янги, адолатли фуқаролик жамиятининг таянчи ва суянчиги этиб олинишини, маҳалла йигинлари устида олиб борилган назарий ҳамда амалий ишларнинг салмоқли самарасини эсга олиш кифоя.

Маҳалла фуқаролар йигини, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқлари биринчи марта мустақил

Ўзбекистон Конституциясида қайд этилди. Биринчи марта “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” Қонун қабул қилинди. Дунёда илк бор бизнинг мамлакатимизда республика “Маҳалла” хайрия жамғармаси тузилди. Биринчи марта маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштириш, тараққиётини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгашига асос солинди. Мамлакат парламентида ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари биринчи марта депутат этиб сайланди. Дунё парламентлари тажрибасида биринчи бор Олий Мажлисда демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ташкил этилди. Давлат даражасида қабул қилинган бу каби ҳуқуқий, меъёрий ҳужжатларни, амалий-маънавий ҳамда моддий тадбир ва ёрдамларни кўплаб санаш мумкин.

Маҳалла фуқаролар йиғинларининг, оқсоқол ва фаоларнинг янги ниётларига, режаларига, дастурларига диққат билан қарасак, уларнинг ранг-баранглиги, эзгу амалларга бойлигини кўрамиз. Ҳуқуқий фуқаролик жамиятини ва адолатли демократик давлатни барпо этишни уларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Албатта, айтилган бу масалаларни муъжаз бир китобда жамлаб кўрсатиб беришнинг имконияти йўқ. Шунга кўра, азиз китобхонлар, ўз тажрибангиз, режаларингизга асосланиб ушбу рисолада мухтасар баён этилган масалаларни тулдиришга ёрдам беришингизга, фикр-мулоҳазаларингизни Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши “Маҳалла” жамғармаси республика бошқарувига ёзиб юборишингизга умид қиламиз.

Сизнинг ушбу ғайрат ва ҳимматингиз Президентимиз ташаббуслари билан илгари сурилган “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” ижтимоий-сиёсий, фалсафий ҳаракатнинг рўёбга чиқишига катта мадад бўлади.

## МУНДАРИЖА

Суз боши урнида .....	3
Халқ даҳосининг маҳсули .....	10
Адолатли фуқаролик жамиятининг асоси .....	26
Кучли ижтимоий ҳимоя йулида .....	43
Ҳаёт дарсхонаси .....	83
Маҳалла жонкуярлари .....	123
XXI аср маҳалласи .....	142
Сунгги сўз .....	158

*Шухрат Жалилов*

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ

Ўзбек тилида

“Ўзбекистон” нашриёти, 2001, Тошкент, 700129,  
Навоий, 30

Муҳаррир З. НОРМУҲАМЕДОВ  
Бадий муҳаррир У. СОЛИҲОВ  
Техник муҳаррир Т. ХАРИТОНОВА  
Мусаҳҳиҳ Н. УМАРОВА  
Компьютерда тайёрловчи А. ЙЎЛДОШЕВА

Теришга берилди 23.07.2001. Босишга рухсат этилди 10.09.2001.  
Бичими 84×108<sup>1/4</sup>. “Школьная” гарнитурда юқори босма усулида  
босилди. Шартли бос. т. 8,4. Напр. т. 6,3. 5000 нусхада чоп этилди.  
Вуьртма № 65 Баҳоси шартнома асосида.

“Ўзбекистон” нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кучаси, 30 уй.  
Нашр. № 148-2001.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот  
қўмитаси 1-босмахонасида босилди.  
700002, Тошкент, Сағбон кучаси, 1-берк кўча 2-уй.